

323
М-559

32


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА
ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ: асосий тушунча ва тамойиллар

(Олий таълим муассасалари учун
тажрибавий қўлланма)

«Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар»
ўқув фани бўйича маҳсус методологик комиссия тавсия этган

2032839



ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2001 ЙИЛ

Биз ўрганишга киришаётган «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» – мустақиллик йилларида шаклланган янги фандир. Бу фан озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган халқимизниг мақсад-муддаолари ва орзу-интилишларини, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг шаклланиб келаётган миллий истиклол гоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўргатади.

Мазкур китоб Президент Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига таянган ҳолда ёзилди. Ушбу тўпламда рисолада баён қилинган тушунча ва тамойиллар кенгроқ ёритилган. Мулоҳазаларнинг мантикий давомийлигини таъминлаш мақсадида рисоланинг зарур ўринларидан олинган фикрлар курсив билан ажратилиб, ёритилаётган мавзу моҳиятини ана шу иктибослар асосида шарҳлашга ҳаракат қилинди.

Кўлингиздаги китоб шу илк тажрибалардан бири сифатида тақдим этилаётган тўпламдир.

Уни келажакда тўлдирилган ва янада бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини хисобга олиб, фикр-мулоҳазаларнинг кўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шахри, Мустақиллик майдони, 5-бино, 8-кават, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Телефон: 139-17-31.

Илмий муҳаррир: академик Т. РИСҚИЕВ

Масъул: ф.ф.д. К. НАЗАРОВ нашрга тайёрлаган.

Муҳаррирлар: А. ТОШХЎЖАЕВ, М. ҚАРШИБОЕВ

*Тақризчилар: ф.ф.д, проф. Х. ШАЙХОВА,
ф.ф.н. А. НАСРИДДИНОВ*

Биринчи қисм

КИРИШ

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу фоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни кўйди.

Бу эса келажагимизни якқол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маъниавий пойdevорини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, фоявий бўшлиқ булишига йўл қўймаслик, ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

«Ушбу мафкурани қандай зарурат шакллантириди?» ва «Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?» – деган саволларга жавоблар Президентимиз Ислом Каримовининг кўп йиллик изланишлари, асарларидағи фикр-мулоҳазаларига таяниб яратилган «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва таомойиллар» номли рисолада уз аксини топди.

Аввало, шундай таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол гояси тасодиф эмас, балки ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. Шу маъниода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, ҳалқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир.

Бу эса, ўз навбатида, «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётидан зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини

йўқотиши муқаррар» – деган фикрининг ҳаққонийлигини исботлайди. Биз ушбу ҳаёт ҳақиқатини фуқаролар, айниқса, ёшлар қалби ва онгига сингдиришимиз лозим. Бунда «Миллий истиқлол гояси» ўкув фанининг таълим тизимиға жорий этилиши мухим воқеа бўлди.

Миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойиларини ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ўкув машғулотларини олиб боришда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишлиарини ҳисобга олиш;
- таълим-тарбиянинг илфор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддапаштириш, таълимнинг эскича услуга ва тамойилларини қўллаш натижасида фанининг қадрсизланишига йўл қўймаслик;
- таълим жараёнида тазиик ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш қўнималарини оширишга эътибор қаратиш;
- ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик мұхитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;
- ёшларда гоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор булиши ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;
- миллий истиқлол гоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш.

Ушбу вазифаларни бажариш бу соҳада фаолият олиб бораётган барча мутахассислар, олим ва зиёлилардан катта масъулият талаб қиласи. Зоро, миллий истиқлол гояси юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гурух, дин, партия ёки катлам вакили учун умумий мезонидир. Шу маънода, у 130 дан

зиёд миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон ҳалқининг, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилик ағъланаларимизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммуниитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровоилиги ишига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсад ва вазифасидир.

Қўлингиздаги китоб миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақидаги илк тажриба сифатида тақдим этилаётган асосий мавзулар тўпламидири. Сиз «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўрганиш жараённида фақат мана шу тўплам билан кифояланиб қолмасдан, балки бошқа манбалардан ҳам унумли фойдаланасиз, деб умид қиласиз.

Мазкур тажрибавий қўлланма миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини кенгроқ талқин қилиш мақсадида Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ишчи гурӯхининг қўйидаги аъзолари томонидан тайёрланди: Қ.Назаров, Д.Алимова, Ё.Тоиров, В.Каримова, З.Хусниддинов, М.Курнов, И.Эргашев, Б.Тўраев, С. Мамашокиров, Ж. Раматов, С.Отамуродов, З.Исломов, А.Мўминов, М.Ортиков, А.Умаров, М.Бекмуродов, А.Очилдиев, М. Усмонов, А.Холбеков, Х.Худойбердиев, О.Юсупов, А.Эркаев, К.Рўзматзода, Б.Исков, С.Минаваров, Ф. Мусаев, Б. Неъматов, А. Қаҳрамонов, Л.Тангриев, Д.Мухаммадиев.

I-мавзу: «МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар қандай фанинг муайян билимлар тизими сифатидаги ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари бўлади. Уларниң барчаси фан урганадиган соҳа, яъни предметниң ўзига хос хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўрганишга киришаётган «Миллий истиқлол гояси» фани бундан мустасно эмас. Унинг ҳам ўз предмети, қонун ва категориялари, мақсад ва вазифалари бор.

«Фоя» ва «мафкура» тушунчалари, уларниң ҳалқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, миллий истиқлол гоясининг мазмун-моҳияти, тушунчалари, шаклланиш қонуниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари, уни ҳалқимиз қалби ва онгига сингиш йўллари ва усуллари ушбу фанинг предметини белгилайди. Унинг тушунча ва категориялари бир бутун, яхлит тизим шаклида на-моён бўлади. Миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойилларини фукароларимиз қалби ва онгига сингдириш омиллари ва воситалари ҳам ана шу тизимнинг таркибий қисми бўлиб, фанинг асосий тушунча ва категориялари қаторида ўрганилади.

Аввало, шунин алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ иттифок даврида гоялар дунёси, унинг ўзига хос қонуниятлари, уларниң жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганувчи алоҳида фан йўқ эди. Ҳатто шу соҳа мутахассисларини, яъни фалсафа бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетларда ҳам бу борадаги мавзулар муайян фанинг асосини ташкил этадиган илмий тизим сифатида ўқитилмасди.

Бунинг асосий сабабларини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, сабик марксча-ленинча мафкура тараққиёт-нинг асосий қонуниятларини тұғри тушуптириб берадиган яккаю ягона таълимотдир, деган ақида мутлак ҳақиқат сиғатида эътироф этилар эди. Натижада бу соҳадаги мутахассислар унинг асосларини атрофлича ва чуқур үрганса бас, деган қараш ҳукмрон бўлиб қолганди. Айнан ана шундай қараш умумисоний аҳамиятга молик бўлган foялар тұғрисидаги фан – «Идеология»нинг үрганилмаслигига олиб келган эди. Умуман, сабик иттифоқ даврида социология, культурология, политология каби фанлар ҳам умумисоний тамойиллар асосида ўқитилмас, аксиология, конфликтология, геополитика тұғрисида айтарли маълумотлар берилмас эди.

Иккинчидан, foялар тұғрисидаги билимларни әгаллаш бу соҳанинг ўз қонуниятлари ва амал қилиш тамойиллари борлигини яққол күрсатиб қўйган бўлур эди. Бу эса, табиий равишда, ана шу соҳада пайдо булган назария ва таълимотларниң мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қаратилгани, кимларга хизмат қилиши тұғрисидаги аниқ тасаввур ва тушунчаларни шакллантирар эди. Бинобарин, бу – жамият тараққиётида антогонистик зиддиятларни мутлаклаштириш, инсониятнинг бир қисмини синф тарзида йўқ қилиб юбориш, қолган қисмининг устидан эса диктатура үрнатиш орқали бу дунёнинг хаёлий жаинати – коммунизм қуришни тарғиб қиласидан соҳта таълимотнинг асл қиёфасини ошкор қилиб қўярди.

Учинчидан, сабик шўро даврида бу соҳадаги мутахассисларнинг онги ва дунёқарашини умумисоний тамойиллар, қонун-коидалар билан эмас, балки тоталитар мафкура ва мустабид тузумнинг мақсадлари йўлида шакллантиришга хизмат қиласидиган баъзи «фан»лар ўйлаб топилди ва таълим тизимиға киритилди. Масалан, олий ўқув юртларининг фалсафа, социология мутахассисларини тайёрлайдиган бўлимларида «Буржуа фалсафасини танқид», «Хозирги замон фарб социологиясини танқид» каби ўқув курслари ўқитиларди. «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм», «Сиёсий иқтисод» бўйича дарс олиб бориш барча олий ўқув муассасаларида таълим тизимининг таркибий қисми эди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ахвол тубдан ўзгарди. Социология, культурология, политология каби фанлар таълим тизимининг таркибий қисмига айланди.

Биз ўрганишга киришаётган мазкур янги фан ўзининг категориялари, тушунча ва қонуниятлари, мақсад ва вазифала-рига эга. «Фоя», «ғоявий тамойиллар», «ғоявий тарбия», «мафкура», «мафкуравий тизим», «мафкуравий полигон», «мафкуравий иммунитет» ва бошқалар ана шу фан ўрганадиган тушунча ва категориялар сирасига киради.

Шу билан бирга, бу фаннинг предмети фоялар тизимининг ижтимоий тараққиётга боғлиқ қонунияти, яъни ҳар қандай жамиятнинг ўзига хос ғоявий тамойиллари бўлиши шартлиги, ҳар бир жамият ёки давлат ўзининг ижтимоий тузилишига мос келадиган мафкуравий ҳимоя тизимини яратиши зарурлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳияти ва намоёни бўлиш хусусиятлари каби масалаларни ҳам қамраб олади.

«Миллий истиқлол ғояси» фани, аввало, фоя ва мафкура тўғрисида, уларнинг тарихий, фалсафий илдизлари ҳакида чукур билим беришга қаратилган. Бу ўз навбатида, ушбу тушунчаларнинг мазмунини, уларнинг бунёдкорлик ва вайронкорлик хусусиятлари, инсоният тараққиёти учун ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши, истиқлол ғоясининг бунёдкорлик моҳияти, мустақилликнинг энг муқаддас қадрият экани, уни асрлаб авайлаш ҳар биримизнинг олижаноб бурчимиз эканини англашга ёрдам беради.

Фоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қадимий даврларидан бошлаб катта эътибор берилган. Бу атаманинг мазмун-моҳияти Фарб мамлакатларида «идея» тушунчи-ласи орқали ифодаланади. «Идея» грек тилидаги «idea» сўзи-дан олинган бўлиб, қадимда у «образ», «ташки кўриниш» деган маъноларни англатар эди. Лекин бу тушунчанинг мазмун-моҳияти тараққиёт давомида ўзгариб борган ва фалсафа тарихида хилма-хил маъноларда ишлатилган. Масалан, қадимги юноностонлик файласуф Платон «Фоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимотини асослар экан, фояларни ду-

нёнииг яратувчиси, асоси деб атаган ва уларни объектив реаллик сифатида талқин қилган. Япа бир юнон алломаси Демокрит эса олам таркибидаги энг майда ва бўлинмас зарра – атомларни идеялар деб атаган. Машҳур немис файласуфи Гегелнинг фикрича, идея – барча нарсаларнииг ижодкори, дунёга келтирувчиси ва асосий моҳиятидир.

Кўпгина мутахассисларнииг фикрича, қадимги дунёда фоя ва мафкура тушунчалари кариб бир хил маънода ишлатилган. Бунда асосан ушбу тушунчаларининг инсон дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига кўпроқ эътибор берилган. Масалан, ҳозирги диншуносликда диннииг илк шакллари деб талқин қилинадиган «анимизм», «тотемизм», «фетишизм» каби оқимлар талқини мисолида бу ҳол яққол кўзга ташланиб туради. Уларнииг ҳар бири муайян фояга ишонч ва эътиқод ҳамда уларни бир қадар мутлаклаштириш натижасида дунёга келган. Улар ўз даврида ёки қабилани, эл ёки элатни бирлаштириш, уларнииг дунёқарашини маъниавий тартибга солиш ва мувофиқлаштириш учун мезон бўлиб хизмат қилган. Айнан ана шу маънодагина уларни мафкура вазифасини бажарган эътиқод шакллари дейиш мумкин.

Кейинчалик «фоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмани ва кўлами кенгайиб борган. Катта-катта ҳудудларда яшайдиган ҳалкларни бирлаштирган фоя ва мафкуралар пайдо бўлган. Улар бу ҳудудларда яшаётган кишилар ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимизнинг бундан қариб уч минг йил илгариги қарашлари, фоялари ва эътиқодини акс эттирувчи маиба – «Авесто» китоби мисолида буни яққол кўриш мумкин. Унда нафақат Зардўшт таълимоти, балки ўша даврининг энг асосий фоялари ҳамда бу фояларга таяниб ёзилган қўшиқлар, ҳикоят ва ривоятлар жамланган. Бир неча китобдан иборат бўлган «Авесто» жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларидаги фояларни умумлаштирган, минтақамиз ҳалкларининг улар асосида шаклланган яшаш ва ҳаёт кечириш қонун-қоидаларини ўзида ифодалаган.

Юртимизни мелоддан олдинги IV асрда забт этган македониялик Александр «Авесто»нинг биргина нусхасини қисман

сақлаб қолиб, уни ўрганиш учун устози Аристотелга юборган, қолған пусхаларини эса йўқотиши буюрган. Баъзилар Александр «Авесто» тилини билмагани, унинг моҳиятини тушунмагани учун китобни қадрига етмаган ва йўқ қилишни буюрган, деган ҳақиқатдан йирок фикрни баён қиласди. Ҳалигача теран фикрлари билан жаҳон ахлини лол қолдириб келаётган машҳур файласуф Аристотелдек буюк тафаккур соҳибидан таълим-тарбия олган Александр китобнинг қадрини тушунмаганига ишониб бўладими? У шунчалик саводсиз киши бўлганми? Йўқ, албатта. Александр китоб нима эканини, униш гоялари одамларга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини яхши билган. Шу билан бирга, у ўз қўшинига қаттиқ қаршилик кўрсатган бу ўлка халқларининг гоялари «Авесто»да ўз ифодасини топганини, у истибоддага бош эгмасдан, китобдаги ушбу гояларга таянган ҳолда, тез орада яна истиқлол учун курашга чиқишини ниҳоятда яхши тушунган.

Хуллас, Туронзамин халқларини эзгу гоялардан бебахра қилиш, тафаккурини қарамликда сақлашнинг энг яхши ва мақбул йўли – уни ўзлигидан жудо этиш, фафлатда сақлаш, тарихини унтишга маҳкум қилиш орқали амалга оширилишини яхши билган жаҳонгир Александр «Авесто»ни йўқ қилишга уриниши табиий эди. Кейинчалик бошқа жаҳон фотихлари ҳам ана шунга ўхшаш йўллардан боргани фикримизни исботлайди.

Тарих шундан далолат берадики, марказлашган йирик давлат ва империяларнинг пайдо бўлиш жараёнида ғоя ва мафкураларнинг аҳамияти янада ортади. Мелоддан олдинги IV-I ва мелоднинг бошларидаги Рим тарихи бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар-давлатда унинг фуқаролари худолар томонидан энг олий мақомга эга кишилар сифатида тан олингани тўғрисидаги ғоя устувор эди. Бу, ўз навбатида барча римликларнинг ўзаро тенглиги ғояси кеңг шаклланишига ва шу асосдаги мафкуранинг мустаҳкамланишига сабаб бўлган. Ана шу мафкурага кўра. Рим аҳолиси роҳат-фароғатда яшаши, асосан мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб туриши, кўп-минг сонли қуллар эса меҳнат қилиши лозим эди.

Тарихдан маълум ва машхур бўлган Спартак бошчилиги-даги қуллар қўзғолони ана шу тартибга қарши кўтарилиган ҳаракат эканини яхши биламиз. Қўзғолончилар сони 100 мингта етишига қарамасдан, бу ҳаракатнинг фалаба қозоиа олмаслиги муқаррар бўлган. Чунки ўша пайтда римликлар ўзлари учун қонунга ва яшаш мезонига айланган фоя асосида шаклланган тартибни бузишга йўл қўймас эди. Бу фоя римликларнинг ҳаёт-мамоти учун жанг бораётган бир шароитда уларнинг орасидан Спартак ва унинг тарафдорларига қарши бир неча юз минг аскарни саралаб олиш имконини берган.

Умуман олганда, Қадимги Римдаги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган (яъни, «Қуллар меҳнати – римликларнинг роҳат-фароғати» тамойили асосида) тенглик фояси аста-секин ҳалқни оломонга, империя учун зарур бўлган аскарларга, юқоридаги тамойилни сўзсиз ҳимоя қилишга шай турган армияга айлантирган. Империяни яратадиган дунёқараш ҳамда мафкура шу тариқа шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, ана шу армиянинг бошлиқлари – Рим империясининг жаҳонгир лашкарбошилари Юлий Цезар, Октавиан Августин ва бошқаларни тарих саҳнасига олиб чиққан.

Ўша даврда Римнинг ёнгинасида Афина давлати ҳам гуллаб-яшнаган бўлиб, унинг асосий ҳаёт тамойили эркинлик фоясига таянарди. Рим армияси маданий тараққиёт жиҳатидан устун бўлган Афинани тез орада забт этди. Аммо ўз ҳудудида Афинадагидек эркинлик фоясини устувор тамойилга айлантира олмади. Чунки эркинлик фояси тоталитаризм учун энг асосий маънавий хавф бўлиб ҳисобланади. Ҳаёти эркинликка асосланган Афина инсоният маданиятининг тамал тошларидан бири, юксак маънавий қадриятлар устувор бўлган цивилизацияни дунёга келтирган эди. Бу даврдаги фан ва маданият тараққиёти инсониятни ҳозиргacha ҳам ўзига мафтун этиб келмокда.

Рим эса фан ва маданият бобида Афинага тенглаша олмади ва бу соҳаларда ундан устунорок бўлган бирор кашфиёт ёки янгилик яратолмади. У бор-йўғи дунёга даҳшат солган тажовузкор ва мустабид империяни, урушқок ва зўровон армияни

ярата олди, холос. Римликлар ўша даврда Афинани маҳв этган ва унинг устидан ҳукмроилик ўринатган бўлса-да, аммо афиналиклардан ўрганишдан ор-номус қилмаган. Ҳатто энг атоқли Рим зодагонлари ҳам ўз фарзандлари учун устоз ва ўқитувчиларни афиналиклар орасидан танлаган ва бундан фаҳрланиб юрганлар. Машхур француз файласуфи Ж.Ж. Руссо бу тўғрида шундай ёзган: «Сиёсий жиҳатдан тобе бўлган Афина ғоявий ва маънавий жиҳатдан Римни беихтиёр тиз чўкишга мажбур қилган эди. Римликлар бу борада ҳеч қачон афиналикларнинг қаршиисида ўзларини ғолиб деб ҳисоблай олмаган». Яна бир француз адиби Андре Моруа бу жараённи таҳлил килиб қуйидаги фикрни билдирган: «Европа бу ғоя ва йўлтарнинг қайси бири тўғри эканлигини тўла-тўқис ажратиб, ўз йўлини уларнинг бири асосида танлаб ололмади. Салиб юришлари домига тортилган ва ўрта асрлар сўнгига империяларни яратган Европа Қадимги Рим йўлидан, Римнинг ҳалокатидан кейин мустақиллик ва миллий давлатчиликни ихтиёр этган Европа эса Қадимги Афина йўлидан борди. XX асрда фашизмни дунёга келтирган Европа биринчи йўлдан, шу юз йилликнинг охирига келиб демократик таракқиёт сари юз тутган Европа эса иккинчи йўлдан бормоқда. Бир асрда, нисбатан қисқа давр орасида бундай ҳолнинг яққол намоён бўлиши европаликларнинг қонида бу йўлтарнинг иккаласи учун ҳам умумий генлар сакланиб қолганидан далолат беради».

Ушбу мисоллар «Миллий истиклол ғояси» фанида ўрганиладиган ғоя ва мағкураларнинг инсоният тарихидаги ўрни, давлат ва жамият тақдирига таъсири қандай бўлганини яққол кўрсатади. Шу билан бирга, бу фан фақат ғоя ва мағкуралар тарихи билан кифояланмайди. Ҳозирги даврда ғоя ва мағкураларнинг аҳамияти, бугунги дунёнинг мағкуравий манзараси, ғоя ва мағкураларнинг ундаги ўрни каби масалалар ҳам ушбу фанинг асосий мавзулари қаторига киради.

Бу борада, айниқса Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга: «Миллат бор экан, миллӣ давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни

ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сакланиб қолиши муқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимиизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга этиши учун кең жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кутаришнинг аҳамияти бекиёсdir»¹.

Миллий истиклол ғояси ўкув фанининг асосий мавзуларини ўрганиш ушбу вазифани бажаришга хизмат қилади. Бу борада қуйидаги бир қатор масалалар мазкур фаннинг предмети доирасига кирадиган асосий мавзулар сифатида қаралиши мумкин:

1. Аввало, «Ҳозирги даврнинг ғоявий манзараси қандай?» ва «Унда қайси мафкуралар устувор бўлмоқда?» деган масалаларнинг моҳиятини тушуниш ниҳоятда мухим. Президентимиз қайта-қайта уқтиргани каби, ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-каршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Шу билан бирга, бугунги дунёда сохта ғоялар ва бузгунчи мафкуралар воситасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва неокоммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари дунёдаги тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқда.

2. Жаҳон тараққиётининг мухим ҳусусиятларидан бирига айланяётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнларини ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу жараёнлар ва

¹ «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», Т.: «Ўзбекистон», 2000. З-бет.

фан-техника ҳамда ахборот технологиясининг бекиёс ривожланиши тоявий-мафкуравий соҳага жиддий таъсир кўрсатмоқда.

3. Бугунги дунёдаги турли давлатларнинг бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлган геостратегик мақсадлари ва мафкуравий сиёсатини ўрганиш ҳам инсон камолоти учун муҳим масалага айланиб бормоқда. Ўз фаразли мақсадларига этиш қасдида юрган кучлар бундай шароитда, асосан, мафкуравий куролдан фойдаланмоқда.

4. Миллий истиқлол тоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўрганиш жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар кескин тус олаётганини билиб олиш имконини беради. Бундай уринишлар, аввало, ҳар бир мустақил жамиятнинг ўз миллий тояси ва мафкураси бўлишини тақозо этмоқда. Зоро, ҳозирги пайтда кимнинг тояси кучли, мафкураси ҳаётий бўлса – ўша ғалаба қозонади. Бу – инсониятнинг XX асрдаги тарихидан келиб чиқадиган муҳим хуносалардан биридир.

5. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар ҳам бу соҳага алоҳида эътибор бериши лозимлигини кўрсатиб турибди. Минтақамиз ўзининг иқтисодий салоҳияти, қулай геостратегик мавқеи билан жаҳондаги кўпгина кучларнинг дикқатини тортмоқда. Ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар бу минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, давлатлараро ҳамдўстлик ва миллатлараро тутувликини заифлаштириш, турли кескинлик нукталарини юзага келтириш учун мафкуравий хуружлар уюштироқда.

6. Ушбу масалаларнинг биз ўрганишга киришаётган фан доирасидаги таҳлили Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши, мамлакатимизда барпо этилаётган жамият ва таракқиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлаётган мафкуравий соҳадаги вазифалар билан узвий боғлиқ. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳиятини «тоявий бўшлиқ» тушунчаси ва уни янги, истиқлол мафкураси билан тўлдириш борасидаги фаолият орқали кенг ва чуқур идрок этиш мумкин.

7. Миллий истиқлол ғоясиининг аҳоли, айниқса, ёш авлод учун аҳамиятини ўрганиш мустақиллик йилларидағи ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ички ва ташқи сиёсат,- халқаро алоқалар қандай бўлганини билишини ҳам тақозо этади.

8. Жамиятда ҳеч бир ҳодиса инсон аралашмагунча амалга ошмайди. Ижтимоий тафаккур ва онг ҳам ўз ҳолича узгариб, осоилик билан шаклланиб қолмайди. Халқнинг руҳияти ва тафаккурини, маслаги ва мақсадини эътиқоди ва фалсафасини ўзгартириш учун бу жараёнларни чуқур билиш, атрофлича тахлил қилиш зарур.

9. Бегона мағкураларнинг Ўзбекистонга таъсирини ўрганиш жараёни ғоявий тарғибот, тарбия борасида ҳали кўпгина вазифалар борлигидан далолат беради. Ҳеч қачон кишилик жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одам эса, қаёққа етакласа кетаверади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, еўзеиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга ёт турли хил мағкуравий тазииклар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши мукаррап. Нафакат ғоявий бўшлиқ, ҳатто ғоявий қатъиятсизлик бор жойда ҳам мағкуравий таҳдид кучайиб бораверади.

10. Шу маънода, миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ва ҳаётга жорий этиш зарурат бўлиб, бу таълимотнинг моҳияти ва мазмуни, асосий тушунчалари ва тамойилларини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ғоя Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тамойилларига, Президент Ислом Каримов асарларига, буюк аждодларимиз маънавий мероси, халқимизнинг апъана ва қадрияtlари, замонавий илм-фан ютуқлари ва илмий услублар, хусусан, тизимли, қиёсий, тарихий, социологик услубларга асосланади. Президентимизнинг асарларида миллий истиқлол мағкурасининг ғоялари, устувор тамойиллари, қонуният ва ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама асослаб берилган.

11. Миллий истиқлол ғояси ўқув фанида шакллананаётган истиқлол мағкурасининг мустаҳкам замини, тарихий ва замонавий илдизлари, фалсафий асослари каби масалалар ҳам атрофлича ўрганилади.

12. Ушбу фан доирасида истиқлол мағкурасининг миллий ва умуминсоний тамойилларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бу тамойилларнинг асосий қисмини инсон-парварлик, ватанин севиш, халқпарварлик, озодлик туйгуси, онани ардоклаш ва отага эҳтиром, оиласинг мұқаддаслиги ва аёлнинг қадри, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, яхши құшничилик ва маҳалладаги тотувлик каби қадриятлар ташкил этади.

13. Миллий истиқлол ғояси фанида миллий мағкура борасидаги янги таълимотнинг мазмун-моҳияти, асосий тушунча ва тамойиллари ҳам ўрганилади. Миллий ғоя – миллий ўзликни англатувчи куч. У халқимизнинг ўзлиги, ўз салоҳият ва имкониятларини англашга турткы беради, барчамизни шу Ватан фуқароси, ўзбекистонлик ва Ўзбекистон халқи деган ижтимоией бирликка жипслаштиради.

Унинг олий мақсади – Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги каби олижаноб ғояларга таянган ҳолда, халқни, Ўзбекистоннинг буюқ келажагини бунёд қилишга сафарбар этишдан ибораттирди.

14. Миллий истиқлол ғоясининг ўзагини ташкил этадиган ва биз ўрганишга киришаётган фанга доир мавзулар Қаторига кирадиган асосий ғоялар күйидагилардир:

Ватан равнақи;

Юрт тинчлиги;

Халқ фаровонлиги;

Комил инсон;

Ижтимоий ҳамкорлик;

Миллатлараро тотувлик;

Динлараро бағрикенглик (толерантлик)

15. Миллий истиқлол ғоясии халқ онгига сингдириш билан боғлиқ масалаларни ҳам чүкүр билиб олиш лозим. Ҳаёт талаблари бу соҳада ҳам таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини муттассил олиб боришни тақозо этмоқда. Маълумки, ўзбек халқи учун фарзаң тарбияси азалдан ота-оналарнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келган. Шу сабабли миллий истиқлол мағкурасини одамлар, аввало, ёш авлод қалби ва

онигига сингдириш самарали асосда ташкил этилган таълим-тарбия жараёнинг таяниди.

Миллий истиклол гояси ўқув фанининг ўзига хос вазифалари (функциялари) бор. Улар, аввало, Президентимизнинг «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган Сўз бошида белгилаб берилган қуйидаги асосий мақсад билан узвий боғлиқдир: «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, ажоддларимиз бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиклол мафкурасининг бош мақсадидир».

Ана шу бош мақсад бу тўғридаги ўқув фанининг ҳам асосий вазифаларини белгилайди. Миллий истиклол гояси ўқув фанининг янги дунёқарашни шакллантириш функцияси фалсафий билимларни чуқур ўзлаштиришни, фалсафа билан узвий алоқада бўлишни талаб қиласи. Бу борада мазкур фанинг фалсафий билимлар тизимиға киришини назарда тутиш лозим.

Маълумки, гоялар тўғрисидаги илмий билимлар кишиларнинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган фалсафий тафаккурнинг муҳим қисмидир. Улар кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний моҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ. Гоявий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У бир қанча таркибий қисмларни – мафкура соҳасидаги муайян билимлар, гоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фанларнинг ютуклари, тасаввурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, хиссиёт ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Гоявий дунёқараш таркибида эътиқод муҳим аҳамиятга эга. У инсоннинг ўз қарашлари ва гоялари тўғрилиги, орзу-умидларнинг асосли эканлиги, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг



умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чукур ишончидан пайдо бўлади, кишининг ҳиссиётлари, иродаси ва фаолият йўналишларини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкор амалий фаолиятга ундейди. Бирор нартия ёки гурух ўз мақсадларига етиш учун жамиятдаги мавжуд маънавий ҳаётда салмоқлирок жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари йулида узгартиришга ҳаракат қиласи. Умумай, ҳаётда ўз мақсадига эришишининг энг осон ва кам ҳаракат талаб қиласидиган йўли – ўзгаларининг дунёқарашига кириш, уни ўз мақсадлари томон ўзгартиришdir. Чунки азал-азалдан ҳар қандай мафкура фоявий дунёқараашга оид саволларга жавоб тариқасидан дунёга келган.

Фоявий дунёқараашнинг юқорида курсатилган тамойиллари унинг функцияларини белгилаб беради. Улар жамиятнинг умумий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқади ҳамда одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун умумметодологик аҳамият касб этади. Фоявий дунёқарааш функциялари ҳақида гапирганда, унинг обьекти, предмети сифатида аввало конкрет инсони ва жамият назарда тутилади. Чунки дунёқарааш жамиятдаги маънавий ҳолат ва инсоний муносабатларининг онгдаги ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, бундай дунёқарааш ипсоннинг бошқаларга, жамиятга, ҳаётга муносабатида ҳам намоён бўлади. **Бу – фоявий дунёқараашнинг баҳолаш функциясини** англатади. Яъни, инсон ўз фоялари ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ, уят-андиша каби категорияларга ажратади, уларни баҳолайди.

Фоявий дунёқарааш инсон фаолиятини бир қатор усул-воситалар орқали бошқариш **функциясини** бажаради. Унинг **инсон фаолиятини назорат қилиш функцияси** ҳам бор. Бунда фоявий дунёқарааш жамоатчилик фикри тарзида намоён булиши кўзда тутилмоқда. Кўп ҳолларда назорат қилиш функцияси муайян фаолият учун бирор фоянинг маънавий мезон вазифасини бажаришини ҳам назарда тутади. Фоявий дунёқараашнинг **бирлаштириш (коммуникатив) функцияси** ҳам бор. Масалан, жамиятдаги турли қатлам ва партиялар манфаатла-

ри нүктаи назаридан муайян фарқлар бўлиши табиий. Бундай шароитда фоявий дунёқарааш уларни доимий муросага келтиришга хизмат қиласи ва умумий мақсадлар йўлида бирлаштиради.

Хар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян ғояларда, назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нүктаи назардан, ғоялар, назариялар ўртасида кураш бўлиши табиий. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Ҳаётнинг ўзи турли-турман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Таракқиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Ўз мустакил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчи-майди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суюнган ҳолда ҳар қандай гаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади»¹.

Миллий истиқлол ғояси, бошқа ижтимоий фанлар каби, жамиятимизда **тарихий хотирани шакллантиришга ёрдам беради**. Мазкур масалада миллий истиқлол ғоясини ўрганиш тарих фанининг асосларини билиб олиш билан узвий боғлиқликда амалга ошади. Бунда ғоялар ва мафкуралар тўғрисидаги билимларни тўплашга шунчаки интилиш эмас, балки ғоявий-мафкуравий жараёнларни инсоният тарихининг узлуксиз бир таркибий қисми тарзида, яхлит ва бутун ҳолича тушуниш, рўй берадиган воқеалар моҳиятини чуқур билиш асосий мақсадга айланади. Ана шундай интилиш, ўз навбатида, бунгиги дунёнинг мафкуравий манзараси, унда қандай мафкуравий полигонлар фаолият юритаётгани, уларниң мақсад-муддаолари, бегона ва ёт ғояларниң жамиятимизга таъсири тўғрисида холисона мулоҳаза юритиш имконини беради.

«Миллий истиқлол ғояси» фанининг ёшларда **мафкуравий иммунитетни шакллантириш функцияси ҳам бор**. Бу борада уларни ҳозирги замонининг мафкуравий манзараси, бу-

¹ Ислом Каримов. Доинишманд ҳалқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR», 2000 йил 8 июн.

гунги дүнёғоя ва мафкуралар соҳасида воқеа ва ҳодисалар билан танишириш, халқимизнинг ўз олдига қўйган пировард мақсадига етишиши учун халақит бериши мумкин бўлган мафкуравий марказлар, полигонлар, ёт ва бегона фояларнинг зарарли таъсиридан огоҳ килиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ушбу масалаларнинг мазмун-моҳиятини билиб олишда «Сиёсатшунослик» («Политология»), «Социология» каби фанлар орқали бериладиган билимлар кўл келади. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг асарларини чуқур ўрганишнинг аҳамияти катта. Бу асарларда юртбошимиз фоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг бунёдкор ва вайронкор бўлиши, аҳамияти, ҳозирги даврда минтақамиз ва мамлакатимизда хавфсизликни саклаш, баркарорликни мустаҳкамлаш ва таракқиётга эришиш учун зарур бўлган кафолатлар нималардан иборатлиги, миллат, давлат ва шахснинг бу борадаги масъулияти ва вазифалари қандай экани тўғрисидаги илмий-назарий жиҳатдан асосланган мулоҳаза ва хуносаларни баён қилган. Улар асосида юқорида тилга олинган мавзуларни янада чукурроқ ўрганиш мумкин.

Комил инсонни тарбиялашда «Миллий истиқлол фояси» фани олий таълим муассасаларида ўқитиладиган «Маънавият асослари», «Маданиятшунослик», «Этика», «Эстетика» фанлари билан ҳам узвий алоқада иш олиб боради. Бу эса, ўз навбатида, янги жамият қуриш жараёнида фоявий-мафкуравий соҳадаги долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш имкониятлари ва ушбу жараёндаги ҳар бир ёшнинг масъулиятини англашга ёрдам беради.

Диншунослик мавзуларини чуқур ўрганиш ҳам миллий истиқлол фояси ўқув фанининг вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Диннинг моҳияти, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни ва аҳамияти, жаҳоннинг диний манзараси қандай экани, унда қайси дин ёки конфессиянинг тутадиган ўрни каби масалаларни ўрганиш ниҳоятда мухим. Бу ўз навбатида, диний ақидапарастлик, ислом халифалигини тиклаш, дин никоби остидаги заарли ва бузғунчи фояларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларга қарши фаол ва огоҳ бўлиш туйғусини шакллантиришга ёрдам беради.

Миллий истиқтол ғоясining ҳуқуқий, конституциявий асосларини ўрганишда ҳуқуқшунослик фанининг аҳамияти катта. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳокимиётнинг конституциявий асосда бўлиниш тамойили, сиёсий глюрализм ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга сари бориш, бу борадаги амалга оширилаётган ишларнинг моҳияти каби масалалар миллий истиқтол ғоясини ҳалқимиз, аввало ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш билан узвий боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Конституциясида плюрализм, фикр ва карашлар эркинлиги, сиёсий институтлар ва мафкуралар амал қилишининг қонуний асослафи белгилаб қўйилгани, уларнинг умуминсоний қадрияtlар ҳаётини ҳалқаро талабларга мослигини билиб олиш ниҳоятда муҳим.

Миллий истиқтол ғояси юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гурӯҳ, дин, партия ёки қатлам вакили учун умумий мезондир. Шу маънода, у 130 дан зиёд миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон ҳалқининг мустақиллици мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилик анъаналаримизни асрар-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфси зилигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш ичига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсад ва вазифасидир.

Хуллас, миллий истиқтол ғояси, унинг асосий тушунча ва тамойилларини ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш сермашакқат, серкирра ва шарағли вазифадир. «Миллий истиқтол ғояси» ўқув фанининг аҳамияти, ижтимоий фанлар орасидаги ўрни, улар билан алоқаси, тарбиявий функциялари ана шу вазифани самарали амалга ошириш билан белгиланади. Бу эса шу соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир олим, мутахассис ва ўқитувчидан юксак масъулият, фаол ва омилкор бўлишни талаб қиласи.

Миллий истиклол гояси фалсафий билимлар тизимиға мансуб бұлганидан, үзига хос методологик вазифаны ҳам бажаради. Яғни у бошқа хусусий үқув фанлари, масалан тарих, азабиётшунослик, маңнавият асослари ва бошқалар шуғулланадиган масалаларни ҳал қилиш учун тайёр әндозаларын бермайды, балки уларни ва шу соға билан шуғулланувчи ҳамда үрганувчиларни гоявий дүиәқараң, умуммағкуравий тамойиллар билан қороллантиради. Бу борада миллий истиклол гояси бошқа соға вакиллари учун ҳозирги дүнёнинг мағкуравий манзараси, инсон оғы ва қалби учун кураш, мустақилликни мустаҳкамлашнинг мағкуравий тамойиллари мазмунини биліб олишда методологик асос вазифасини үтайды.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Миллий истиклол гояси: асосий түшүнчә ва тамойиллар» үқув фани қандай зарурат туфайли вужудга келди?
2. Мазкур үқув фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ушбу үқув фанининг бошқа ижтимоиي фанлары билан алоқаси қандай?

Реферат мавзулари

1. «Миллий истиклол гояси» үқув фанининг предмети.
2. Миллий истиклол гояси үқув фанининг асосий вазифалари.
3. Миллий истиклол гояси үқув фанининг ижтимоиي фанлар тизими-даги үрни ва уни үрганишнинг ахамияти.

Иккинчи қисм

МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРАЛАР ТАРИХИДАН

2-мавзу: «ФОЯ» ВА «МАФКУРА» ТУШУНЧАЛАРИ

Инсон ўйлайдиган, фикр қиладиган, воқеа-ходисалар асосида холосалар чикарадиган онгли мавжудотдир. У ақли биләп олам сирларини кашф қиласы, қалби воситасида унинг гүзәллигини ҳис этади, воқеликдан ҳайратланиб, ҳаёт қонунларига мослашиб яшашга интилади.

Дунё сезгилар орқали инсоннинг қалби ва онғыда ўзига хос тимсол ва тасаввурлар ўйғотади, унда орзу-интилиш, мақсад-мұддаоларни вужудга келтиради. Ана шу интилиш ва мақсадлар инсоннинг фаолияти орқали амалга ошади, яъни, ҳаётга, воқеликка қайтади, унга таъсир қиласы ва уни ўзgartиради.

Одам зотини ҳаётни, ўзини ўраб турған ташқи мұхитни ўзgartиришга мажбур қиладиган маңнавий омиллар орасида фикр, фоя, мақсад ниҳоятта катта аҳамият қасб этади. Фоя инсоннинг борлыққа, ўз ҳаётига бұлған муносабати, олдига қўйған мақсадлари асосида шаклланади ва ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Фоя нафақат инсон ҳаётидаги, балки бутун бир халқ, давлат ва умуман жамият тараққиётидаги ҳам мұхим ўрин тутади. Шу маънода, «Миллий истиқбол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қайд килингани каби: «**Инсоният тарихи – фоялар тарихидир**».

Хўш, фоя нима, нега унга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-мұддаолари, орзу-интилишиларини кўзлаб ҳаракат қиласыди. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади.

«Фоя» тушунчаси. Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзоротлардан фарқ қиласди.

Инсон – онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта кисмга бўлиш мумкин: биринчиси – инсоннинг руҳий олами; иккинчиси – фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми – **психология** тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, дикқат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, хукм ва хулоса киради (буларни **логика**, яъни мантиқ фани ўрганади).

Фалсафанинг азалий қоидаларидан бири – тил ва тафаккур бирлигидир. Тилинг энг бирламчи маҳсули **сўз** бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли – **тушунчадир**. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланади; аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англатилган тугал фикр **гап** деб аталишини биз бошлиғич синфларданоқ билганмиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, **ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир**. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Фояни фалсафа, яъни гносеология ва онтология нуқтаи назаридан тушуниш уни **политология** (сиёсатшунослик), конфликтология (зиддиятшунослик) ёки аксиология (қадриятшунослик) нуқтаи назаридан тушунишдан фарқ қиласди. Бу фанларнинг ҳар бирида муайян ғоялар у ёки бу таълимот, қараш ёки назариянинг асоси сифатида ўрганилади. Биз ўрганишга киришаётган мазкур фанда эса масаланинг барча жиҳатлари қамраб олинади ва уларнинг нафақат назарий, балки амалий томонларнга ҳам эътибор қаратилади. Фояни гносеология (лотинча «гнозис» – билиш) нуқтаи назаридан тушуниш ниҳоятда муҳим. Бунда ушбу тушунчани дунёни билишнинг муайян босқичи, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англатадиган фал-

сафий категория экани эътироф этилади. Бу, ўз навбатида, уни илмий тушунча сифатида талқин килиш имконини беради ва ғояни сиёсийлаштириш ёки мафкуралаштиришнинг мақсадга мувофиқ, эмаслигини кўрсатади.

Ғояни онтология нұқтаи назаридан тушуниш эса унинг объектив реаллик билан узвий алоқада эканлигини исботлаш учун асос бўлади. Бундай ёндашув ҳакиқий ғоя нафакат субъектив ҳодиса, яъни бирон-бир киши томонидан хаёлан ўйлаб топилмайдиган, балки ташқи олам ва ҳаёт ҳодисалари асосида шаклланадиган, ўз объекти ва субъектига эга бўлган тушунча эканини исботлаш имконини беради.

Ғоянинг объекти ва субъекти нима? Бунда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, ғояни шакллантирадиган, унинг вужудга келишига туртки берадиган объектив реаллик – ташқи олам, дунё ва унинг ҳодисалари, инсоният, жамият ҳаётига тегишли воқеалар мавжуд. Сунгра эса ана шу ҳодиса, воқеа ва жараёнларни англаб оладиган, ўз ҳаётини уларниң қонуний оқимиға мослайдиган ва ўзи ҳам уларга акс таъсир кўрсатадиган одамзот ҳам мавжуд. Ғоя ана шу икки томон, яъни ташқи реаллик ва одамзот орасидаги муносабат (таъсир ва акс таъсир) натижасида шаклланадиган субъектив ҳодиса, объектив реалликнинг субъектив натижаси, инсон онгида ташқи олам, дунё ва ҳаёт ҳодисаларининг акс этиш шаклларидан биридир. Ғоя гносеология нұқтаи назаридан шу тарзда тушунилар экан, қуйидаги маъноларни англаатади:

- инсон онгининг таркибий қисми;
- ташқи оламнинг образли инъикоси ва акси;
- инсоннинг воқеа ва ҳодисаларни англаш шакли;
- инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ҳодисаларига нисбатан акс таъсирининг намоён бўлиш шаклларидан бири.

Илмий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмокда. Идея ва идеология кўпроқ фарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юнон тилидаги «idea» сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англаатади. Идеология («Idea» – ғоя, тушунча, «logos»

– таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

– ғояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

– муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

– ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай кувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Фоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яни бошланиши ва охири бўлади. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларни санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти – инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидадир.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

Ғояларнинг турлари кўп. Тафаккурнинг маҳсули сифати-

да фоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараённида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва хукуқ – муайян бир гояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз гоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, гояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- илмий гоялар;
- фалсафий гоялар;
- диний гоялар;
- бадиий гоялар;
- ижтимоий-сиёсий гоялар;
- миллий гоялар;
- умумисоний гоялар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ партиявий, синфий, этник гоялар ҳамда кўламига кўра фарқланадиган умумбашарий, миңтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган фоя шакллари ҳам бор.

Диний гоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи гояларга айтилади.

Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндоларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзорта үтиши мумкин.

Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган **политизм** динлари вақти келиб **монотеистик** – яккахудолик гояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик гояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса жаҳон динлари – **христианлик** ва **исломда** ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги гояси асосида унинг барча ақидалари, руқнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

Илмий ғоялар – фан тараққиётиниң самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиласидиган илмий фикрлардир.

Фояларнинг «ҳаёти», уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши, ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашиниши, айникиса, илмий ғоялар мисолида якъол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси сифатида «атом» тушунчасини киритган эдилар. Птолемей-Аристотелдан тортиб, ўрга асрдаги Улугбек астрономиясигача дунёниң маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлиннишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа қўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Ф.Резерфорд, М.Кюри ва бошқаларнинг номларини машҳур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантириди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуклар бунга ёрқин мисол бўлади.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиётда тасдиқланимаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон хаётининг маънино-мазмунни, унинг баҳт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли ҳалқларниң акл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва алломалари турфа хил ғоялар яратганлар. (Сиз улар билан фалсафа тарихини үрганиш пайтида батафсил танишгансиз.) Аммо, фалсафий ғоялар ҳакида гап кетганда, жаҳон фалсафий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса кўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳакидаги, Ибн Синонинг тана ва рух муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларниң ёрқин намунасиdir.

Бадиий ғоялар – адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат киладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олиниади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эрганиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради.

Бадиий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир утказишда, одамларни ҳаракатга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти бекиёсдир. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, ҳалқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам булар муҳим восита бўлиб хизмат киласди.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир ҳалқ ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, ёрқин ҳаёт ва адолатли тузумни тараним этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсон-парварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар ҳалқларга куч-кувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси – мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликининг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси – энг улуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир ҳалқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий

тазийклардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳақиқат ғоялари – инсоннинг табиати ва ижтиёмий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қурдатли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кўтарилади.

Хар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, ҳалқнинг қадриятлари ва орзу-истакларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддииятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда, сохта ва тубан ниятлар, тажовузкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, ҳалқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, эзгу ёхуд бузғунчи, ҳаётбахш ёхуд тажовузкор бўлиши ҳам мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат киласидиган, ҳалқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир¹. Одамлар орасига нифок, ҳалклар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адват қўзғайдиган тубан фикрлар бузғунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабиҳ ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига караб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин.

Соҳиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, **синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар** ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир ҳалқ оммасини маълум бир

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. Ўзбекистон, 7-жилд, 308-бет.

тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган фоя мазмунан умумисоний бўлиши ҳам ёки тор маифаатларни кўзлайдиган синфий фоя жамият ва инсон маифаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

«Мафкура» тушунчаси. Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган фоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашининг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам фоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатларнинг маифаатлари ва мақсадлари ҳам фояларда ифода этилади.

Ўз олдига кўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги фоялар тизими ҳар бир миллат, ҳалқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Мафкура – муайян ижтимоий гурух ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган фоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиядаги ҳар хил табақа ва қатламларнинг мафкураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асосида маифаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва услубларнинг ҳар хиллиги ётади. Синфий кутблашув кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескинлаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишини кўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жисплаштиришга, умуммифаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураларда зиддиятли жиҳатлар эмас, умумисоний тамойиллар кучайнб боради.

Ўзбекистон ҳалқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жисплаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамниятида ҳар бир юртдоинимизнинг ўзига хос ўрии бўлишига эришишга сафарбар этади.

Президентимиз Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф берган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёкараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга кодир гояни мен жамият мафкураси деб биламан»¹. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат қиласидиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз гоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етишмок учун ҳаракат қилган. Биз ҳар қандай мафкурани гоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор бир мафкурунинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги гояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гурухлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали гоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гурухлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу гоялар билан никоблашга уринган.

Мафкуралар, маъно-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий гоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкурунинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда, унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга гарбдаги Уйғониш даврини ҳамда ўрта асрларда ўз миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси

¹ Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Ўзбекистон, 7-жилд, 89-бет.

парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган ҳалқ-ларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қаравашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия—Венгрия империясидан ажralиб, мустакиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиган эди.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмудидан иборатdir. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Ана шундай жамият мафкураси «Дунёвийлик — даҳрийлик эмас» деган тамойил асосида ривожланади.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда, у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг foявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда ва Упанишадлар, Инжил ва Куръон каби китобларда зикр этилган foялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Дунёвий ва диний foялар бир-бирини бойитиб борган шароитда таракқиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Фаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнмаён яшаб, фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир утказади. Замонавий фан ютуклари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл ҳаритасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуклардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом тоя, соғлом мафкура керак.

Фоя ва мафкураларнинг шакллари. Инсоният тарихи турли гояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибодод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан далолат беради. Фоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян гояни амалга оширишга хизмат қиласди.

Қадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, уша даврларда одамларнинг дунёқарashi, қабила ва элатларнинг мафкураси афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қарашлар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эга экани тўғрисидаги хилма-хил тоя ва қарашларга асосланган. Бу тўғрида «Диншунослик» фанида кенгроқ маълумотлар берилган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини – синтоизмни яратган. Уларда диний тамойиллар билан бирга, муайян миллатнинг ўзига хослиги, қадриятлари, менталитети ўз аксими топғанилиги яққол кўзга ташланади. Бу динлар миллат тарихининг муайян даврида давлат дини ва мафкураси даражасига кўтарилилган. Масалан, конфуцийлик бир неча юз йиллар давомида Хитойда ана шундай мавқега эга бўлган.

Тараққиёт жараёнида фалсафий гоялар ҳам муайян тизим шаклини олган. Масалан, оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этиши каби масалаларни қадимги одамлар хилма-хил ҳал қилганлар. Уларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм ва дуализм каби,

идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз маъно-мазмунига эга эканилиги билан ажралиб туради. Хусусан, монизм – оламнинг асосини битта моҳият ташкил этади деб таълим берувчи йўналиш бўлса, дуализм – оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқимdir.

Оlam ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиш қонуниятлари, борлик ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш идеализминиг асосини ташкил қилади.

Ундан фарқ қиласидан материализм айнан ана шу масалаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш асосида шаклланган.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилиган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Xalқ улардан қувват олган, маънавий озиқланган, улар орқали ўз қадриятларини саклаган.

Шу билан бирга, бир-биридан фарқ қиласидан мафкуралар ўртасидаги баҳс-мунозара ҳамда уларни муросага келтиришга интиливчи foялар мавжудлиги ҳам қадим замонлардан буён давом этиб келмокда. Худди шундай, бир-биридан фарқ қиласидан, яъни худо ва илоҳий қадриятларни тамомила рад этувчи атеизм ва айнан шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи тезизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узоқ тарихга эга. Бу баҳс—мунозара ҳозир ҳам давом этмоқда.

Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, шовинизм, фашизм ва экстремизм foяларини юзага келтирган. Бундай foялар халқлар бошига кўп кулфат ва мусибатлар солган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов макри билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Италия

ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафакат италян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллиоилаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Ҳолбуки бу ғоялар мазкур давлатларда аср бошиданоқ намоён бўла бошлаган эди. Масалан, Италияда 1910-йилдан «Миллий ғоя» номли журнал чиқа бошлаган, унда кўпроқ агрессив миллатчилик тарғиб қилинар эди. Афсуски, ўз даврида бунга бепарво қаралди ва у охир-оқибат ҳукмрон ғояга айланди.

Ўз тарихини асосан XIX асрдан бошлаган ана шундай мафкуралардан бири – **синфий антогонизм** ғояларини мутлақлаштирган ва ҳокимиятни курол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига курилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди.

Зўрлик асосига курилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь ҳудудида етмиш йил ҳукм сурди. Охир-оқибат ўзининг файриинсоний ва файримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди. Ўзи таянган давлатни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири диний ақидапарастликдир. Бундай ғоялар муайян даврларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилгани, одамларга кўпдан-кўп кулфатлар келтирган. Афсуски, бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, муайян ҳудудларни эгаллаб олмоқда. Афсуски, бу ғоялар ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб, тинч аҳолига қарши террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширади, ўз ниятларини қабиҳ ҳаракатлар орқали намоён қиласди. Кейинги 15 йилда ақидапарастлар террори натижасида 140 минг киши ҳалок бўлган Жазоир ёки 20 йилдан ортиқроқ уруш бораётган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади.

Фоя ва мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Фоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўзи фояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган фоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак фоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Фояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгишина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спетамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби мард фарзандлари – буюк фоя соҳибларидир.

Минг йиллар ўтса ҳам улуғ аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак фоялар – Ватан озодлиги, эл-юрт баҳт-саодати, илму урфон ривожи йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини ҳақ ишқида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилганда ҳам улуғвор фоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк фоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимиий товонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор фоя керак эканига кўплаб мисоллар топилади.

Муайян бир фоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгига пайдо бўллади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларидаги улкан ақл-заковат, истеъодод ва теран тафаккур со-

ҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яқъол тасдигидир.

Уларнинг ҳар бири ўзи мансуб ҳалқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратгандар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга «Ўзини англамоқ буюк саодат» эканлигини англатган Суқрот ҳам, «ҳалқни яққалам қилдим», дея қоникиш ҳиссини туйган Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлига умрини баҳшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, ҳалқнинг ирова ва иитилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиласиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар ҳалқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноқсиз кулфатлар келтиради. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ғоя ўзи нима? Ғояларнинг қандай кўринишлари мавжуд? Бунёдкор ғоялар билан вайронкор ғояларнинг фарки нимада? Уларга мисоллар келтиринг.

2. Мафкура нима дегани? Мафкураларнинг қайси тарихий шаклларини биласиз?

3. Давлатлар ва миллатларнинг тақдирида мафкуранинг роли ва аҳамиятини қандай?
4. Фоясиз инсон ёки мафкурасиз миллат бўлиши мумкинми?

Реферат мавзулари

1. «Фоя» тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.
2. Фояларнинг намоён бўлиши ва хилма-хил куринишлари.
3. «Мафкура» тушунчаси, унинг моҳияти.
4. Мафкураларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.

3-мавзу: ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ: ФОЯВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР

Инсоният тарихида фоя ва мафкуралар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар инсоннинг ўзи каби азалийдир. Кўп-минг йиллик ҳаёти давомида одамзот хилма-хил фояларни вужудга келтирган. Улар инсоннинг оғир жисмоний меҳнатини бир неча баробар енгиллаштирувчи иш қуроллари, ускуналар, иншоотлар яратишга илҳомлантирган. Бунёдкор фоялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият қуриш учун кураш олиб борганилиги тарихдан маълум. Бундай жараён ижобий фояларнинг туғилишига, улар эса ўз навбатида элатлар, ҳалқлар, миллатлар манфаатларини ифодаловчи ҳаёт тарзининг шаклланиши учун асос бўлган. Шунингдек, миллий давлатларнинг юзага келишида бу фоялар етакчи ва йўналтирувчи аҳамият касб этган. Буни биз ўзбек давлатчилиги фояларнинг шаклланиши ва такомили мисолида ҳам кузатишмиз мумкин.

Мамлакатимизда қадимги Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия, Күшон ҳамда кейинчалик темурийлар давлатига асос солинишида бу фоялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Аксинча, умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, ўзбек ҳалқининг таназзулига, мустақилликни қўлдан бериб, ҳалқимиз бошига мустамлакачилик азоби солинишига олиб келди.

Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асос-

ланган фояларнинг ривожланиб бориши инсонда жуда катта умид-орзулар туғдирди. Чунки умуминсоният манфаатлари учун хизмат қилувчи бундай фояларнинг рўёбга чиқиши жаҳон миқёсида тинчлик ва тараққиёт, инсон эркинлиги, миллий ва диний тотувликнинг тантана қилишига, охир-оқибатда инсоннинг баҳт-саодатга эришувига олиб келади. Бу эса инсониятнинг асрий орзусидир. Лекин, минг афсуски, тарихда доимо ҳам шундай бўлавермаган.

Ўрта асрдаги салиб юришлари, диний фанатизм, фашизм ва большевизм асос бўлган файриинсоний бузгунчи фоялар ҳалқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтирган. Ана шундай бузғунчилик мафкуралари ҳозирги кунда ҳам инсониятнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна солиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмокда. Афғонистонда йигирма йилдан ортиқ давом этаётган биродаркушлик уруши, Югославияда мустахкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмаётганлиги ана шундай файриинсоний фоялар таъсири натижасидир.

Йигирманчи аср охирида жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида юз берган туб ўзгаришлар – икки кутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатни бузиб, жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

Коммунистик мафкура фояларидан ҳалос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳалқлар ўз миллий давлатлари ни тикладилар.

Энди ўсиб келаётган миллий фояларга қарши улуғ давлатчилик шовинизми, тажовузкор миллатчилик, неофашизм, ирқчилик мафкуралари бетиним хужум қилмоқда. Аслида, бу мафкураларнинг баъзилари бир вақтлар ҳалкларни алдаб-авраб, уларга жаннат ваъда қилиб, ҳокимиятга эришгач, дунёни дўзахга айлантириб, жаҳон урушини ёққани инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Аммо етарли билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аждодларининг кимлигидан бехабар, соддадил, ишонувчан ёшлар уларининг тузофига илиниши мумкин. Бунинг олдини олиш учун уларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Ана шу вазифаларни самарали бажариш учун фоя ва мафкуралар тарихини яхши билиш зурур. Бу эса жаҳонда мавжуд бўлган ёки туғилаётган фоя ва мафкураларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг мақсад-муддаоларини тўғри идрок этиш учун ёрдам беради.

Ижтимоий тараккӣёт – фоя ва мафкуралар тарихидир. Ер юзида дастлабки одамзод пайдо булиб, унинг уруғ, жамоа ёки ҳалқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ, уларни бирлаштириб турадиган умумий фоя ва мафкурага эҳтиёж туғилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»¹.

Маълумки, миллий фоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва куринишлари ҳалқимизнинг кўп-мингийллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияда илк бор шаклланган, аждодларимиз томонидан бундан 2700 йил олдин яратилган дастлабки ёзма манба – «Авесто» китобида ҳам эзгулик фоялари илгари сурилган. Яхшилик билан ёмошлик уртасидаги азалий кураш акс эттирилган. Зардуштийликнинг эзгулик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар асосий фоялар эди. Шунингдек, туркий ҳалклар уртасидаги Кўк тантрисига (осмон ва қуёшга) сифиниш (шаманизм) ва буддизм (буддавийлик) ҳам диний эътиқод сифатида зардуштийлик билан ёнма-ён яшаб келди.

Зардуштийлик минтақада илк бор шаклланган дастлабки давлат бирлашмалари: Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияда давлат дини даражасига кўтарилди ва расмий мафкура вазифасини ҳам бажарди. Кушон давлати даврига келиб зардуштийлик билан бир қаторда, буддавийлик ҳам давлат дини вазифасини ўтай бошлади.

Аммо, Туроннинг вакти-вакти билан босқинчилар хужумига учраб туриши жамиятдаги барқарорликни издан чиқарар

¹ Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. – «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июнь.

эди. Милоддан аввалги VI-IV асрларда аҳмоний шоҳлари, 329-327 йилларда Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари миңтақада мавжуд бўлган мустақил давлатчиликка маълум муддатга чек қўйилишига сабаб бўлди. Халқимиз ўз мустақиллигини қайта тиклаш учун душманга қарши йиллар давомида кураш олиб борди. Мустақиллик ғоялари, ўз миллий давлатчилигини тиклаш учун кураш халқимизнинг ўша пайтдаги орзу-умидлари, таъбир жоиз бўлса, унинг ғоя ва мафкурасини ташкил қиласди. Уларга асосланган халқимиз Кушон подшолиги ва Буюк Турк Хоқонлиги каби улкан салтанатларга асос солдилар.

Бироқ, тарихий жараён узгариши билан миңтақада мустақил давлатчиликка яна вактинча чек қўйишга тўғри келди. VII асрнинг охри – VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Туронни босиб олдилар. Бунда истило ва истибоддога қарши кураш ғоялари ягона мақсад йўлида, масалан, Туронзаминни араб истилочиларидан озод қилиш учун жангларда бирлаштирувчи ғоя бўлди. Муқанна қўзғолони ва унинг озодлик учун кураш ғоялари истилочиларига қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

Мовароуннаҳрда (ҳозирги Ўзбекистон худудида) ислом динининг тарқалиши халқининг ягона маслакка бирлаштиришдек тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда сомонийлар, корахонийлар, фазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар сулолари томонидан миңтақада асос солинган давлатлар нафакат узбек халқи, балки жаҳон халклари тарихида ҳам чукур из қолдирди. Мұхаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввуфлар: Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; мұҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимитида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини саклаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғ-

лади. Улар миллий-маънавий қадриятлар сифатида халкимиз маданияти, адабиёти ва санъатида, жумладан, Маҳмуд Кошфарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чукур ўрин эгаллади.

Бу ғоялар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмulkнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва ахли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрг тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди. Бу ғоялар Темурийлар давлати ғоявий тамойилларининг устувор йўналиши эди.

XVII-XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм-маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмагани ўзбек давлатчилигининг таназзулга юз тутишига, мустақилликнинг қўлдан берилишига, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиб, пировардида миллий давлатчиликнинг яна бир бор тугатилишига олиб келди. Шунга қарамасдан, чукур тарихий илдизларга эга бўлган миллий ғоялар тамомила йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, мустамлакачилик шароитида улар миллий давлатчиликни тиклаш, миллат тараққиёти ва истиқболи учун кураш байроғи сифатида яна илгари сурила бошлади.

Бу интилишлар XIX асрда маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан Аҳмад Дошишнинг илфор қарашларида, XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг таракқийпарвар намояндлари – Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний ижоди ва фаолиятида яна ҳам кучайди. Жадидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун ўлканинг миллий мустақиллиги учун кураш ғоясини илгари сурдилар. Туркистонда босқинчи қизил армия ва совет тузумига қарши кўтарилган истиклолчилик ҳаракатининг мафкурачилари ҳам айнан жадидлар бўлдилар. Бироқ, мустабид совет тузуми бу ғояларга қарши гайриинсоний мафкурани илгари

суриб, халқ манфаатларини инкор этди. Бу утопик, хаёлий гоялар реал ҳаёт талабларига жавоб бермас, халкнинг анъанавий турмуш тарзига, жамият тараққиёти қонунларига мутлақо зид эди. Улар миллий истиклолни тан олмас, миллий қадриятларни топтар, диний эътиқодга қарши кураш асосига қурилган эди. Лекин, мустабид ҳукумат уларни халққа тан олдириш учун жон-жаҳд билан курашди. Бу сиёsat аёвсиз курашлар, таъкиб, тазиик ва зўравонликлардан иборат бўлиб, ўша йиллардаги машъум қатағонлар бу курашнинг фожеали ифодаси эди.

Зўравонлик билан ўрнатилган бу гоялар жамиятнинг яккаю ягона ва ҳукмрон мафкурасига айланди. Бутун оммавий ахборот воситалари, радио, матбуот, телевидение, маданият, санъат, адабиёт, ижтимоий файлар шу мафкурани тарғиб қилиш ва сингдиришга хизмат қилди, давлат ташкилотлари унинг ҳукмроғлигини куч ва зўрлик билан таъминлаб турдилар. Лекин бу гоялар барибир халқ қалбидан чуқур жой ололмади, жамиятнинг ўз мафкурасига айланмади, халқимизнинг миллий ғоя ва асрий қадриятларини йўқ қила олмади. Халқимиз ҳаётида чуқур илдиз отган, унинг азалий орзуси бўлган миллий гоялар 80-йиллар охирида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан изчил ва жасорат билан яна кун тартибига қўйилди ва Ватанимиз озодлиги ҳамда мустақилликни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Улар мамлакатимизда мислсиз ўзгаришларни амалга ошириш, халқимиз ҳаёти ва тараққиётини белгилаб олишда умумисоний қадриятлар устуворлигига асослаинган озод ва обод Ватан ва фаровон ҳаёт қуриш каби олий мақсадларимиз ифодаси бўлиб келмокда.

2. Жамият ривожи ва бунёдкорлик гоялари. Бунёдкорлик гоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажralиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан бўён жамият ҳаётининг энг эзгу гоялари сифатида яшаб келмокда. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир», деган сўзларида ҳам ана шу бокий гояларнинг маъно-мазмуни ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир.

Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳакикат, эзгулик, меңнатсеварлик каби юксак гоялар уруфини сепган зот, пайғамбар Зардүшт яратган «Авесто» китобида қўйидаги сатрлар мавжуд: «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу фикрга, эзгу сўзлар (айтиш) га, эзгу ишлар амалига баҳшида қиласман, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман». Бу юксак гоялар бундан 2700 йил муқаддам яшаб ўтган ватандошимиз Зардүштнинг ўлмас мафкураси эди.

Инсоният доимо яхшиликни ёқлаб, ёмонликка қарши курашади, яратувчаник ва бунёдкорлик унга хос бўлган буюк фазилатлардир. Шарқ ҳалқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва қадриятлари турли даврлар таъсирида фарбга, хусусан, антик Юнон-Рим маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Масалан, А.Македонскийнинг устози, ўзининг бу жаҳонгир шогирди Осиёни маҳв этгач, унга юборилган «Авесто» китобини чуқур ўрганиган қадимги юонон файласуфи ва қомусий олими Арасту (Аристотель, мил. ав. 384-322ий.) ўз гоявий қарашларида устози Афлотун (Платон мил. ав. 427-348ий.) гояларини бойитди ва унга муҳим ўзгартишлар киритди. У жамиятда бўлиб ўтаётган барча воқеликлар табиатга хос деб билади. Бу билан жамиятни тубдан ўзгартириш гояларига қарши чиқади ва жамият ривожи табиий жараёнлар тарзида кечиши керак, деб хисоблади.

Афлотун эса гоялар умумий тушунчалар сифатида одам ақлига боғлиқ эмас, балки у илоҳий тушунчалар деб изоҳланган эди. Унинг асосий гояси – эзгулик ёки ягоналик эди. Бунда олий гоя кўпинча худога тенглаштирилади. Бу файласуфнинг устози бўлган Сокрот (Сократ, мил. ав. 470-399ий.) эса баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳакиқатни аниқлаш мумкин, деб билган. У эзгулик — билим ва донишманлиkdir, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қиласи, деб тушунтиради. Сокрот адолатга хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шаклларини танқид қиласи, фақатгина адолатли, демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади.

Шарқда, яъни Турон заминда эса жамият ривожи ва бунёдкорлик фоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутади. «Ал-муаллим ас-Соний» («Иккинчи муаллим»), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873-990ий.) ўзининг «Фозил одамлар шахри», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳакида» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳакидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён килиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча ахолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳакидаги фояларни олга сурди.

Ўша даврнинг буюк мутаффакирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосdir. Улар ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интилганлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаганлар. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг замонасига хос фазилатларини ёритишга ҳаракат қилган. У шеърлари ва достонларида разолатга, бекарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизликка қарши кураш фояларини улуғлайди. Инсонларни меҳнатга, яратувчаликка, адолатга чақиради. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилади. Унинг бу орзулари «Фарҳод ва Ширин», «Сади Исқандарий» каби достонларида ўз ифодасини топган. Шоирнинг бевосита ўзи ҳам қатор бунёдкорлик ишларига бош-кош булган.

Хитой ва хинҷ мутафаккирларининг жамият ривожи ҳақидағи қарашлари ва бунёдкорлик фоялари ҳам Осиёning «шарқона» маънавиятида ўзига хос ўрин тутади. Жумладан, буюк Хитой мутаффакири Конфуций (мил. ав. 551-479) фоялари ҳанузгача Хитой халқи мағкурасида етакчилик қилиб келмоқда. Бу фоянинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий ларзалардан асраб қолиш ва инсонлар манфаатини юқори қўйишга қаратилган. Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб-коидаларни хурмат қилиш рухида тарбиялаш бўлган. Бу фояга кўра, инсонлар жамиятнинг табиий тараққиётига қарши чиқмасли-

ги, янын инқилобий йўлни танламаслиги керак. Конфуций инсоният ҳақида фикр юритар экан, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатиарварлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзаңдлик иззат-хурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли камолатга етишуви мумкин деб, ҳисоблади. Бундай «шарқона демократия»нинг тамойиллариниң ўзида акс эттирган ғоялар бутун-бутун давлатларининг узоқ йиллар давомида барқарор яшаб қолишига сабаб бўлгани, Шарқ халқларининг тарихий, ижтимоий, сиёсий тараққиётига ўз ижобий таъсири ни кўрсатгани шубҳасиз.

Хинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди (1869-1948) ўз маънавияти, ғоялари ва илфор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланган. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У хиндулар билан мусулманларни ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилди. Унга халқ «Маҳатма» – «Буюк қалб» деб ном бергани ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Р.Тагор фикрига кўра: «Ганди муваффакиятининг сири унинг жўшқин маънавий кучида ва беҳад даражада ўз маидаатларидан воз кечишидадир. У ўзининг олиҳимматлилиги билан ноёбdir. Ганди ҳаётининг ўзи фидойилик тимсолидир».

Кўхна Турон ўз бошидан кечирган буюк тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга. У гарчи фотихлар қаторидан ўрин олиб, беҳисоб жанг, жадалларни бошидан кечирган бўлсада, асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик бўлган. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: «Агар фукародан бирининг уйиморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин», деб кўрсатма беради. Шу ўринда, юртбошимизнинг Амир Темур ўз давлатини акл-заковат ва ҳукуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади, деган фикрлари нихоятда ўришидир. Зоро, Соҳибқироннинг Мовароуниҳр, Хурросон ва бошқа жойларда бунёд этган инишоотлари, унинг ўзи ва темурийлар сулоласи

давридаги маданият, фан, адабиёт соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади.

Миллий давлатчилик фояси ва унинг халқлар тараққиётига ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонинг халқаро ҳамкорлик, минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суринига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Цивилизациялар тарихида ёвуз фоя ва тажовузкор мафкуралар. Жаҳон тарихини умумлашган тарзда бир пиллапоя кўринишида тасаввур қилсак, унинг ҳар бир зинасини инсоният олдида янги имкониятлар ва истиқболлар эшигини очиб берувчи тараққиёт босқичи дейиш мумкин. Бу тарих мазмунини эса кўп жиҳатдан турли ижтимоий табақалар, сиёсий оқимлар, халқлар ва миллатлар, алоҳида давлатлар ва ижтимоий тузумларнинг хилма-хил мақсад ва маиғаатларини ўзида акс эттирувчи фоялар ва мафкураларнинг амалиёти белгилайди. Тарихий жараён табиатидан келиб чиқадиган мазкур хусусиятнинг диалектикаси инсоният учун доимий бўлган «эзгулик» ва «ёвузлик» ўртасидаги абадий кураш деб аталмиш муҳтасар таърифда ўз аксини топган.

«Эзгулик» – тараққиётга интилувчи кучларни, инсонпарварлик ва юксак ахлок фалсафасини, ижтимоий адолат принциплари ёки «Авесто»да баён қилинган «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу иш»нинг негизини ташкил этадиган қадриятларни ўзида мужассам этади. «Ёвузлик» эса тарихий реакция, тараққиёт фиддирагини орқага буриш, кора кучлар фаолияти ва ҳукмронлигини ифодалайди. Инсониятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг неча юз йиллик солномасида ҳам турли босқинчиликлар оқибатида зулм, зўрлик, кулфат уруғларини сочиш ва қон тўкилишига сабаб бўлган бузғунчи фоялар ва мафкураларнинг ҳалокатли таъсири билан боғлик қайгули сахифалар кўп. Бу фоялар ўзларида сиёсий босқинчилик ва мустабидлик интилишларни гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган ҳолда диний, миллий, синфий шиорларни байроқ килиб майдонга чиққанини кўрамиз. Лекин моҳият ҳамиша ўзгармай қолавер-

ган. Яъни, улар миллатлар ва халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, анъана ва урф-одатларини куч билан ўзгаришига, кеңг халқ оммасини бошқаларнинг сиёсий иродасига бўйсундириш ва мафкуравий асосатга солишга, ўзаро адватга асосланган ижтимоий тартибларни қарор топтиришига, миллатга ёт мафкуравий тасаввурларни тиқиширишига қаратилган. Бузунчи ғоялар ва мафкураларнинг амалга оширилиши миллатлар ва халқлар азалий маданиятининг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш хукуқидан маҳрум этган.

Фоялар хукмронлигининг тамал тоши айнан қадимий цивилизациялар даврида кўйилган эди. Унга биноан, одатлар ва таомилларга эмас, балки ғоялар ёки бирор мақсадга бўйсундирилган муайян тилдаги инсон хулқ-авторини шакллантириш мумкин эди. Лекин шу билан бир вақтда, қадимданоқ кишилар онгини найранг ва алдовлар воситасида, ёлғон идеаллар билан заҳарлаш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Қадимий цивилизацияларда ижобий ғоя ва қадриятлар билан бирга, салбий характердаги мафкураларнинг ҳам униб чиқиши учун замин бўладиган тасаввур-тушунчалар майдонга кела бошлаган эди.

Ўрта асрларга ўтилиши билан, асосан Европада, дин ва черковнинг роли мисли кўрилмаган даражада ўсди. Бу даврда худога оташин ва жазавали ишонч хукмронлик қилди ва бу эътиқод инсон ҳаётининг барча томонларини, туғилишдан ўлишгacha бўлган ҳар бир қадамини белгилаб берди. Ушбу даврда дин мустабид мафкура шакли сифатида майдонга чиқди.

Бу бир томондан, ўз диний уюшмаси ичидаги даҳрийга ёки «муртад»га чиқарилган шахсларнинг турли баҳоналар билан оммавий равишда қирғиз қилинишида, иккинчи томондан эса, диний ва ҳудудий истилоларни мақсад қилиб олган хунрезлик урушларида ўзининг аяичли ифодасини топди. Европанинг христиан дунёси томонидан мусулмонларга қарши амалга оширилган салиб юришларини бу урушларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Үрта асрлар диний экстремизми, ўз навбатида, жавоб реакцияси тарзида – антогонизмга асосланған турли ғоялар ҳамда атеизмнинг кучайишига ҳам сабаб бўлди. Вақт ўтиши билан алоҳида сиёсий кучлар бундай ғоялар ва худога муросасизликка асосланган атеизмдан ҳам ўзларининг мафкуравий мақсадлари йўлида фойдаландилар. Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида бундан фойдаланган собиқ коммунистик таълимот алоҳида ўрин тутади. У ташки жиҳатдан адолат идеалини ўзида мужассам этган олижаноб иштилишларни асос қилиб олгандек кўринса-да, охир-оқибатда мустабид жамиятни шаклантириш мафкурасига айланди.

Большевизм билан бир қаторда, XX асрнинг бошида мустабид ғоя ва мафкурапинг бошқа шакли – фашизм (итал. «фашио» – оқим) пайдо бўлди. Собиқ социалист Б.Муссолини Италияда фашистлар ҳаракатининг асосчиси бўлди. Германияда миллий социалистик партия тузган А.Гитлер эса фашизмнинг «маънавий ота»сига айланди. Фашизм II жаҳон уруши оловини ёқди, 50 млн. дан ортиқ кишининг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Бизнинг мамлакат ҳам мотам либосига ўралди. Иккинчи Жаҳон уруши жабҳаларида курашган Ўзбекистонлик жангчилардан 263005 нафари ҳалок бўлди, 132670 киши дом-дараксиз кетди, 60452 киши ногирон бўлди.

Большевизм ва фашизм мафкуралари ўргасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Айни пайтда жиддий тафовутлар ҳам қўзга ташланади. Асосий фарқлардан бири, бу миллат омилиниң турлича баҳоланишидир. Агар коммунистик таълимот ҳалқларининг миллий-этник ўзига хосликларининг йўқотиш, «пролетар байналминаллиги» шиори билан майдонга чикқан бўлса, фашизм бир ҳукмрон миллатнинг «ирқий-этник софлиги»ни мутлаклаштиришни тарғиб-ташвиқ этади. У ирқчиликниң ҳомийиси ҳисобланади.

«Расизм» сўзи «раса» (ирқ) атамасидан келиб чикқан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада «инсоният насли»ни турли ирқий гурӯҳлар, жумладан, «оқ», «қора» ва «сарик» ирққа ажратиш учун қўллана бошлади. Ирқчилик таълимоти «оқ

таили»ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан «олий ирқ» этиб таиплангани, бошқа иркларнинг эса «оқ»ларга қараганда ному-каммал яратилғанлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуи пого-наладарида туришини «асослаб» беради. Унинг асосий ғояси ўзининг «илоҳий» табиатига кўра «оқ» иркларни «қуи» ирк-лар устидан ҳукмрон қилишга даъват этишга қаратилган эди. Ирқчилик миллий мансублиги ва терисининг рағигига кўра ажралиб турувчи кишиларга тазик ўтказиш, уларни ҳақоратлаш, уриш ва ўлдириш каби ҳаракат-ҳодисаларда яққол на-моён бўлди. Ихтиомий ҳукмронлик шаклларидан бирининг мағкураси бўлар экан, у буюк давлатчилик, ашаддий шови-низм, «таипланган» халқларнинг миллий афзаллиги ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетди.

Ирқчилик – кўп қиёфали. Масалан, ўзини олий ирқ ҳисоблаган инглиз, испан, француз боскинчилари ўрта асрлар ва айниқса, XVIII-XIX асрларда Америка, Австрия, Африка ва Осиёда ерли халқларни кўнлаб қириб ташладилар.

Яна бир ёвуз ғоя – терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдиц солмокда. Жамиятга доимий кўркув, фитнагаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлашлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XX юз йилларда кеңг қулоч ёзди. Фарбий Германиядаги «қизил армия» ва Италиядаги «қизил бригада» гурухлари, Испаниядаги басклар ташкилоти, Ольстердаги «Инқилобий-халоскорлик армияси», Перудаги «Порлоқ ҳаёт» каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларининг бириичи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг ўилаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш давлатимиз чегарасига яқин давлатлар ҳудудларида ҳам терроризм ўчоклари пайдо бўлди. Улар мустақил Ўзбекистонга қарши куч йиғмоқда. Чунончи, Тошкентда 1999 йилда юз берган февраль воқеалари, 2000 йил ёз ойларида Сурхондарёга Афғонистондан ўтган террористик гурухлар хуружи бузғуничи сиёсий кучларнинг халқимизни де-

мократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишлари тұхтамаганидан гувоҳлик беради.

Фоя ва мафкураларни мутлаклаштиришнинг салбий оқибатлари. Тарихдан маълум бўлган реал мустабид тузумларни қиёсий таҳлил этиш улар амал қилган мафкураларнинг қуидаги умумий хусусиятларини ҳамда бу ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор салбий оқибатларни аниклаш имконини беради.

Аввало, мустабидчилик мафкуралари ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёкараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интиладилар. Бу мафкуралар буюк ва ёрқин ўтмишни инкор этадилар. Улар жамиятни инқилобий йўл билан ёппасига қайта тузиш зарур ва уни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, ўзларигача бўлган қадриятларнинг барчасини ёхуд кўпчилигини бекор қилиб, уларни фақат ўз тамойиллари билан алмаштирумокчи бўладилар.

Масалан, биринчи қарашда, узок ўтмишга қайтишга чақиравучи ислом фундаментализми гўёки бундан мустаснодек туюлади. Бирок, аслида бунда ҳам ўша андоза сакланиб қолади. Яъни, Ислом фундаментализми тарих ғилдирагини ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш ниқоби остида, «ижтимоий қазарма» типидаги бирхиллаштирилган мустабид «келажак»нинг ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда инсон фуқаролик ҳукукларидан тўлиқ маҳрум килипали. ҳақикатда линий террорга дучор этилади. Биз юқорида бундай ғоянинг қандай аянчли оқибатга олиб келишини Ўрта аср Европасидаги инквизиция мисолида кўриб ўтдик.

Мустабидчилик мафкуралари «янги жамият» ва «янги инсон»ни вужудга келтиришни ўз мақсади деб эълон қиласи, бунда шахс манфаатлари ва айниқса, шахс эркинлиги тор ҳукмрон табақа, мустабид тузумнинг манфаатларига бўйсундирилади. Бундай ижтимоий тузум «демократиянинг олий шакли», ҳалқ ҳокимияти шакли, деб эълон қилинади.

Сиёсий муҳитда бунга ҳокимиятни монополиялаштириш мувофиқ келаци. Ҳокимият битта партия (ёки сиёсий ҳаракат) нинг

қўлида тўпланади. Ҳукмрон партиянинг давлат аппаратига ўсиб чиқиши содир бўлади. Шу билан бирга, жамиятнинг давлатлашуви, яъни давлатдан мустақил бўлган ижтимоий ҳаётнинг йўқотилиши (ёки ниҳоятда камайтирилиши), фуқаролик жамиятининг йўқотилиши (хусусан, ҳукмрон партияга бўйсунмаган барча бошқа партия ва жамоат ташкилотларининг таъқиқланиши) да ўз ифодасини топади. Ҳукуқнинг, қонунинг роли камситилади: ҳокимият қонун билан чекланмайдиган ва қонунга бўйсунмайдиган ваколатга эга бўлади, давлат ҳукукий давлат бўлмай қолади, у иктисадиёт соҳасини ҳам танҳо назорат қиласи, иктисадиётга марказлашган раҳбарликни қарор топтиради (бу гўё энг оқилона ва самарали раҳбарлик бўлармиш).

Ахборот монополияси ҳам сиёсий ва иктисадий ҳокимиятини мутлаклаштириш билан чамбарчас боғлиқдир: «мустабид тузум»да барча ахборот воситалари, жамиятда муомалада бўлиб турган ахборотнинг мазмуни ҳам аппаратининг қаттиқ назоратига олинади. Зўравошлиқ ишлатмасдан туриб бутун монополиялар тизимини саклаш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат терроризми, террорни ички сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўллаш «мустабидчилик тузумлари» учун хосдир.

Мустабид давлатларнинг ўзига хос бошқа характерли хусусияти жамиятнинг ҳарбийлаштирилиши, «ҳарбий лагер» ёки «қамал қилинган қалъа»дан иборат ғоявий-психологик вазиятини вужудга келтиришдан иборатdir. Буида мамлакат ичida ҳарбий фанатизм вазияти авж олдирилибгина қолмасдан, шу билан бирга, агрессив ташки сиёсат ҳам амалга оширилади. Бу сиёсат ҳарбий-худудий ва мафкуравий босқинчилик қилишга, ўзининг мустабидчилик тартибларини кенг миёсда қарор топтиришга қаратилади.

Лекин, тарихий ҳақиқат шундан иборатки, мустабидчилик мафкураларининг турли андозлари ва уларнинг лойиҳалари асосида яратилган демократияга қарши тузумларнинг пировард натижада ҳалокатга учраши муқаррардир.

Бироқ, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмокда. Президентимиз Ислом Каримов ҳаққоний равишда таъкидла-

ганидек: «Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожеалар, қатағонларни бошдан кечирган, асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафқураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чикиб, конли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайгу-кулфатлар солмоқда».

Ана шу сабабдан ҳам мустакил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроби бўлган миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш ва ҳалқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда.

Бу мафкура мустакиллик йилларида эришилган ғалабаларни, энг катта ютуғимиз бўлган истиқлолимизни, Она Ватанимизни, фарзандларимизнинг бахтли келажагини фидойилик билан ҳимоя қилиш, доимо ҳушёр ва сергак бўлишга ёрдам беради. Зоро, Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз – уни асрараш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Шу мъюнода миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг қалбимиизга сингадиган, умумий ғоямиз, онгимиз, дунёқарашимизнинг таркибий қисмидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоний тараккиётда ғоялар қандай аҳамиятга эга?
2. «Бунёдкор ғоялар» тушунчасини кисқача таърифланг.
3. Вайронкор ғояларнинг моҳияти нима?
4. Ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг тарихий тараккиётдаги ўрни.

Реферат мавзулари

1. Жамият тараккиёти мафқуралар ва ғоялар тарихидир.
2. Инсоният тарихида бунёдкор ғояларнинг роли ва аҳамияти.
3. Вайронкор мафқуралар ва ёвуз ғоялар.
4. Утмишда мафкура ва ғояларни мутлақлаштириш оқибатлари.

Учинчи қисм

ХОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИ УЧУН КУРАШ

4-мавзу: БУГУНГИ ДУНЁНИГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

XXI аср бўсағасига келиб дунёниг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди, иисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагер тарқалиб кетди. Унинг энг катта ва тоталитар тузум ҳукмрон булган асосий давлати – собиқ иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатниш ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган ҳалқлар ўз миллий давлатчилик анъаналари-ни тиклади.

«Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараккиёт, инсон ҳак-хукуклари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир!». Бу тамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ кела-жак учун хизмат қилади.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёниг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай файриинсоний, бузғунчи ғоялар ҳалқлар бошига сўйгисиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмокда. Афғонистонда йигирма йилдан ортиқ да-

¹ «Миллий истиқолол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Т.: «Ўзбекистон» 2000 й. 22-бет.

вом этаётгай биродаркушлик уруши, Болқон миңтақасыда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмаётғанлиги ана шудай бузғунчи мағкураларнинг таъсири оқибатидир.

Бугунги кунда нафакат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мағкуравий курашнинг бош мақсадидир. Шунинг учун ҳам Ер юзининг турли миңтақалари ҳалқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, мағкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда ҳалқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият таракқиётига. Ватан ва ҳалқ манфаатларига, қадриятларни саклашга хизмат қилиши лозим.

Бу борадаги билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик устувор бўлади. Уларни эгаллаган одам мағкуравий тажовузларга муносиб зарба беради. Бунга эришиш жараёни ниҳоятда серқирра бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чоратадбирлар, ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини ўз ичига олади.

Бугунги дунёning мағкуравий манзараси. *Хозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мағкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврdir.*

Дунёning ҳудудий жиҳатдан турли миңтақа ва қитъаларга булинишини география дарсларидан яхши биламиз. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб ва мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда ҳам Ер юзининг ҳудудий бўлинишини bemalol тасаввур қила оламиз.

Инсоният XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Бутун Ер юзи одамзот учун

ягона макон эканлиги аниқ. Бунга шак-шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш учун ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш учун олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан ажралиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланмоги керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринили эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Уруш қуроллари тақомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш ўёқда турсин, балки бутун Ер сайдаги хаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади.

Кишилик жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айни пайтда гайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб ўзининг мудҳиши қиёфасини намоён қилишига ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл-шамойил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидағи тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф турғармокда.

Бугун дунёning мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари-

да кўрсатиб берилган. Мазкур маърузада ана шу асардан асосий манба сифатида фойдаланамиз.

Тараққиётга нисбатан хавф-хатарлардан бири **буюк давлатчилик шовинизмидир**. Буюк давлатчилик шовинизмини, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади»¹.

Кўриниб турибдики, буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. Зоро, у ўз моҳиятига кўра миллий тенгизлигни оқлаш, тарғиб – ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Буюк давлатчилик шовинизми пайдо бўлишининг сабаблари нимада? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг «ҳаётий манфаатлари» худуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан босиб олинган худудларнинг табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва мъянавий бойликлари ни ўзлашириш, уларга улкан ва кудратли давлатга айланishiша имконият яратди. Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар ва ҳалклар билан муносабатда ўзини устун, таҳноҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдирни, ҳалклар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафкураси тарих саҳнасига чиқди. Бундай мафкура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон. 1997. 52-бет.

бутун бир миңтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб халқлар-нинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувлика зил кетган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор мағфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга давъогар сиёсий гурухларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-рухий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб туриди.

Афсуски, бизнинг ўлкамиз ҳам буюк давлатчилик шовинизмининг фалокатли таъсиридан четда қолмади. «У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агресив миллатчилик ғояларнинг бутун жағоларини тортиб келди, – деб ёзди Ислом Каримов. – Ўзбекистон Россия империяси, сунгра эса собиқ Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турған мураккаб даврни бошдан кечирди»¹.

Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда кўшилиб кетмоқда. Пансоветизм тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлаклаштиришга асосланган. Аммо, Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиширишга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилиш ётганинги ёддан чиқармаслик зарур.

Буюк давлатчилик шовинизмининг пансоветизм байроғи остида жонланишининг сабаблари нимада? Жиддий таҳлил

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баракарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил, 53-бет.

килинадиган бўлса, биринчидан, беҳисоб ҳом-ашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишдан, геостратегик мавқедан маҳрум бўлиш; иккинчидан, сонбик колонияларнинг ўз метрополияси таъсири ва тазийиқидан халос бўлишга интилиши, мустақил ички ва ташки сиёсат юрита бошлиши; учинчидан, ҳалқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи тушунишни истамаслик; тўртинчидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўёки унинг «ҳаётий манфаатлари» тан олинмаётгани, у амал қилаётган ҳудудлар торайтирилаётганини рўкач қилиш ва нихоят, бешинчидан, мақтачоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш. уни бетакрор ва ноёб деб хисоблаш ҳозирги кунда буюк давлатчилик шовинизмининг жонланиши учун «асос» бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. **Диний ақидапарастлик** шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви foясини асослашга ҳаракат қиласди. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув foясини биринчи ўринга кўяди. У диний маънавий заминдаги ўйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятининг бирлашишига ва ҳалқлар тараққиётига йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган саволни ўртага ташлайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият ҳолларда ана шундай «беозор» шаклда тақдим этишга ҳаракат қиласдилар.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади.

Иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу гояни тикиштиришда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида ургу берадилар.

Тўғри, биз мусулмон халқмиз. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар ана шу реалликни тан оладилару, ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиласилар. Албатта, бу ҳақиқатни тан олиш-олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай гаёрийлмий қарашларини кишиларимиз, айникса, ёпшаримиз онгига сийгидиришга ҳаракат қилаётганикларига бефарқ қараб бўлмайди.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишини ноисломий дунёга карши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зоро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқиашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишнга сабаб бўлиши мумкин.

Хозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларининг шаклланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринимокда.

Бугунги кунда халқларининг лисоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган фоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширганганигини упутмаслик лозим.

Оламнинг бугунги кундаги мафкуравий манзараси ҳакида-ги мулоҳазалар якунида нима дейиш мумкин? Мафкура ва

мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркии фуқаролик жамиятининг асосларини яратадиган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зоро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. «Мен,— деб ёзади Президентимиз, — Абдулла Авлонийпинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат— ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сузлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир»¹.

Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар. Жамият ҳаётида мафкуравий омилларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Фаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўtkазишда энг аввало **бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил** деган қадимий тамойилга амал қилишга уринишни таъкидлаш зарур.

Бу тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. У жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида ўзига хос кўринишда намоён булмоқда. Масалан, мамлакатимизга нисбатан бу усул ўтиш давридаги ижтимоий-иктисодий қийинчиликларни бўрттириб кўrsatiш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйфотиш, ўз ноғораларига ўйнайдиган мухолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий бекарорликни келтириб чиқаришга бўлган ҳаракатларда намоён бўлди. Бу йўлда диний омилдан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаётir. Ана шу ҳолат

¹ И. Каримов. Жамиятнимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ. миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998, 17-бет

ҳам «мақсад воситани окладын» деган ақида ғаралы геостратегик манфаатларни рүёбга чиқаришнинг асосий қоидасига айланадаётганлигини күрсатади.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг иккинчи йўли минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтиришdir. Бу йўлнинг энг кенг тарқалган усули гўёки минтақада гегемонликка талабгор бўлган давлат борлигини асослаш, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратишидир. Бундай образларнинг яратилиши ер юзининг турли шукталарида низоли, кам деганда давлатлараро муносабатларда таангликни юзага келтирганлиги тўғрисидаги мисолларни истаганча топиш мумкин. Бундай «образлар» яратилиши натижасида мамлакатларнинг моддий-молиявий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини таъминлаш ўрнига ана шу «образ» таъсирининг олдини олишга йўналтирилмоқда. Натижада иккинчи асосий мақсадга – муайян давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифоқчисига» айлантиришга эришилмоқда.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг учигичи йўли халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, нохолис тасаввурларни шакллантиришdir. Халқаро муносабатлар майдонидан айрим мамлакатларнинг вақти-вақти билац «қувғин» қилиниб турилиши ана шундай ҳаракатлар натижасидир.

Имтиёзли ҳамкорни белгилаш муайян минтақада геостратегик манфаатларни амалга оширишга хизмат қиладиган яна бир тамойилdir. Албатта, муайян сабаблар, айтайлик диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабабларга кўра ҳар бир давлат ким биландир имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу табиий ҳолат. Аммо гап «имтиёзли ҳамкор»дан минтақа давлатлари ўртасида айрмачиликни шакллантириш, «номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга «ҳамкор» давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсишир жиҳатдан устунилигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормоқда. Аслида у ёки бу кўринишдаги устуниликини таъминлаш ҳам асосий мақсад эмас. Бош мақсад –

муайян миңтақага таъсир ўтказиш плащдармiga эга бўлишdir. Бундай плащдармiga эга бўлишга интилиш эса ўз навбатида ушбу миңтақанинг геостратегик имкониятлари билан белгиланади. «Бекорга шудгорда кўйрук на қилур» деганларицек имтиёзли ҳамкорни белгилашда ана шундай узокни кўзловчи ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадлар ҳам ётиши мумкинлигини унут-маслик лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, «имтиёзли ҳамкор» тамойили бўлиб ташла ва хукмроилик қил тамойилининг тўлдирувчиси сифатида юзага чиқади. Бунга собик Иттифоқнинг Кубадан миңтақага революцияни экспорт қилиш учун фойдаланишга урингани мисол бўла олади.

Тенг ҳукукли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик тамойилига амал қилиш – геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг окилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон ўз мустакиллигининг биринчи кунлариданоқ ана шу тамойилга амал қилиб келмоқда. Негаки, бу тамойил геостратегик манфаатлардаги уйғуницка эришиш ва жаҳон миқёсида тараққиётни таъминлаш омилидир.

Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика. Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниклаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илмий муоммалаға бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар каторила «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Ана шу тушунчаларпинг мазмумни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолрок тасаввур қилиш имкони туғилади.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланниб қолди? Гап шундаки, муайян фоя том маънода фоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Фоя факатгина инсон қалбини эгаллаганданча, инсон маънавий-рухий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун кўллан-

мага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли фояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Хўш, мафкуравий полигон деганда нимани тушунамиз? Полигон (юнонча серқирра деган маънени билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолғанмиз. Одатда полигон деганда қуроласлача ва техникани синаш, қўшилларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб бориши учун мўлжалланганга маҳсус майдон тушунилади.

Шу нуқтаи назардан қарагандан, мафкуравий полигонларнинг хусусиятлари ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадидан ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрамиз. У найзалардан токи автоматик қуролларгача, замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узок такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар ахолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларниң ахолисини йўқотиш шарт эмас. Зоро, онги ва шуури забт этилган, қарашиб ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзgartирилган ахоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан файриинсоний бўлган фояларга қарши турла олиш учун ахолида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Иммунитет (лат. «immunitas» – озод бўлиш, қутилиш) деганда, организмиң доимий ички муайянлигини саклаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташки инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуюи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун хаёти давомида ташки таъсир-

ларга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет ҳақидаги ана шу тасаввурдан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет ҳақида нима дейиш мүмкін? Авало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга булади. Учиңчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мүмкін (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик).

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиласидар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизими-даги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараккиётiga хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар тизимиdir. Зоро, билимлар қаинчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам булади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажоузулар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласидар.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан

боғлиқ. Яъни ҳар бир киши каби, ҳалқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англанган, уни амалга оширишда событқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдағи мафкуравий тазиикларга бардош бериш амримаҳолдир.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз мохиятига кўра, ёт фояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора – тадбирлар мажмuinи ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган фоявий–тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмuinи, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бакувват, иймони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзарасини қандай тушунасиз? Унда ҳукмронлик қилишга даъвогар қандай мафкураларни биласиз?
2. Буюк давлатчилик фоясининг мохияти ва хатарли жиҳатлари нималардан иборат?
3. Халифачиликни тиклашга интилишнинг хавфли ва заарли томонлари нимада?
4. Мафкуравий полигон тушунчасини қандай тушунасиз?
5. Мафкуравий иммунитетнинг мохияти ва унсурлари нималардан иборат?

Реферат мавзулари

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.
2. Ҳозирги замонда фоявий кураш ва мафкуравий полигонлар муамоси.
3. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика тушунчалари, уларнинг мазмун-мохияти.

5-мавзу: ГЕОСИЁСАТ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР

ХХ асрнинг сўнгтида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серкирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй бераётган ғоявий жаражётлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғликдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий маҳаллий мажаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай қарама-қаршиликларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва тасир доираларини саклаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзgartириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жихатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлик.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой кошлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Фарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қурратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаёт-

ган, ички мажаро авж олган Афғонистон каби бекарорлик ўчоги билан чегарадош.

«Геополитик мақсадлар – муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва миңтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда ҳалқаро майдонда турли шаклларда намоёни бўлаётгани бундай мақсадлар мағкуравий сиёсат билан қўшилиб бормокда. Инсон қалби ва онги учун кураш – бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир».

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроқ билан қонупсиз савдо қилиш, инсон хукукларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдишларнинг доимий манбаига айланиб бормокда.

Айрим кўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни ташвишга солмокда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмокда.

Хуллас, хавфсизликка солинаётган таҳдишлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳалийчилик ва ургуф-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундейди.

«Геосиёсат» тушунчаси ўзида («гео» – «ер», «сиёсат» эса – «давлат» ва «ижтимоий иш») маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларниг кўринишлари, турли хил давлат ва ҳалқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«Геосиёсат» узок тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари ҳалқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва фанларида кенг қўлланилмокда. Геосиёсат кўп

киррали тушунча сифатида турли манфаатларни үзида мужас-
сам этади.

Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар күпроқ мафкуравий
сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана
шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро
полигонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини ало-
ҳида таъкидлаганилар.

Ядро полигонларини қаерда жойлашганини, унинг қуввати-
ни, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ
билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаер-
дан ва қандай йўллар билан ва қайси инсонлар қалбини эгал-
лаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди.

Бугун «икки кутбли мафкура» ўртасидаги курашга барҳам
берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб
колгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб
олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Ма-
салан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин
мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол
гоясига зид бўлган ёт ва бегона гоялар кириб келишга ва
ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белги-
ланган улуғ мақсадларни амалга оширишга қарама-карши
кўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳара-
катларнинг тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ва-
тандош», «диндош» этиб кўрсатиш ниқоби билан ўз гоялари-
ни амалга оширишга уриндилар. Натижада, ҳақиқий қадрият-
ларимизга зид бўлган турли хил оқимлар аҳоли, айниқса ёш-
лар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий
жихатдан тобе этишга интилиш ва дунёни шундай асосда бўлиб
олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги
замон оммавий ахборот воситалари, уларнииг ютуқларидан,
ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка
йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан
фойдаланиш орқали дунёнииг турли ҳудудларида ўзларига мос
мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам
кўзламоқдалар.

Ана шундай шароитда миллий истиқлол ғоясини чукур эгаллаш орқалигина бундай мафкуравий майдонларда олиб борилётган курашлар моҳиятини тӯғри тушуниш ва олдини олиш мумкин. Мафкуравий жараёнлар фикр ва ғоялар тизими сифатида инсон онгига йўналтирилганлиги, ўзига хос мақсадлари борлиги билап характерланади. Улар кўплаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли ҳалқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Маърифий ривожланиш ва дунё ҳалқлари ривожи шуни тақозо этадики, геосиёsat ҳам маълум бир мақсадларни кўзлар экан, у факат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва ҳалқлар равнақига, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясига мос бўлиши керак. У Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Ҳалқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғоялари ни ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа ҳалқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, геосиёsatга янгича ёндошув XXI асрда янгича маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётiga хизмат қиласи.

Собиқ СССРнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтиради. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа ҳалқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод

бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўзларининг ички ҳаёти ва истиқолини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараёшининг минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунаштириб туришга хизмат қиласиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийdir.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йилгача собиқ марказ ҳали ўз ҳукмонлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-карши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёsatни давом эттириди. Бу ўз павбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан бегараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсаларда, аслида ҳар бир кўрсатаётган «ёрдамлари» эвазига минтақада ўз мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қилидилар. Аслида бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек кўринади.

Аммо, уларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-карши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиласиган умумий омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўtkазди.

Тўртингчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий мухитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлагани каби: «СССР парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиси қолди. Унинг ташки чегараларида – Афғонистон ва Тожикистон

тоңда сұнғи йилларда юз минглаб иисоштар ҳәётига зомии бүлган иккита тағглик үчөфи аланга олиб турибди»¹.

Афғонистонда уруш алаңгаси үчмагани факат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, ҳом-ашё ресурслариға бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турғанлиги билан ажралиб турди. Бинобарии, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қиласди. Шу маъниода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишининг турли йўлларини ва услубларини ишга солмоқда.

Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва ҳалқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериш мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шаклларини қўлламоқдалар. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий интеграциялашув жараёнига тўскилий қилиш, уларда ўзаро бир-бирларидан норозилик кайфиятини уйғотиш каби мафкуравий таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иктисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, ҳалқлар ва миллатлар ўртасига

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид. баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997 й., 20-21-бетлар.

низо солиши, кескинилк ўчокларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёкараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий «сабоқ» бериш, исломни қайта тиклаш байроби остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпорувчилик ҳаракатлари кучайди.

Маълумки, «фундаментализм», «экстремизм», «терроризм» каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қаидайdir бир йўналишни бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланган ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гурухларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборат. Худди шундай «фундаментализм», «терроризм» каби сўзлар ҳам том маънода ҳокимият ёки бирор бир фаразли мақсадлар учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир.

Масалан, «фундаментализм» атамаси аслида христиан дини билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Унинг биринчи бор расмий кўлланиши 1908 йили АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси»га (The Conference on Cristian Fundamentalism) тегишли бўлиб, куйидагича асосий 5 ақидани ифодалайди:

- Иисуснинг бокира аёлдан дунёга келгани;
- унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани;
- жисман қайта тирилиши;
- ер юзига жисмонан иккинчи бор келиши;
- китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки соф холига қайтариш.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажраби туради:

- уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳи-

лия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид килишга «асос» бўлиб хизмат қилади;

– улар гўё факат «ҳакиқий» мусулмонлар, яъни уларнинг ўзлари ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак «исломий тартиб-ни» ўрнатиш учун кескин ва агрессив харакат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад – диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада бекарорликни, диний ва миллатлароро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни кўлга киритишdir. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожеаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих сахифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни «курбон» қилиш ғоясидан ҳам тоймаяптилар.

Айнан ана шу хатти-харакатлар бугунги кунда ўз обрусидан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-ленинизм таълимотини эслатиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими – большевиклар, миллати ва ирқидан қатъий назар, дунёда яшаётган барча халқларни бирлаштириш ғояларини илгари суриб, террор йўли билан ҳокимиятни кўлга киритган эдилар. Уларнинг асосий фожеаларидан бири ҳам миллий омилнинг ва тадрижийликнинг аҳамиятини тан олмагандарида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар соҳиби сифатида ном қолдирдилар.

Бугун диний экстремизм ва фундаментализм томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган қўпорувчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, хусусан мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганлигини Президентимиз теран англаб, бу қандай даҳшатли оқибат-

ларга олиб келиши мүмкінлігідан ҳаммамизпи огох қылған эди. Тошкентда февраль фожеалари содир этилмасдан иккі йил олдии Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиц, барқарорлик шартла-ри ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида шундай ёзган эди: «Ўзбекистонинг мустақиллигини мус-таҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нук-таи назардан караганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий таш-виш туғдирмокда»¹. Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилининг 16 февралида ўзларининг қора ният-ларига эришиш мақсадида Тошкентда қўпорувчиликни амалга оширдилар. Бу қўпорувчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар борлиги аёп.

Агар Ўзбекистонда душманларимиз мўлжаллаган мақсад-лар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа дав-латларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўли-шига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Терро-ристларининг амалга оширган қўпорувчилик ҳаракатлари кўзла-ган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Ўзларини ислом динининг «ҳимоячилари» деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий қад-риятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари тағлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўринатиш эди. Аслида, мустақиллик йиларида мамлакатимизда ҳақиқий ис-ломий қадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчилилк билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Динимизнинг халқи-миз маънавиятининг ажralмас қисмига айланганлиги Прези-дентимизнинг куйидаги фикрларида ўз аксини топган: «Биз ўз миллатимизни мақа шу муқаддас диндан айри ҳолда асло та-саввур қилолмаймиз. Диний қадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдиц, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 34-бет.

Халқимизининг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкини, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда»¹.

Марказий Осиё минтақасидаги мағкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Йигирма йилдан бўён давом этиб келаётган ҳарбий мажаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди ҳалқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-ярог ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоги бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли гояларнинг террорчилик, таҳдиð ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиши хавфини тугдирмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу хавфнинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти томонидан олға сурилган «Туркистон – умумий уйимиз» тоясининг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг билан бирга Президентимиз таъкидлаганидек, «...Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи ҳалкларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир»².

Минтақада хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти – Афғонистонда давом этаётган фуқаровий урушни тұхтатиши, у ерда тинчликни таъминлашыдир. Чунки бу заминда давом этаётган уруш натижасида наркотик моддаларни ноқонуний йўл билан минтақа мамлакатларига олиб ўтиш, қуролларни ғайриконуний йўл билан тарқатиши, террорчилик ҳаракатларини авж олдириш содир бўлмоқда.

¹ Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. Халқ сўзи, 1999 йил 6-март.

² Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – шировард максадимиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й., 36-бет.

Ууман, Афғонистонда давом этайдын ҳарбий мажароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш foяси Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Албатта, бошланган ана шу ижобий ҳаракатни давом эттириш, унга мафаатдор бўлган давлатларни фаоллаштириш бугунги куннинг шу соҳадаги долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу – минтақада яшаётган ҳалкларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий – руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Худди шунингдек, минтақага қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни куайтиришда умуммintaқавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бугунги кунда геополитик мақсадлар қайси шаклда намоён бўлмоқда?
2. «Мафкуравий сиёсат»нинг мазмун-моҳияти шимадан иборат?
3. Минтақамизга қандай тажовузкор мафкуралар таъсир қилишга уринмоқда?
4. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни саклаш учун нималарга эътибор қартиш керак?

Реферат мавзулари

1. Ҳозирги дунёдаги геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат.
2. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга интилишлар.
3. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар.
4. Минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш зарурати ва унинг шартлари.

Тұртнчи қисм

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР

6-мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ЖАМИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

ХХ аср охирида халқимизнинг асрий орзулари рүёбга чиқди, Ўзбекистон мустақилликка әришди. Мамлакатимиз жағон ҳамжамиятиниң тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, янги жамият қуриш учун туб ўзгариш ва ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Ватанимизда бүтун қандай жамият барпо этилмокла, унинг ижтимоий, иктисадий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат булади? Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрға интилмоқда» китобида бу саволларга түлиқ жавоб берилган. Бу олижаноб мақсадлар жамият ҳаёти барча соҳаларига дахлдор кўпдан-кўп сиёсий, иктисадий, ижтимоий, маънавий вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Биз қандай жамият барни этмоқдамиз? Барпо этилаётган жамиятниң маъно-моҳияти, афзалликлари ҳақида фикр юритар эканимиз, аввало бу мустақиллик берган улкан имконият эканини ҳис этамиз. Мустақиллик ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имконини берди. Истиқлол туфайли тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналаримиз, муқаддас динимиз қайта тикланди. Мамлакатимиз сарҳадлари ва суверентетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди, давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибипи сақловчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз умумий хонадонимизда қарор топган тиҷҷлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир.

Бу даврда Ватанимиз манфаатларига мос ташқи сиёsat ишлаб чиқилди ҳамда дунёниң энг ривожлашган мамлакатлари,

иуфузли халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатилди.

Утган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз обод ва кўркам бўлди. Мулкдор ва тадбиркорларнинг жамиятдаги ўрии ва иуфузи мустаҳкамланди. Йирик иишоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қад кўтаргани, ёқилғи ва галла мустакиллигига эришилгани, иқтисодидётда таркибий ўзгаришлар юз бергани, макроиктисодий барқарорликка эришилгани, барча-барчаси мустақил Ўзбекистон таракқиётининг аниқ натижаларирид.

Энг муҳими, истиқлол туфайли одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгариб бормоқда, уларнинг давлатимиз буюк келажагига бўлган катъий ишончи кучаймоқда.

Буларнинг ҳаммаси янги жамият барпо этишдай олижаноб ва масъулиятли ишда халқимиз таянадиган асосий ютуқлардир. Аммо пировард мақсадларга етиш учун мамлакатимизда бошлангани ислоҳотларни изчил давом эттириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт йўлида япада фаол ва фидоий бўлишимиз лозим.

Миллий истиқлолғояси халқимизни ана шу мақсад атрофида бирлаштириб, улуғ ишларга сафарбар этадиган, бизга таянч ва кўмак бўладиган маънавий мезондир.

Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мағкураси халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлиғимизни ўзида мужассамлаптириб, уларни умуминсоний қацриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илфор, тараққийпарвар гоялар билан бойитиб, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу-мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттиради. Унинг воситасида ҳар бир ватандошимиз, биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий асослари шималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» каби асарларида ҳамда кўплаб маъруза ва шутқарида Ўзбекистон халқи қан-

дай мақсад сари интилаётгани, қандай жамият барпо этгани илмий асосда кең ва атрофлича ёритиб берилган.

Айникса, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» асарида мустақил тараққиёт йилларида орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда, собиқ совет тузумининг оғир асоратларига қарамай, юртимиз катта ривожланиш йўли, Ўзбекистон янги асрга қандай режалар билан кириб бораётгани асосланади. Юртимизда маъно-моҳиятига кўра бутуслай янги жамият барпо этиш ва XXI асрнинг дастлабки йилларига мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишидир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги ракобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари генг ҳукукка эга бўлиб, бу ҳукуқ давлат томонидан кафолатланади. Иқтисодий тараққиётни бозордаги талаб ва таклиф йўлга солади ва бошқара бошлайди. Уни марказдан туриб бошқаришга, маблағ ва фондларни режали тақсимлашга ҳожат қолмайди. Собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, марказдан туриб бошқариладиган режали иқтисодиёт охир-оқибатда барибир таназзулга юз тутади.

Кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шарорити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш– давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Лекин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва уларни амалда жорий қилишнинг тайёр андозаси йўқ. Бу борада биз ҳатто жаҳондаги энг юксак ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам кўр-кўrona қўллай олмас эдик. Чунки бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, қазилма бойликлари ва иклим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг

менталитети, аҳоли таркиби ва ўсиши бирор мамлакатни кига айнан ўхшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги ёки аксинча, инқирозни янада чукурлаштириши мумкин эди. (Масалан, айрим ҳамдўстлик мамлакатларининг шок терапияси усулини қўллаб, қийин аҳволга тушиб қолганини эсланг).

Шу боис ҳалқимиз иродаси билан танлаб олинган ва ўзимизга мос ривожланиши бу – ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олға боришини тақозо эта-дигаи йўлдир.

Танлаб олинган бу йўл, ҳамда унга хос миллий истиқлол тоғасининг стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга ошириши тақозо этади.

Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш— мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислочотларининг энг асосий йўналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадрияtlарга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириши. Миллий истиқлол тоғасининг сиёсий соҳадаги хусусиятларининг моҳияти ана шуларда намоён бўлади.

Бинобарин, сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг асосий шартларидаи бири ҳалқнинг сиёсий онгини ўстириш, унга демократик эркинликларнинг маъно-моҳиятини тўғри тушуниб олиш ва ўзлаштиришга имкон яратишдан иборатdir.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йулидан бораётган ҳар қандай жамият ҳукуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зоро, шундагина демократия, фикр ва виждан эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадрияtlарга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чун-

ки демократиянинг ижодкори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси – инсондир. Демократия – факат халқ ҳокимияти булиб қолмай, у айни пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир.

Иккинчидан, жамиятимиздаги турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўп partiya вийлик тамойилини қарор топтириш. Мазкур жихатлар миллий истиқлолғоясининг сиёсий соҳадаги ўзига хос тамойилларини ифодалайди.

Мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари қарор топаётгани, улар тенг ҳуқуқлилигининг давлат томонидан кафолатланаётгани жамиятнинг ижтимоий-табақавий таркибини ўзгартирмоқда. Бугун янги ижтимоий қатлам ва гуруҳлар – сармоядорлар, тадбиркорлар ва урта синф вужудга келмокда. Мулк шакллари хилма-хиллиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнинга мос ҳолда турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатлар ҳам пайдо бўлмокда. Мамлакатимизда кўп partiya вийлик тизимининг шакллангани бунинг яққол далилидир.

Хозирги ўтиш даврида мулкчиликнинг нодавлат шакллари ва сиёсий партиялар ҳали мустаҳкам оёққа туриб олгани йўқ. Лекин, улар кундан-кунга кучга тўлиб ўз мавқеларини ошириб бормоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги мулоҳазаси муҳим аҳамиятга эга: «Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўп partiya вийлик муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга булиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим»¹.

¹ Ислом Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард максадимиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й., 7-бет.

Турли манфаатлар, қарама-қарши күч ва ҳаракатлар мувоза-натини таъминлайдиган маънавий омил бу – миллий ғоядир. У ижтимоий гурухлар манфаати ва мафкурасидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни ва ягона олий мақсадни акс эттирувчи ғоядир. У миллатнинг жипслигига, консолидациясига хизмат қилувчи маънавий кучдир. Шу боис мамлакатимиз мустақиллиги, келажак тараққиётимиз уни ҳалқимиз онгига мунтазам ва босқичма-босқич сингдириб боришини тақозо этади.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгрок шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал килиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рӯёбга чиқариш учун зарур имкониятларни ишга солишини тақозо этади.

Бу – мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучнинг субъектив ҳоҳиши-иродасига қарам бўлмасдан ишини фаол ташкил қиласдиган, ўз моҳијатига кўра, жамиятнинг олга силжишига халақит берадётган иллат ва асоратларни бартараф этишига қодир бўлган самарали тизимни шакллантириши демакдир.

Мустақиллик бу – ҳуқук, ҳуқук эса – масъулият ёки, бир сўз билан айтганда, мустақиллик – масъулият. Мана шу боғликларни, айниятни оддий фуқародан тортиб, масъул ходимларгача теран англаб, ўз фаолиятини ана шу асосда юритиши мақсадига мувофиқдир.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзи ни ўзи бошқарииш органларининг фаолият доирасини кенгайтиши, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишини кўзда тутадиган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини амалга ошириш.

Бу – одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарииш органла-

рига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мав-кеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳукуқлар берилиши демакдир.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасидаги вазифа-функциялар икки йўналишда қайта тақсимланиб боради. Биринчиси – давлат марказий идораларининг айрим ҳукуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига ўтказилади. Шу тариқа маҳаллий ҳокимиятнинг ҳукуқ ва масъулияти оширилади.

Иккинчиси – жамоат ташкилотларининг ҳукуки ва масъулиятини ошириш, давлат зиммасидаги ваколатларининг бир қисмини улар зиммасига ўтказиш. Бунинг учун Конституция ва қонуни доирасида фаолият кўрсатадиган жамоат, яъни нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларининг тармоғини кенгайтириш зарур.

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг қуидалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани, фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожлангаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фуқароларнинг онги ва тасаввурнида, қуидалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этажётгани «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишининг муҳим шарти ва шаклидир. «Кучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, ҳалқ жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилаади, уларнинг ўз вазифалари ва жамият олдидаги бурчларини тўғри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ана шундай кучли жамият бўлади. Унинг сиёсий тузуми – демократик, ҳукукий давлат бўлса, ижтимоий тузуми – қонуни устувор бўлган фуқаролик жамиятидир.

Бешинчидан, давлатнинг ислоҳотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, ҳалқимиз ва жамиятимиз ман-фаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдоғли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёши кадрларни танлаши, жой-жойига қўйиш ва янгилашига имкон берадиган тизимни тақомиллаштириши. Бу – ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган,

одамларнинг тафаккури ва дунёқаралии ўзгаришини тақозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпаратлик, уругаймоқчилик каби кўп-кўп иллатларни бартараф этиши, жамиятни тубдан янгилашини талаб қиласидиган жараёндир.

Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий сиёсатининг қанчалик тўғри ва самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан турли бўғиндаги ташкилотчи—ижрочиларга боғлиқ. Уларнинг касбий тайёргарликлари қанчалик баланд бўлса, ўз вазифаларини қанчалик ҳалол ва вижданан бажарса, ишлар шунча олга кетади, кундалик муаммолар тезроқ ҳал бўлади.

Ватанпарварлик ва миллий тояга содиклик раҳбарнинг фаолиятини, изланишларини юксак маъно-мазмун билан тўлдиради. У йулида учрайдиган кийинчиликларни, баъзи бир омадсизликларни психологик жиҳатдан осонрок енгади, тушкунликка тушмайди, ютуқлардан эсанкирамайди. У ўз фаолиятига ва жамоаси эришган ютуқларга доимо энг юксак мезонлар билан ёндашиб, унга танқидий баҳо беради. У энг илгор тажрибаларни кўзлаб иш юритади, уларни жамоаси фаолиятида жорий этишга уринади. Ватанпарварлик ва миллий тояга содиклик унинг кучига куч, ақлига ақл, ташаббусига ташаббус қўшади, уни ҳакиқий фидойига айлантиради.

Бу турли бўгин раҳбарларининг кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш борасидаги ўзбошимчаликларининг, нохолисликларининг кўп жиҳатдан олдини олади ёки кадрларни уларнинг ўзбошимчалигидан, турли тасодифлардан муҳофаза қиласади. Ошкоралик тамойилини кўллаш, баъзи соҳаларда конкурс-танлов асосида лавозимга тавсия этиш, танланаётган мутахассис ҳакида жамоанинг фикрини ўрганиш ва шу каби тадбирлар ҳам кадрлар танлаш механизмини такомиллаштиришга, бинобарин, янги жамият қуришни тезлаштиришга хизмат қиласади.

Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириши жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириши, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши ўйлидаги мав-

жуд түсиқларни бартараф этиши – бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир. Мазкур ўзгариш ва йўналишлар миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий соҳадаги хусусият ва тамойилларини белгилайди. Бунда бир қатор вазифалар амалга оширилади.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартиши, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш.

Бу – хусусий бизнесга, умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чукурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиш, рақобат мухитини шакллантиришга асосий эътиборни қаратиш демакдир.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чукурлаштириши ва бу борада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириши, бу жараёнга тармоқларнинг асосини ташкил қилувчи ийрик корхоналарни жалб этиши.

Бу – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ортиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг кўпчиликни ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демакдир.

Хусусийлаштиришнинг асосий мақсади, бир томондан, мулкчиликнинг турли нодавлат шаклларини ривожлантириб, улар ўртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш бўлса, иккинчи томондан, мулкдорлар сонини, айникса банд аҳоли таркибицаги яқин келажакда кўпчиликни ташкил этаидиган ўрга синфи қарор топтиришдан иборат.

Учинчидан, иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиши учун қулаи ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кенгайтиши.

Бу – салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, ҳалқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши амалга ошириш демакдир.

Чет элликларга ўзларининг корхоналарини очишга, маълум шартлар асосида ер ости бойликларини қазиб олиша иштирок этишларига рухсат берилаётгани ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар сирасига киради.

Мамлакатимизда сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш канчалик кўпайса, ҳалқимизнинг моддий эҳтиёjlари шунчалик қондирилади, турмуш фаровонлиги ўсади, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ошади.

Тўртинчидан, мамлакат, экспорт салоҳиятини ошириши, унинг ҳалқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳукуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимиға кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтириши. Бу – Ватанимизнинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фаҳрланиши туйгусини юксалтиши демакдир.

Мамлакатниг экспорт салоҳиятини ошириш бевосита жаҳон бозорида харидоргир, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлик.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмокда. Маҳсулот сифати ва нархининг маъқуллиги билангина жаҳон бозоридаги мавқени мустаҳкамлаб олиш, доимий шериклар ва харидорлар топиш мумкин. Шундан кейингина ҳалқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳукуқли иштирок эта оламиз. Лекин мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш учун нафақат анъанавий маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришимиз, балки илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган маҳсулотларни ўзлаштириб, экспорт қилишга эришмоқ лозим. Бизда эса буидай имконият юксаклигини қисқа мuddатда автомобилсозлик саноати вужудга келгани, автомобилларимизни хорижга сотаётганимиз ва шунга ўхшашиб бошқа мисоллар кўрсатиб турибди.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни из-чил давом эттириши.

Бу – бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тұлға ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда мұккамал технологик жараённи ўз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чикарадиган, минерал ва кишлоқ хұжалиги хом-ашёсінін сифатлы қайта ишлайдиган құвватлар етакчи үрин тутишини таъминлаш, хизмат күрсатиши соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги үрнини күчайтириш, кишлоқда янги иш үриндерини яратыш демакдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар бир неча йұналишда амалга оширилмокда:

1. Иқтисодиёттің мулкчилік асослари ривожлантириляпты. Турли мулк шакллари вужудға келтирілди ва такомиллаштирилмокда. Юқорида бу ҳақда гапирилған эди.

2. Тайёр маҳсулот ишлаб чикарадиган корхоналар тармоғын кенгайтирилмокда, янгилари курилмокда.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари тизими шакллантирилди ва жағал ривожлантирилмокда.

4. Бозор инфратузилмаси вужудға келди. Тадбиркорларга ва ахолига ранг-баранг иқтисодий, молиявий, ахборот-реклама, ҳуқуқий ва илгари ўзимизда бўлмаган бошқа хизмат турлари кўрсатилмокда. Бу тармоқ ҳам кенгайиб, ўсиб, шакл ва мазмунини бойитмокда.

5. Ўзбекистоннинг географик үрни, геополитик хусусиятлари транспорт ва коммуникация масалаларига жиддий ёзтибор қаратишини талаб этмоқда.

Ижтимоий соҳада. Жамият ҳаётининг барча жабжабарларидан туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор мұносабатлари устувор булиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиши тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири булиб қолаверади. Бу эса миллий истиқлолғояснинг ижтимоий соҳадаги тамойилларини белгилайди, уларнинг амалга ошишига хизмат қиласи.

Кучли ижтимоий сиёсат деганда, халқ тұғрисида – ҳар бир ижтимоий гурух, қатлам, табақа, ҳар бир фуқаро, ёшу кекса, әркагу аёл – барча-барча юртдошларимиз тұғрисида ғамхұрлик қилиш, ислоҳотларни, иқтисодий тадбирларни халқ манфаатларини күзлаган ҳолда үтказиш, халқ таълими, соғлиқни саклаш, маданият, илм-фан соҳалариға әзтиборни сүсайтираслик тушунилади. Президент Ислом Каримовнинг ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, халқ учун, унинг турмуш фаровонлиги үсиши, муносиб ҳаёт кечириши учун, деган хулосаси кучли ижтимоий сиёсат үтказишнинг маъно-мазмунини ташкил этади. Бу – давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлық моҳиятидан келиб чиқади.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида ижтимоий йўналтирилган кучли сиёсатни давом эттиришга қаратилган қўйидаги тадбирлар үтказилади.

Биринчидан, халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришини таъминлаши, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари – болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмини янада такомиллаштириши.

Иккинчидан, халқимиз учун муқаддас қўргон ва маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириши соҳасида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш.

Оила ҳар қандай жамиятнинг ҳам асосини ташкил этади. У қанча мустаҳкам, фаровон ва илфор бўлса, жамият шунчалик барқарор ва тараққийпарвар бўлади. Жамиятда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, туб ўзгаришлар агар улар оила асосларини ҳам мустаҳкамласа, такомиллаштиrsa ёки жилла қурса, унга салбий таъсир кўрсатмаса муваффақиятга эришади.

Учинчидан, фуқаролариниң ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини янада самарали кафолатловчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириши.

Тұртингидан, келажаги буюк давлатни соглом мағкурали, маңнавий барқамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги шиларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида күчайтириб бориши ва умумхалқ ҳаракатига айлантириши.

Жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад – келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, ислоҳотларнинг такдири охир-окибатда бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжалларига, замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевосита боғлик.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва таңқидий фикрловчи, айни пайтда ижтимоий масъулиятни тўғри хис этадиган, муайян хунар-касбни эгаллаган барқамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг таркибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш бўйича қилинаётган ташкилий ишлар, соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш борасидаги барча ишлар Ватанимизнинг келажакда жаҳон майдонида мустаҳкам ва нуфузли ўринни эгаллашидан, биз, бугунги ва келгуси авлод вакиллари ота-боболаримиздан мерос мана шу муборак заминда келажаги буюк давлат, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга қодир эканимиздан далолат беради.

Маңнавий соҳада. Маңнавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориши, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий гоя ва истиқлол мағкураси тамойилларини ҳалқимизнинг қалби ва онгига сингдириши, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталашиши, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишиларга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир. Ушбу вазифалар миллий истиқлол ғоясининг маңнавий соҳада намоён бўлишининг асосий тамойилларини белгилайди.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, маңнавий қадриятларни тўғри баҳолай олишини, сохта қадриятлардан

ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган қадриятлардан ҳақиқий ҳаётбахш қадриятни ажрата олишни ўрганиш лозим. Бирор бир қадриятга баҳо берилар экан, унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ва ахлоқий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланishiغا хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Мазкур тамойиллар миллий формизнинг таркибий унсурлари-дир. Зоро, миллий истиклол foяси бутун жамият, бутун миллат, бутун ўзбекистонликлар учун хизмат қиласди. Миллий қадриятларимизни баҳолаганда, уларнинг миллий foяга нечоғлик мос эканини назарда тутамиз. Лекин биз баҳолаш жараёнида факат алоҳида бир инсон, муайян ижтимоий груп, бирор бир этнос, манфаатни эмас, балки умуминсоний жамиятимиз, барча ўзбекистонликлар манфаатини назарда тутамиз. Шу боис, юқорида зикр этилган мезон ва тамойилдан фойдаланиб, маданий меросимизни ва бугун айрим ёт мағкуравий полигонлар томонидан тарғиб этилаётган бальзи foяларни таҳлил этсак, уларда инсоннинг эркин ривожига, ўз орзу-интилишларига мос ҳолда яшшига, халқимизнинг психологияси, мақсад-муддаолари, Ватан манфаатлари ва замонавий тараққиёт талабларига мос келмайдиган унсурларни, foяларни яхши пайқаб оламиз.

Янги жамиятни барпо этишда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

Биринчидан, юртдошларимизни маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш. Уларнинг куч ва салоҳиятини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний багрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш.

Бу – маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик foялари асосида ривожлаштириш демакдир.

Иккинчидан, турли қараши ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйгунлаштирувчи foялар – Ватан равнағи, юрт

тинчлиги, халқ фаровонлиги – барча юртдошларимиз учун му-
қаддас маңсадға айланышыга әришии. Бу – күннегерінде жаңы
плюрализм тамойилларига аманда риоя қылған ҳолда миһлий
хамжихатлыкни янада мұстаҳкамлаш демекadir.

Учинчидан, ота-боболаримиз динининг гуманистик мөхиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириши. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, мухтасар айтганда, Оллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошлиларимиз онгига сингиб борсин.

Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг – Оллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Түргинчидан, Кадрлар тайёrlаши миlлий дастуруни амалга ошириши борасидаги ишларни изчил давом эттириши, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил та-ким ми1лаштириб бориш.

Бу – давлатимиз кудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлик эканини чуқур англаган ҳолда фаолият юритиш демакдир.

Бешинчидан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиши, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришига кўмаклашиш.

Бу – күп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, улар-нинг миллий ва диний мансублигидан қатъий назар, ҳамжи-хатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, «Шу азиз Ватан – барчамизники» фоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

У мамлакатимиз халқарини, миллатидан, динидан, тилидан қатый назар, Ватан равнаки йүлида, янги жамият барпо этиш йүлида бирлаштирадиган миллий консолидацияни кучайтирадиган құдраттаға әга омилдир.

«Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз» деган саволга, юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шундай жа-воб бериш мүмкін:

1. Биз барпо этаётган жамиятнинг модций-иктисодий негизини кўпмулкчиликка таянган, ижтимоий йўналтирилган, ички мувозанатга эришган бозор муносабатлари ташкил этади.

2. У, сиёсий тузумига кўра, кўп партияйликка, фикрлар хилма-хиллигига таянган, қонуннинг ҳамма учун бир хилда экани ва устуворлиги таъминланган демократик, ҳукукий давлат бўлади.

3. Ижтимоий муносабатлар характеристига, давлат ва ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсирига кўра, фуқаролик жамияти қурилади. Унда барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллатлар ва әлатлар ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланади.

4. Маънавий хусусиятларига кўра, бу жамият ўзида миллийликни умуминсонийлик билан уйғунлаштирган, барча илфор янгиликларга, ютукларга очиқ, миллий маҳдудлик, миллатчилик ёки миллий номукаммаллик туйғуларидан холи, эркин фикрловчи ва ижтимоий масъул фуқароларнинг эркин жамияти бўлади.

5. Демак, биз бозор иктисодиётiga, қонун устуворлигига, ижтимоий ҳамкорликка, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг уйғунлигига асосланган демократик, янгиликларга очиқ, маърифатли фуқаровий жамият барпо этмокдамиз.

Тараққиётнинг ўзбек модели. Миллий истиклол ғоясининг ҳастбахшилиги тараққиётнинг ўзбек моделинни амалга оширишда якъол намоён бўлади. Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ер, құдратли иктисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъододли ҳалқ яшайди.

Ўзбекистон – ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл жаҳонда ўзбек модели деб тан олиниган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни иикилобий тарзда эмас, балки эволюцион – тадрижий равишда ислоҳ этишини назарда тутади.

Ўзбек моделининг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигига амалга оширилаётган тараққиёт йўлининг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан, у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий хulosалар ва мўлжаллар билан давлатининг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади (давлат сиёсати деганда, ҳокимиятнинг ҳар учала бўғини фаолияти назарда тутилмоқда).

Моделнинг амалий томони ҳам бир неча йўналишларга эга:

— ислоҳотларнинг хуқуқий базасини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат;

— давлатнинг назарий хulosаларни, мўлжалларни амалга ошириш юзасидан ташкилотчилик ишлари ва аниқ ижро механизмини ўзида акс эттирган фармонлар, карорлар, мақсадли дастурларни (шу жумладан инвестиция дастурларини) қабул қилиши;

— амалдаги инвестиция сиёсати, солиқ сиёсати, молия-кредит сиёсати, иқтисодий-таркибий сиёсат, фонд бозорини, қимматли қофозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, истеъмол бозорига таъсир кўрсатиш ва ҳоказо;

— фармонлар ва ҳукumat қарорлари моҳиятини одамларга түғри етказиш, уларни бирлаштириш, уларда эски тузум инерциясини енгишга қодир иродани шакллантириш борасида тарбибий-ташвикий ва тарбиявий ишларни йўлга кўйиш.

Хўш, ўзбек моделининг асосий устувор хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон мустақилликка эришгач, нафакат иқтисодий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий қадриятларини, халқнинг ўзли-

ги ва фуурини қайта тиклаши, ривожлантириши, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгилаши ва мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам ҳал этиши лозим эди.

Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Франция, Хитой каби мамлакатларнинг тараққиёт моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эди. Улар сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тубдан янгилашни назарда тутган эмас. Ушбу мамлакатларнинг бирортасида, иқтисодий ислоҳотлар даврида, миллий давлатчиликни, маданий меросни ва она тилини тиклаш сингари масалалар ҳам долзарб бўлмаган (факат Жанубий Кореяда давлат қурилиши муҳим аҳамият касб этган).

Шундай қилиб, ўзбек модели иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга, давлат қурилиши, жамиятни демократиялаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан, ўрта синфни шакллантириш, ижтимоий-синфий тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлари сингари бир қатор кенг қамровли ҳаёт соҳаларини қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан биридир.

Истиқолонинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигига ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, ҳалқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа жамиятни ислоҳ этишининг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди:

Биринчи тамойил иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислоҳотлар хеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага буйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим.

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги ўзбек моделининг тамойилили сифатида нафақат мам-

лакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатиниг мазмунимохиятини акс эттиради, балки юртимиз иқтисодий ҳётигининг янгиликларга, илфор тажрибалар ва оқилона ташаббусларга очиқлигини ҳам кўрсатади.

Мазкур тамойил иқтисодий ривожланишда маънавиятининг аҳамияти нечоғлиқ муҳим эканини, унинг нозик кирраларини очиб беради.

Иккинчи тамойил. Давлат – бош ислоҳотчи. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгилаши ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Ислом Каримов ўзбек моделининг мазкур тамойилини илмий асослар экан, қуидагиларни таъкидлайди: «Ўтиш даврида давлат ҳалқ хўжалигининг, айниқса, унинг асосини, тизимиши белгилайдиган тармокларнинг фаолиятини қўллаб-куватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, шунингдек, бевосита ёрдам беришда имтиёзлар яратиши, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармокларга мадад бериши лозим»¹.

Бу сўзлар давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги вазифаси нимадан иборат эканини асослаб беради ва айни пайтда турли ижтимоий групкаларнинг, подавлат ва жамоатчилик ташкилотларининг, алоҳида шахсларнинг ислоҳотчилик ташабbusлари ва фаолиятлари чекланмаслигини, аксинча, давлат уларга ёрдам беришини билдиради.

Учинчи тамойил. Жамият ҳётигининг барча соҳаларида конуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат килиши ва уларга официал риоя этиши лозим.

Биринчидан, мазкур тамойил турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқий асосда ривожланишини таъминлайди. Мулкчилик шакллари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, ракобат қатъий ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартиб-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.

га солинади. Иқтисодиётни бошқаришда ўзбошимчалик ва субъективизмга, турли иқтисодий зўравонликларга йўл қўймаслик учун зарур ҳукуқий шарт-шароит вужудга келади. Иккинчидаи, демократия ривожланади, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошади. Фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-бараанглиги ривожи, мафкуравий плюрализм қарор топиши учун ҳукуқий кафолат пайдо бўлади. Инсон ҳукуклари таъминланади. Ноқонуний имтиёзларга ёки аксинча, камси-тилишларга чек қўйлади. Учинчидан, алоҳида шахснинг, барча ижтимоий груҳ ва қатламларнинг маиғаатлари тўлиқроқ ҳисобга олинади ва уларнинг яратувчилик имкониятлари, ижодий салоҳияти самаралироқ рӯёбга чиқади. Жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб боради. Фуқаролик жамияти шаклланади. Демак, қонуннинг устуворлиги тамойили, кенг маънода, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгиланишига, инсон шахснинг юксалишига хизмат қиласди.

Ўзбек моделининг мазкур тамойили ўзидан аввалги тамойил билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, давлат бош ислоҳотчи сифатида ижтимоий барқарорлик, қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботининг асосий кафили бўлади.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса кам таъмишланган оиласаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмлари ва йўналишлари кўп. Улар ижтимоий таъминот, янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни саклаш, ҳалқ таълими, маданият, спорт ва жисмоний тарбия соҳалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва ислоҳ қилишдан тортиб, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳукуқ-тартиботни таъминлашгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши ва аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ўзбек моделининг

инсонпарварлик мөхиятини белгиловчи тамойиллардан бири-дир.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларниң талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, боскичма-боскич ўтиш. Бу иш ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий химоялаш ва унинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш билан бирга олиб борилиши лозим. «Факат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узок тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишнигина эмас, шу билан бирга, қадриятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, ҳўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутади»¹.

Ўзбекистонда айнан шундай йўл тутилди. Бундай сиёsat юритиш нафақат маблағлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда, шунингдек, одамларнинг сафарбарлигини оширмоқда, ижтимоий ларзаларнинг олдини олмоқда, мулчилик шаклларини боскичма-боскич ривожлантироқда.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда. Тараққиётнинг ўзбек модели ҳалқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айни вактда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илфор ютукларига асослангани туфайли ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хуллас, миллий истиқлол ғояси мамлакатимизда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели билан узвий боғликдир. Мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнида бу ғоя ҳалқимизни пировард мақсадлар йўлида

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. 1-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил, 315-бет.

уюштирувчи омил, ижтимоий фаолиятнинг маънавий мезони сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Такрорлаши учун саволлар

1. Ўзбекистонда курилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари нималарда намоён бўлади?
2. Тараккиётнинг ўзбек модели билан мафкуравий жараёнларнинг алоқасини қандай тушунасиз?
3. Мафкуравий тарбиянинг янги жамиятга керакли кайси жиҳатларни эътиборга олиш зарур?

Реферат саволлари

1. Ўзбекистонда курилаётган жамиятнинг тамойиллари ва хусусиятлари.
2. Янги жамиятни вужудга келтиришда мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш вазифалари.
3. Тараккиётнинг ўзбек моделини қандай тушунасиз?

7-мавзу: МУСТАҚИЛЛИК ВА МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР: ФОЯВИЙ БЎШЛИҚ ВА ЗАРАРЛИ ФОЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗГА ТАЪСИРИ

Бугунги ҳаёт мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, баҳтимиз, истиқболимиз, эртанги фаровон ҳаётимиз билан боғлиқ масалаларни босқичма-босқич ҳал қилишни тақазо этмоқда. Мустақиллик жараёни эса бундай вазифаларни муттасил ҳал қилишни, фоявий тарбия ишларини доимий олиб боришни, ўсибуниб келаётган ёш авлод мафкуравий иммунитетини узлуксиз шакллантириб туришни заруратга айлантиради. Бу эса ўз навбатида бунёдкор фояларга содик ва соғлом мафкурали комил инсонларни вояга етказиш учун шароит яратади.

Ватанимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, ижтимоий сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, ҳалқимиз табиати ва дунёкарашига ёт бўлган мустабидлик мафкураси барҳам топди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўз умрини ўтаб бўлган эски мафкура ўрнида янги ижтимоий муносабатларни, ҳалқнинг асл мақсад-муддаоларини ифода

этувчи илфор ва бунёдкор мафкура шакллаимас экан, жамиятда фоявий вакуум-бўшлиқ юзага келади. Бундай бўшлиқ илфор, жамият тараққиёти учун зарур фоялар билан тўлдирилмаса, уни халқ ҳаёти учун ёт ва бегона бўлган мафкуравий таъсирлар эгаллаб олиши мумкин.

Буни жуда яхши англаган юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишига катта эътибор берди. Шу боис эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги —миллий истиқтол фояси тушуича ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа заарли фоявий тажовузларнинг олдини олишга киришилди.

Лекин, ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқараш осонликча шаклланавермайди. Айниқса, бу ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, соддадил, ишонувчани, йўр ёшлар тарбиясида яққол кузга ташланади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли йўналишдаги мафкуравий таҳдидлар айрим одамларнинг қалбини эгаллаб, ўз миллий қадриятларимиз ҳамда умумбашарий цивилизация ютукларидан маҳрум этиш, юртимиз аҳолиси тафаккурини бўйсундиришга ҳаракат қилгани эди.

Ана шундай бало-қазолардан ҳимояланиш учун тажовузкор фояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тулиқ акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур эди. Зеро, ҳар қандай жамият ўз ривожланиш йўли, ўзига ҳос фоявий асос ва мафкуравий тамойилларига эга булиши лозим. Айниқса, бу ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда халқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, пировард мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш, ўюнтириш, жипслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ишоятда зарур.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоёт ва сиёсатида бўлгани каби, фоявий-мафкуравий

соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиши зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган гоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги фоя, қараш, муносабат, мафкураини ишлаб чиқиши талаб этади.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлагани каби: «Узининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳакида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий фоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мукаррар»¹ ўз

Мустабидлик мафкурасининг таназзули. Фоявий, мафкуравий бўшлиқ бир кунда ва бирданига пайдо бўлмайди. Бунда муайян жараёнлар рўй бериши лозим. Яъни эски фоя ва мафкура таназзулга юз тутиши, умрини ўтаб бўлиши ўтмишга айланади. Масалан, собиқ иттифоқ мафкураси ана шундай ҳолга тушган эди. Унинг асосий фоялари собиқ шўролар ҳокимияти раҳбарлигига зўрлик билан амалга оширилди. Натижада бу мафкура якка ҳукмон бўлиб қолган эди. У XX асрнинг 80-йилларида таназзулга юз тутди. 1991йилда собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши билан узил-кесил инкиrozга учради. Бунинг сабаблари нималардан иборат эди?

Биринчидан, у ўзини инсоният тафаккури эришган энг юксак чўққи, мутлак ҳакиқат ифодаси деб ҳисоблаб, бошқа мафкураларни тан олмас, улар бизнинг душманимиз, деган ақида асосида муросасизларча иш тутар эди.

Иккинчидан, бу мафкура зўравонликка асосланган бўлиб, «мажбур қиласиз» қабилида иш тутар, унинг фоялари ҳамма жойда, ҳамма вақт ҳеч истисно ва тўхтовсиз тарғиб қилинар, ҳалқнинг эркин яшаси ва фикр юритишига йўл қўйилмас эди. Кимки бу тартибга (аслида тартибсизлик ва ваҳшийлик-

¹ Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 5—6-бетлар.

ка) қарши чиқса, шафқатсиз жазоланар, бутун давлат механизми ана шу жазони турли шаклларда амалга оширишга қартилган эди.

Учинчидан, бу мафкура номигагина ижтимоий гурухлар мафкураси эди. Аслида собиқ Иттифоқ даврида зиёлилар, дәхқонлар, хизматчилар, қолаверса, «йулбошли синф» бўлган ишчиларнинг орасида ҳам бу мафкурадан порози бўлғанлар бор эди. Лекин метин мафкуравий девор ортидан уларнинг овози чиқмас эди.

Тўртинчидан, бу мафкура ҳеч кимга виждон эркинлиги, ўз фикрини очиқ баён этиш, жумладан, хориж фуқаролари билан холисона мулокотда бўлишга ҳам йўл қўймас эди. Бордиду кимдир шунга журъат этса, «халқ душмани», «буржуазия малайи»га айланар эди.

Бешинчидан, у миллийликдан бутунлай холи эди. Унда мавҳум байналмилаллик зўр бериб қўйланарди. Кимки миллий қадриятлар тўғрисида гап очса, дарҳол «миллатчи»га чиқариб қўйиларди. Миллий тафаккурга эга бўлган шахс, мутахассис, зиёли, олим ва бошқалар «қолок», «шубҳали киши» ҳисобланарди.

Олтинчидан, унда миллий тарих, хусусан, Ўзбекистон тарихи, унинг ўтмиш мероси мутлақо тан олинмас эди. Нари борса, улар кўпинча умумий тарзда қайд этиларди, холос.

Еттинчидан, халқларнинг динига, диний меросига, диний қадриятларига нисбатаи мутлақо потўғри муносабат үрнатилган эди. Жумладан, халқимизнинг улуғ сиймолари И мом Бухорий, И мом Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий, И мом Мотуридий, Сўфи Оллоёр каби алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш, улардан фойдаланиш тақиқланган эди.

Буларнинг барчаси большевистик-коммунистик мафкуранинг таракқиёт талабларига мутлақо зид эканини яққол намоён этди. Шу боис у янги замонавий талабларга дош беролмай, ўз давлати билан бирга тарихга айланди.

Собиқ мустабид тузум ўрнида янги мустақил давлатлар шаклланди. Ҳукмрон мафкура барҳам топгач, унинг ҳудудида

мълум муддат **фоявий-мафкуравий бўшлиқ** (вакуум) холати вужудга келди.

Хуш, аслида **фоявий бўшлиқ нима?** Фоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, таракқиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илфор **фоявий тизимнинг** ҳали шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ушбу худудга ўз таъсир доирасини ўtkазишга уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ **Ўзбекистон** худудида ҳам намоён бўлди. Унинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат эди:

Биринчидан, ҳукмрои, яккаҳоким большевистик – коммунистик мафкура батамом ташазулга юз тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

Иккинчидан, **Ўзбекистон** мустақил давлат сифатида қарор топган бўлса-да, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган эди. Тўғри, мустақиллик мафкураси **фоялари** мамлакатимиз фуқароларининг мълум қисми онги, дунёқарашида ўз ўрнига эга бўлса-да, Президентимиз Ислом Каримов асарларида исботланган бўлса-да, аммо у ҳали тўла ҳолда барчанинг мустақил дунёқарашига, мустаҳкам эътиқодига айлана олмаган эди.

Учинчидан, **фоявий бўшлиқ** пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар хуружи бошланади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланниб улгурмаган пайтда ташки мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканинни ҳамма ҳам фарқлай ололмайди. **Ўзбекистондаги** мафкура майдонига бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт **фояларнинг** ҳужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Тўртинчидан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшетган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин худудлардаги бекарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг худудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинояткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё

минтақасини мағкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эди.

Бу жиной гурухлар ўзларининг ёвуз мақсадларини турли исломий, мағкуравий тоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилдилар. Ана шу сохта тояларни тарқатиб, ёшларни йўлдан оздиришга интилдилар. Айниқса 80-йилларнинг иккинчи ярмидан дин ниқобидаги заарли, ҳалқимизнинг иймон-эътиқодига тўғри келмайдиган қарашларни, ваҳҳобийлик, ҳизбут-таҳрир каби ҳаракатларнинг таъсирини ёйишга киришдилар. Бу ҳаракатлар 90-йилларнинг бошига келиб янада кучайди. Мамлакатимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигига «ваҳҳобийлик», «ҳизбут-таҳрир», «акромийлик», «адолат уюшмаси», «ислом лашкарлари», «тавба» каби турли заарли тояларга асосланган кучлар ва ҳаракатлар таҳдид сола бошлади.

Масалан, ваҳҳобийлик тояларини қисқа таҳлил қиласайлик. Мамлакатимиздаги тоявий майдонига ўришиб олишга ҳаракат қилган ваҳҳобийлик диний ниқобидаги заарли оқим бўлиб, унга XVII асрнинг 40-йилларида Арабистон ярим оролида Мұхаммад иби Абдул-Ваҳҳоб (1703—1792 йилларда яшаган) томонидан асос солинган. Бу таълимот IX асрда вужудга келган ҳанбалийлик мазҳабининг асосчиси Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний (780—855 йилларда яшаган) таълимотининг айрим тажовузкор жиҳатларини, XIV асрдаги суриялик илоҳиётчи Т.О. Таймийянинг баъзи қарашларини ўз фаолияти учун асос қилиб олган.

Ваҳҳобийлик ислом тояларига сиёсий тус бериб, дин номидан иш юритиб, гўёки исломни пайғамбар давридаги «асл ҳолатига қайтариш», яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломният яшил байроби остида бирлаштириш каби тояларни илгари суради.

Ваҳҳобийлик мустақилликнинг илк йилларидағи тоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланишга интилди. Шунинг учун баъзи кишиларни араб мамлакатларида саёҳатда, хизмат сафарида, ўқишида бўлган вақтларида ўз таъсирига туширишга ҳаракат қилди. Шундан сўнг, дастлаб жойлардаги масжидларнинг имом-хатиблиги учун, кейинроқ эса мамлакат диний

идорасининг нуфузли лавозимлари учун курашди, ислом сиёсий партиясини тузишга ҳаракат қилди. Аста-секин Узбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, минтақамизда халифаликни тиклаш режасини амалга оширмоқчи бўлдилар. Улар ўтган йилларда қонли жиноятлар, тартибсизликлар содир этдилар.

Хизбут-тахрир ҳам собиқ мафкура таназзулга юз тута бошлаган даврлардан бошлаб, ғоявий бўшлиқ шароитида муайян кишилар онги, дунёқарашига таъсир ўтказа бошлади. Унга ислом сиёсий партияси сифатида 1950—1953 йилларда Ливанда Тақийюддин Набҳоний асос солган. Ҳозирги вақтда бу ҳаракатга Абдулқадим Заллум деган киши раҳнамолик қилмоқда. Жами 30 дан зиёд ислом мамлакатида норасмий фаялият юритаётган бу партияning асосий мақсади – халифаликни тиклаш, бугунги дунёвий давлатчилик асосларини ўйқулиш, демократия принципларини рад этиш, қонун устуворлиги ўрнига шариат ақидаларини жорий этиш, сайлов тизимини инкор қилишдан иборат.

Хизбут-тахрир ҳам 90-йилларнинг бошларида Узбекистонда гўё ғоявий бўшлиқни тўлдириш учун ҳаракат бошлади. Мақсад – бизнинг минтақамизда ўзининг сиёсий, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан узоқни кўзловчи мақсадларига эришиш, таъсир доирасини кенгайтириш, одамларнинг қалби ва онгини забт этиш эди. Хизбут-тахрирчилар ғоявий бўшлиқ шароитида аҳолининг маълум қисми, аввало, ҳали дунёқараши тўлашакланмаган, содда ёшларга ислом дини, унинг ибодат амаллари, Куръони Каримни ўргатиш, турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. Улар одатда 3—4 кун исломни ўргатиб, кейин асл мақсадга ўтади. Хизбут-тахрирчилар «Ислом низоми», «Исломда иқтисодиёт низоми», «Хизбий уюшма», «Хизбут-тахрир тушунчалари», «Исломий давлат», «Исломий шахсият», «Хизбут-тахрирнинг сиёсий қарашлари», «Дастур муқаддимаси», «Халифалик», «Халифалик қандай тутатилди?», «Уқубатлар низоми», «Тафкир», «Зийраклик суръати», «Исломий фикр», «Демократия – куфр ни-

зоми», «Халифалик давлатида мол-мулклар», «Сабр», «Иzzат ва шараф сари» каби ўкув дастурлари, китоб ва рисолалари, «Ал-Ваъй», «Онг» журнали, кўплаб варакалари орқали халифачилик фоясини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилади.

Хизбут-тахрирчилар кўпроқ диний таълим олган ёшларни ўз йўлига оғдиришга ҳаракат қилди. Кейин эса уларнинг сафини ёшларнинг бошқа гурухларига мансуб вакиллари билан тўлдиришга интилди. Ниҳоят, вакти келиб, уларни исломий билимларгагина эмас, террорчилик ҳаракатлари учун ҳам тайёрлай бошлади. Бундай заарали фоя, мафкура ва қарашлар билан куролланган ёшлар Афғонистон ва Покистон ҳудудида, қўшни давлатларнинг баъзи туманларида дунёвий давлатнинг ашаддий душмани сифатида тайёрланди. Уларнинг кучи билан турли кўпорувчилик ишлари, жанг-жадаллар режалаштирилди. Натижада 1999 йил 16 февралидаги портлашлар, 2000 йилда эса Бўстонлик, Сариосиё, Узуннинг тоғли ҳудудларидағи қуролли хуружлар содир этилди. Бундай ёвуз ҳаракатлар ён қўшнимиз Афғонистон ҳудудидан паноҳ топган вайронкор кучлар, бошқа узоқ-яқин мамлакатлардаги экстремистик гурухлар, Усама Бен Ладенга ўхшаган ашаддий террорчиларнинг молиявий ва фоявий қўллаб-қувватлаши ҳамда раҳнамолиги остида амалга оширилди.

Улар ўз ниятларини амалга оширишда «дўстлик», «диндошлик», «миллатдошлиқ» тушунчаларини ҳам ишга солади. Керак бўлганда моддий ёрдам ҳам кўрсатади. Масжидлар куриб бериб, исломий адабиётлар билан таъминлаб, ўзларини ҳақиқий диндор, ҳақиқий мусулмон қилиб кўрсатишга интилади. Аммо разил ниятларини барибир ошкор этадилар, турли кўпорувчилик, тезкор ишларига сабаб бўладилар. Ваҳҳобийлик, хизбут-тахрир каби заарали оқимлар мустақилликнинг дастлабки йилларида содир бўлган фоявий бўшлиқдан устамонлик билан фойдаланишга интилган бўлса-да, лекин барибир мақсадларига эриша олмади.

Хўш, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида айрим юртдошларимиз нима учун заарали фоя ва ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолди?

Бу ҳолатнинг моҳияти Президент Ислом Каримов асарларида тўла-тўқис очиб берилган. Бу асарлардан масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур ва атрофлича ўрганиш зарур.

Биринчидан, собиқ мустабиқ мафкура барбод бўлганидан кейинги дастлабки йилларда миллий ғоя, истиклол мафкураси тўлиқ шаклланиб, одамларнинг қалби ва онгига сингиб улгурмаган эди. Натижада эътиқоди буш, содда ва ишонувчан одамлар билиб-бilmай нотўғри йўлларга тушиб қолдилар.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистон эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида бир қатор табиий қийинчиликларга дуч келди. Инсоният тарихидан маълумки, ўтиш жараёнида қийинчиликлар бўлиши қонунийдир. Жумладан, иктиносидай соҳада ҳам қийинчиликлар бўлиши муқаррар. Бундай пайтда сабр-қаноатга ўрганмаган, енгил йўл билан яшашга кўнинккан айrim кишилар маълум қийинчиликларга дуч келгач, ўз турмуш тарзини янгилаш учун осон йўл ахтаради. Улар аксарият холларда адашиб, нотўғри йўлларга кириб қолади. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига енгил йўл билан бойишни хоҳловчилар ҳам шундай гуруҳларга қўшилиб қолиши мумкин.

Учинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ҳаммасини ҳам сердаромад иш билан таъминлаш имкони йўқ. Улар дипломи, маълумоти бўлса ҳам, бальзан кўнгилдагидек ишни топа олмайди ёки кам иш хақи олиб ишлашни хоҳламайди. Бунинг натижасида яна осон йўл ахтариб нотўғри, ёмон, салбий ҳаралтларга қўшилиб кетиши ҳам мумкин.

Тўртинчидан, заарали ва ёт мафкура вакиллари халқимиз, айникса, фарзандларимизнинг кўнгли очиқ, соддадил, ишонувчан, диний қадриятларга интилиш туйғусидан усталик билан фойдаланмоқда. Бундай шароитда айrim соддадил одамлар «мана энди даҳрийликдан кутулдик», деган хаёллар билан динининг асл моҳияти билан диний никобдаги экстремизмни ажратада олмай қолди. Шу билан бирга, ислом таълимоти ва амалларини яхши билмаган айримлар ота-боболаримизнинг муқаддас динини ўрганамиз деб, ваҳҳобийлик, хизбут-таҳрир каби турли зарарли ғоя ва оқимлар таъсирига тушиб қолдилар.

Бешинчидан, собиқ тузум даврида кўплаб ташкилотлар зурлик орқали мажбурий бўлсада, мунтазам тарғибот-ташвиқот олиб борар эди. Лекин мустақиллик даврида уларнинг ўрни муайян даражада бўшаб қолди ва бу вазифани дастлаб ҳеч қайси ташкилот бажармади. Кейинчалик ташкил этилган «Маъниавият ва маърифат» маркази ва бошқалар эса етарли даражада самарали фаолият юритолмади. Натижада ҳар бир фуқарода имкони борича ўз дунёқарашини ўзи мустақил шакллантириш ҳолати рўй берди. Бунга қодир бўлмаган айримлар заарли ғоялар таъсирига берила бошлади. Айниқса, ёшларни уюштириш, истиқлол ғоялари йўлида фидойи этиб тарбиялаши лозим бўлган «Камолот» жамғармаси фаолияти ҳам истиқлол талабларига жавоб бермас эди. Натижада кўплаб ёшлар истиқлол ғояларига асосланган тарбиявий жараёнлардан четда қолиб кетди.

Шунингдек, давлат ва подавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли иш олиб бормагани, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолгани, жамият рухияти ва тафаккурида рўй берадиган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, одамларга мафкуравий жиҳатдан тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Хуллас, умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиши натижасида ғоявий бўшлиқ вужудга келар экан, турли мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг қўйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: «Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий»¹.

Ғоявий, мафкуравий таҳдид кучайган жойда аҳоли кеңг катламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар кучайиб боради. Айниқса, дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган, катта молиявий ва мафку-

¹ «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июн.

равий таъсир кучига эга бўлган баъзи фоявий марказлар ана шундай вазиятдан фойдаланиб, ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш йўлида кечаю кундуз харакат қилмоқда.

Халқаро террорчи ва экстремистларнинг нияти аниқ. Улар истиклол йўлидан бораётган Ўзбекистондаги фоявий бўшликни ўз фоялари билан тўлдириб, мамлакатимиз худудидаги бекиёс бойликларга эгалик қилиш, халқимизни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсундиришни, энг ёмони, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсир доирасига олишини орзу қилмоқда.

Мана шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни алоҳида қўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар қўйидагилардан иборат:

- ислом халифалигини тиклаб, унинг байроги остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- ёш мустақил давлатларни қайтадан собиқ Иттифоқка бирлаштириш гояси;
- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳитини соҳталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар;
- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

1. Ислом халифалигини тиклашга уринишлар хавфли кўриниш олмоқда. Масалан, ҳизбут-тахрирга тегишли қайси бир адабиётни олиб қарамайлик, унда халифаликни тиклашга даъват қилинади. Ислом тарихидан маътумки, халифаликка Мұҳаммад пайғамбар вафотидан кейин чориёрлар Абу Бакр ас-Сиддик (632—634), Умар ибн Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644—656), Али ибн Абу Толиб (656—661) биринкетин раҳбарлик қилган. Бу даврда халифа диннинг ҳам, давлатнинг ҳам бошлиғи, раҳнамоси хисобланган. Кейинчалик подшолик булиб, раҳбарлик 661—749 йилларда маккалик зодагонлардан Муовия бин Абу Суфён сулоласи қулига ўтган ва уммавийлар сулоласи номини олган. 749 йили тожу тахт Му-

ҳаммад пайғамбарнинг амакилари авлодларидан бўлган Абдул Аббос ас-Сафоқ сулоласи қўлига ўтган. Уларниң давлати аббосийлар номи билан машхур бўлиб, 1238 йилгача, мўғуллар забт этгунча давом этган. Айни пайтда XII—XIII асрларда Миср ва Марокашда фотимийлар сулоласи ҳам ўз давлатини жорий қилган. XVI асрдан эътиборан усмонли турклар ҳам халифалик эълон қилганлар ва у 1924 йилнинг учинчи марта гача ҳукм сурган. Туркия республика деб эълон қилиниши билан халифалик ҳокимиятига чек қўйилган ва сўнгти халифа Абдумажид 1924 йил 4 марта нинг тонг отарида Истамбулдан Швейцарияга чиқариб юборилган. XX асрда ислом дунёси ва бошқа мамлакатлар ҳам ўзлари танлаган тараққиёт йўлидан ривожланиб келмокда. Ўтган йиллар тарихий тажрибаси халифаликсиз ҳам эркин ривожланиш мумкин эканини кўрсатди. Халифалик тарих сахифаларида қолиб кетди.

2. Бугунги кунда собик Иттифок республикаларининг айримларида эски тузумни қайтадан тиклашни хоҳловчилар, буни ўзлари учун foявий мақсад қилиб олган кучлар ҳам мавжуд. Собик Шўро тузуми 1991 йилги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан сўнг барҳам топди. Ҳолбуки, ўтмишга қайтиш, тарихни тескари айлантириш мумкин бўлмаганидек, ўз йўлини топиб олган, мустақил давлатлар, айниқса, Ўзбекистон ва ўзбек ҳалқи яна эски ҳолатга қайтишга асло рози бўлмайди. Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида собик тузум тўғрисида тўхталиб, шундай деган эди: «Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни холисона айтадиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очик айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бир ёклама иқтисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиқсан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакатга айланган эди». Эидиликда Ўзбекистон бу борада ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олган, у ҳеч қачон ўзи танлаган мустақиллик йўлидан қайтмайди.

¹ Ислом Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.

3. Ўзбекистон халқи жуда катта маънавий меросга эга. Лекин собик мафкура таъсирида узок йиллар тарихимиз бир томонлама ёритиб келинди. «Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади... заарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас»¹. Ана шуни яхши биладиган турли кучлар бизни тарихимиздан жудо қилиш, уни зўр бериб сохталашибди. Бу борада турли йўллардан фойдаланишга, айниқса ёшларимизни йўлдан оғдиришга ҳаракат қиладилар.

4. Мамлакатимиз халқининг қалби ва онгига ёт мафкуруни сингдирис учун душманларимиз бир қарашда беозор, гүё сиёсатдан холи туюладиган мафкуравий воситаларга катта эътибор бермокда. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган енгил-елпи ёки жангирилик фильмлари бунга мисол бўлади. Маълумки, бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар томоша килади. Сир эмас, анчагина одамлар табиатида, хулқ-авторида мана шундай тўполонларга мойиллик бўлади. Президентимиз шуни ҳисобга олган ҳолда таъкидлагани каби: «Шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқиличик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбагирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўронса тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидение мизда ҳам шундай фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда»².

¹ Ислом Каримов «Миллый истиклол мафкураси – ҳатқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Тошкент «Ўзбекистон», 2000 йил, 11-бет.

² Ислом Каримов. «Эгали юрт эркини бермас», «Халқ сўзи», 2000 йил 31 август.

5. Мамлакатимизга таҳдид солаётган мафкуравий воситалардан яна бири узок давом этадиган мінтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чикаришга уриниш бўлиб, буни айрим мамлакатлар худудида фаолият кўрсатаётган бъзвиғоявий-мафкуравий марказлар ўзларига мақсад қилиб олган. Улар муайян мамлакат ҳудудидан бошқа мамлакатга қарши гиёхванд моддалар, таъқиқланган адабиётлар, турли қуроляроғ каби нарсаларни ноконуний тарзда олиб ўтишга уринмокда. Уларнинг маълум бир кучлари Афғонистон ҳудудида туриб, Марказий Осиё давлатларига – Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудига, бу ерда яшаётган ҳалклар ҳаётига қарши тажовузкорона ҳаракатлар қилишга, бегуноҳ инсонлар қонини тўкишга интилмокда. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «бундай ўтакетган хунрезлик, муттаҳамликни ўзига касб қилиб олган бизнинг умумий душманларимизга муқаддас заминимизда асло урин бўлмаслиги керак».

Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этишга, пировард натижада, юртимизни қарам қилиб олишга қаратилган тажовузкорликнинг мафкуравий шаклда намоён бўлишидир.

Ҳалқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асрар, жамиятимиз аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун, аввало, уларни миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан қуроллантириш зарур эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда эски мафкура асоратларига, қуруқ сафсатабозликка, ҳалқимиз манфаатларига зид бўлган собиқ сиёсий ва мафкуравий тузилмаларга барҳам берилди. Ижтимоий адолат, ҳавфсизлик, ижтимоий муҳофаза, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, қонунинг устуворлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Шўролар мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бугунги таъбир билан айтганда, бокимандачилик тушунчасини сингдириб кетган эди. Бундай кайфият одамнинг ташаббу-

сига йўл бермас эди. Чунки инсон ўз меҳнат маҳсулидан манфаатдор бўлмаса, унда ҳалол ишлаш, масъулият туйғуси йўқолади. Бундай иллатдан эса миллый истиқлол мафкураси воситасида ҳалос булиш мумкин. Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш гояси асосида миллый истиқлол мафкураси ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз ҳудудини ёт мафкуралар полигонига айланнишига йўл қўймай, Ўзбекистон ҳалқининг онги, дунёкараши, ҳаётга ижтимоий муносабати, хатти-харакатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллый истиқлол мафкурасини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, бугунги кундаги муҳим вазифадир. «Бунинг йўли – одамларимиз, аввалимбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида узлигини учутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»¹.

Мафкуравий курашлар кучайган бугунги кунда ёшлар қалбida она-Ватанимизга, бой тарихимизга, миллый қадриятларимизга, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга, ота-боболаримиздан мерос муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зоро, юртбошимиз айтганларидек, бирор бир қасалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгига заарли гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантира олсак, турли хил «даъватчи»ларнинг алдовларига учмайдиган, ўз юрти, Ватани ва ҳалқи учун фидойи инсонларни тарбиялай оламиз.

Хуллас, миллый истиқлол гоясини меҳнаткашлар онгига сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш

¹ Ислом Каримов. «Миллый истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», Тошкент, «Ўзбекистон». 2000 йил, 11-бет.

замон амри, давр талаби. Бу бир зумда, бирпасда амалга ошириладиган жараён эмас. Бунда ҳар бир кишининг фаоллиги, омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширилиши эса Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини янада оширади, келажаги буюк давлат барпо этилишини таъминлайди, одамларимизнинг эътиқодини мустаҳкамлайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фоявий бүшлик нима дегани?
2. Заарали ғоялар таъсири кандай шаклда рўй беради?
3. Мафкуравий иммунитет қайси йўллар билан ҳосил қилинади?
4. Янги мафкурани яратиш зарурати деганда нималар кўзда тутилади?

Реферат мавзулари

1. Фоявий бүшлик тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш хусусиятлари.
2. Бегона ва заарали ғояларнинг жамиятимизга таъсири.
3. Фоявий бүшликни бартараф этиш зарурати.
4. Янги мафкура ва миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёни.

Бешинчи қисм

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ

8-мавзу: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИННИГ МОҲИЯТИ

Миллий истиқлол фояси халқимизнинг юксак маънавияти, ашъана ва удумларига таянади, адолат, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйгуларини акс эттиради. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг таърифига кўра, у «халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суюнч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган акл—заковат, иймон —эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёkdir».¹

Миллий истиқлол фояси халқнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғладиди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласди. Унинг моҳияти – мақсади асрлар мобайнида интилиб келинганди ва ана шу узоқ йиллик кураш орқали Эришилган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлашдир. У Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи керак. Унинг сафарбарлик кучи мамлакатниг ҳар бир фуқароси қалбida Ватаинг-Ўзбекистонимизга муҳаббат, мустақиллик фоясига садоқат руҳида тинмай меҳнат қилишда намоён бўлади.

Миллий истиқлол фояси ўз номи билан халқ ва унинг мустақиллиги ифодасидир. Бутун инсоният тарихида муайян

¹ Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 6-бет.

миллатга хос мақсадларни ифодалашига хизмат қилувчи фоя, унинг асосий тушунчалари ва тамойилларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этган. Ўз Ватанининг маънавий ва икти-содий салоҳиятини кундан-кунга юксалтириб боришда фаол иштирок этаётган барча кишиларнинг фаолияти шу вазифани бажаришга қаратилган.

Ана шу маънода миллий истиқлол фояси дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг умуммиллий мақсадини белгилаб беради ва уни рӯёбга чиқаришга чорлади. У мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистон-ягона Ватан» деган тушунчани шакллантиради ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Миллий истиқлол фоясининг маънавий тамойиллари, фалсафий негизлари халқнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари билан, яъни тарихий илдизлари билан уйғунлашиб кетган. Фуқаролар тафаккури ва қалбида мустақилликка садоқат, келаҷак ва мустақиллик ҳақида қайгуриш, ўзлигини, халқ, Ватан қадри-қийматини тўғри англаш ва уни ҳимоя қилиш— миллий истиқлол фоясининг моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди.

Миллий истиқлол фояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва әлат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Шу маънода, «Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бiri билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширишига хизмат қиласдиган гоялар тизимиdir»

Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватанининг ҳаётий манфаатларини юракдан хис этган ҳолда, уларни рӯёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилишимиз, курашишимиз зарур. Бу жараён халқимиз манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган

миллий тояни англаш билан боғлик ҳолда кечади. Ватан манфаатлари ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғлангандир. Зоро, Ватаннинг ободлиги ҳалқнинг фаровонлиги билан боғлик. Фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, миллий истиқлол тояси-нинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-кимматини ҳар томонлама юксалтириш, ҳалқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун ҳалқимиз, юртимиз фуқаролари-нинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини— мағзини ташкил этади.

Истиқлол мафкураси – ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидағи бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамdir.

Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида қўйидаги умуминсоний тамойиллар ётади:

Миллий истиқлол мафкураси:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриялар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у конунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

– ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва үдумлари, улуг бобоқалонларимизнинг улмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

– адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик гоялари ҳамда ҳалқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс этириади. Биламизки, бу улуғ тоялар истиқлол сари интилган ҳар бир ҳалқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

– юрт тинчлиги, ватан равнағи ва ҳалқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аник мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

– жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, Эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

– миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйгусини қарор топтиради. Бу қоида Ватанинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қиласи;

– жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол тоясишининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари куйидагиларда намоён бўлади:

– мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

– қонунинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;

– миллий ва умумисоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

– ҳалқаро ҳуқук қоидаларига мос келиши;

– давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилиши.

Эътибор берсак, кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга амал қилиб келинаётганига амин бўламиз. Бу ўз навбатида, тинчлик-тотувлик ва барқарор тараққиётимиз асоси бўлиб хизмат қиласи. Истиқлол мафкураси ҳалқимизнинг ўзига хос табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуй-

идаги миллий хусусиятларни замон талаблари асосида яна-да бойитишни назарда турады:

- ҳалқымиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаи руҳининг устуңлиги. Бу маҳаллачилик, ҳашар, маросимлар ўтка-зии, тўй-томушаларда яққол кўринади;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушун-чаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага – ҳурмат ва кичикка – иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт агадийли-гининг рамзи – аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Истиқлол мағкураси қўйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳам-жиҳат яши;
- диний бағрикенглик;
- ўзга ҳалқларнинг илгор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Шу ўринда ҳар қандай ижобий ғоянинг ўзаги бўлган ватан-парварлик туйғуси ҳақида тўхталайлик. Бу ҳар бир ҳалқнинг қалбида яшайдиган, жумладан, бизнинг ҳалқимиз учун ҳам энг азиз ва муқаддас бўлган туйгудир. Бу ҳақда қадимги битикларда шундай бир ривоят келтирилади.

Қадимги хоқонлардан бирининг юртига қўшни подшодан элчи келибди. У шундай дебди: «Шоҳимизнинг амри шулки, агар хоқон ўзининг энг севимли тулпорини бизга инъом қиласа, юрtingизга уруш эълон қиласиз». Элчининг бу гапла-рини вазир хоқонга етказибди. Хоқон, майли юртимининг тиғчилиги учун севимли тулпоримдан воз кечада қолай, деб тулпор-

ни бериб юборинглар, дея буйруқ қилиди. Шу тариқа юртнинг тинчлиги ва осойишталиги бир оз вакт сақланиб қолибди. Бирмуича вактдан сўнг ўша подшодан яна элчи келибди ва бу сафар хоқоннинг севимли канизагини талаб қилиди. Хоқон юрт тинчлиги йўлида канизагини ҳам хадя қилиб юборибди. Учинчи сафар яна элчи келибди. Унинг муддаосини вазир хоқонга шуңдай баён қилиди: «Шоҳим, юртимизнинг қаровсиз бурчагида озгина тошлоқ жой бор эди, бу сафар қўшини подшо ўша ерни беришимизни талаб қилмокда. Келинг, шу ташландиқ жойни бериб юборайлик, шу билан ҳалқимизнинг тинчлигини яна саклаб қоламиз». Бу гапни эшиган хоқон: «Йўқ!» – дебди кескин. «Энди уруш қилмасак бўлмайди. Тулпор ва канизак шахсан менга тегишли эди, шу сабабли уларни осонгина бериб юбордим. Аммо Ватанимиз сарҳадларининг ҳар бир қаричида шу чоққача ўтган ота-боболаримизнинг, биз билан ҳозир бирга яшаётган ватандошларимизнинг ва келгусида туғилажак фарзандларимиз, невара-чевараларимизнинг ҳаққи бор. Уларнинг ҳаққини ўзгага бериб юборишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини саклаб қолиш учун энди урушга боришимизга тўғри келади. Ҳалқни сафарбарликка отлантир!». Кўриниб турибдики, бу ривоятда Ватан тупроғининг ҳар бир қаричини эъзозлаш фалсафасининг илдизи мужассамдир.

Фоя сафарбар этувчи улуғвор фикр бўлса, мафкура эса мана шуңдай улуғвор foяларни бир бутун яхлит куч қилиб бирлаштирувчи, уюштирувчи, ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи тизимдир. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримов асаларида батафсил ёритилган бўлиб, уларда айни пайтда жамият таракқиётининг бош йўналишини кўрсатувчи миллий истиқлол мафкураси тушунишсининг маъно-мазмуни ҳам очиб берилган: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди»¹.

¹ Каримов И. Буюк келажатимилиниг ҳуқуқий кафолати (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишиланган тантанали йигилишида сўзланган нутқ, 1993 йил 7 декабрь). Т., «Ўзбекистон», 1994 й. 2-жилд, 109-б.

Миллий истиқтол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, максад ва идеалларини ифода этади. «*Миллий истиқтол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласди, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди*».

Манфаатлар нималардан иборат? Улар, аввало, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг сакланиши, чегараларимизнинг бутунлиги ва дахлсизлиги. Буни юртимизнинг фазо ва вактдаги яхлитлигини таъминловчи манфаат деб аташ мумкин. Иккинчидан, юртнинг тинчлиги ва осойиштаги, яъни давлатимизнинг ҳарбий, иқтисодий (энергетик), экологик, информацион ва ғоявий таҳдидлардан муҳофазаланганлиги. Бу юртнинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим омиллардандир. Учинчидан, мамлакатда фуқароларро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш. Бу жамиятнинг ижтимоий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган манфаатdir. Тўртничидан, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровоилигини таъминлаш, яъни бадавлатлилик манфаати. Бу манфаат фуқароларнинг жамиятда миллий даромадга эгалик қилиш, уни қўпайтиришдаги имкониятлари орқали рӯёбга чиқади. Бешинчидан, жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойиллари амал қилишининг таъминланishi. Бу манфаат инсон ҳаётининг ҳукукий жиҳатдан кафолатланишини ифодалайди.

Бундай манфаатлар барча халқ ва ҳамма давлатлар учун бирдай хосдир. Бу манфаатларнинг таъминланиши, энг аввалио, ҳар қандай давлат мустақиллигининг асосий гарови бўлиб, шундагина халқ ўз келажагига ўзи эгалик қила олади. Бу манфаатлар муайян жамият фуқароларининг ҳамжиҳат меҳнати ва интилишлари туфайли таъминланади.

Мафкура – миллий ўзликни англатувчи қуч. Миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обруи, кадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайгура олмайди, миллий фурур ва ифтихор туйғусини тула ҳис эта олмайди. Ўзликни англаш – халқни үйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, уюш-

тирувчи куч. Шарқ ва Фарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусининг уйғониши, пировард натижада, уларнинг юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар билан ижобий мусобақага киришувига турткы бўлган.

Шу мъянода, бизда ҳам «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган туйғу юксак даражада шаклланмоқда. Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, хилма-хил эътиқод ва дунё-қарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ, юртбoshimiz Ислом Каримов таъкидлаганидек, бошқа жойдан кўчуб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин Шарқ ва Фарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва Буюк келажакнинг тулашган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўхна ўчокларидан биридир. Бу тупрокда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги Юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккурнинг бешигидир», деб бекорга таърифламаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизация ўзига хос тафаккур услубига таянади. Бундай тафаккур услуги кўп ўлчовли (яъни бир вактнинг ўзида бир масаланинг кўп жиҳатларини камрай олиш), толерант (яъни турлича нуқтаи назарлар ва мафкураларнинг бир-бирига даҳл этмасдан яшай олиши, ўзгача қарашларга нисбатан тоқатлилик ва бағрикенглик) ва очик тизимга эга бўлгани (яъни турлича фикрларга, нуқтаи назарларга чегара қўймаслик, ўзгача қарашларнинг кириб келишига тўсқинлик кильмаслик, янгича қарашларга нисбатаң тоқатлилик) сабабли юртимизда турлича қарашлар ва турлича диний эътиқодлар ёнма-ён яшай олган. Бунга бизнинг заминимизда узоқ вақт ҳам оташ-парастлик, ҳам буддавийлик, ҳам яхудийлик, ҳам христианлик, ҳам ислом динлари бўлганини мисол келтириш мумкин.

Бу заминда бир ибодатхона ичida туриб турли дин вакиллари ўзаро мунозаралар олиб борган, лекин бир-бирининг илсоний шаънига тил теккизмаган. Бундай мунозараларда турли дин ва мазҳаб вакиллари бир-биридан ҳайрли одатларни ўрга-

ниб олишган ҳамда ўз динларига тадбик этишган. Шу тариқа турли динларнинг моҳиятидаги энг илфор инсоний анъана ва одатлар ҳалқимиз қалбидан жой олган. Шу сабабли ҳам саҳоватли заминимизда яшаб ўтган буюк мугафакирларнинг фалсафий қарашларида инсоний ғоялар устуворлик килган ва уларнинг таълимотларида воқелик кенг кўламда, теран ва мукаммал ифодаланган. Бу донишмандларнинг фалсафий ғояларида синкетик (яъни турлича ғояларнинг бир бутуниликда жамлашуви) ва синергетик (ўз-ўзини такомиллаштирувчи, кенг, кўп ўлчовли ва очиқ системали) тафаккур услубининг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Бунинг замирида ҳалқимизнинг турмуш тарзida бир томондан турғун (хунармандчилик, боғдорчилик ва дехқончилик), иккинчи томондан эса кўчманчи (чорвачилик) касбларининг азалдан уйғуналашиб келганилиги ётади.

Юқорида айтилганлар тарихий жиҳатдан ўзликни англашга мисол бўлса, даврлар ўзгариши билан бу тушунча янгича маъно-мазмун касб этиб, янгича кўринишларда намоён бўлади. Масалан, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ахлокий, хукукий ўзликни англаш унинг турли шаклларицир. Бундан ташқари, муайян мамлакатнинг муайян ишлаб чиқариш ёки фан соҳасидаги етакчи куч сифатида ўзлигини англаш ҳоллари ҳам учраб туради. Мисол учун Япония XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда электроника соҳасидаги етакчи (лидер) сифатида ўзлигини англади ва бу сифатини саклаб қолиш учун барча чораларни кўриб келмоқда. Бугунги кунда биз учун Ўзбекистон истиқлонини асрраб-авайлаш, уни саклаб қолиш, Ватан равнаки, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлигига асосланадиган миллий ғояга асосланган ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда зарур. «Миллий ғоя – деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, – биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек оли-жаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»¹.

¹ Каримов И. Жамиятнимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат килишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон», 1998. 15-б.

«Миллий истиқлол мағкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гурухлар мағкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодисадир. Бу мағкурада бирон-бир дүнёқарааш мутлақлаштирилмайды ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайды». Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласди, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гуруҳ ва қатламларнинг юқорида қайд этилган умумий манфаатларини ифодалайди.

Мағкурамиз том маънодаги миллий мағкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

– инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва түйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш, яъни бу мағкура ҳар бир фуқароининг эзгу ниятларини рӯёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни курсата олиши;

– миллат, ҳалқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши, яъни у том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиши, Ўзбекистонда яшовчи барча ҳалқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллукли бўлиши;

– ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга карши жавоб бера олиши, яъни иккюзламачиликдан ҳоли ва жамоатчиликнинг объектив фикрига таянувчи мағкура бўлиши;

– замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши, яъни янгича вазиятга тез мослаша оладиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиши.

Миллий истиқлол ғояси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони сифатида, ҳалқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўтайди. Ҳалқнинг ўзлигини англаши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқдир. Шу туфайли ҳалқ ўзининг ўтмишидан сабоқ чиқарди, қай мақсад сари, қандай йўлдан бориш лозимлигини аниклайди ва шу асосда ўз истиқболини белгилайди.

Миллий истиқлол мафкураси юқорида қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жамият ҳаётида етакчи кўйидаги муҳим мафкуравий вазифаларни бажара олади. Улар:

– мустақил дунёқараши ва эркин тафаккурни шакллантириши.

Ҳар бир инсоннинг оламга, жамиятга нисбатан ўз муносабати, қараси, назар ташлаш мезонлари бўлади. Шу маънода, ҳар бир шахс, жумладан ёшлиаримизнинг ҳам ўз мустақил дунёқарашига, ўз фикрига, ўз нуктаи назарига эга бўлиши ниҳоятда муҳим. «Янги мафкуранинг асл маъноси – деб ёзади Ислом Каримов, – эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир»¹. Бусиз жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бир қолипга солинган тоталитар тузум дунёқараши тазиикидан қутулдик. Аммо «тафаккур инерцияси» деган тушунча ҳам борки, у туфайли биз ўрганиб қолган, эскича дунёқарашдан батамом ҳалос бўла олмаяпмиз. Миллий истиқлол мафкураси ўзининг ҳаётий ғоялари билан одамларимиз онгидаги ана шу мафкуравий кишанлардан қутилишга ёрдам беради. Президентимиз таъкидлаганидек: «Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз соҳта мафкуранинг яккаҳоқимлигидан қутилдик. Маънавиятни, мафкурани зугумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига шончли ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди»². Бу шунинг учун зарурки, мустақил фикр юритувчи инсонгина ижобий нарсаларни бунёд қилишга, зарур моддий ва маънавий бойликлар яратишга, ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга қодир бўлади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 1995 йил. З-жилд. 284-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиссий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоилилари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги матбуза. 1995 йил, 23 февраль. З-жилд. 34—35-б.

Дунёқарашининг мустақиллиги, яъни «мустақил дунёқараши» тушунчасидан ташқари миллий истиқлол мафкурасининг моҳият-мазмунига кирувчи «мустақиллик дунёқараши» деган тушунчаси ҳам бор. Унинг мазмунини И.Каримов қўйидагича асослаган: «*Бу тушунча аввало:*

- *Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайгуриш;*
- *ўзининг ва ўз халқининг, Ватанинг қадру қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш;*
- *юксак гоялар, янги фикрий қашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъододи, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига баҳшида этишидир*¹. Бундай дунёқараашга умумий тарзда таъриф берадиган бўлсак, мустақиллик дунёқараши, бу – дунёни миллий мустақиллигимиз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда англаш, деган хулосага келамиз. Мустақиллик дунёқарашининг марказида *Ўзбекистон* диёри ва халқимизнинг барча соҳаларга оид манфаатлари ётади. Бундай дунёқараашга эга бўлган одам ўз нуқтаи назари ва ўз ҳаётий тамойилларига таянган ҳолда жамият тараққиётiga мустақил равишда муносиб ҳиссасини қўша олади.

Бу вазифани амалга ошириш, унинг мантикий давоми бўлган иккингчи мафкуравий вазифа билан чамбарчас боғлиқ. Унинг мазмунни шуңай: *ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш.*

«Агарки, – деб ёзди И.Каримов, – мафкура, маърифат, одамларимизнинг дунёқараши, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу ўлда ўзини аямаётган, тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит тугдирив, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бориши бизнинг вазифамиздир². Бу вазифанинг бажарилиши жамиятда ижобий тарбия мухитини такомиллаштиришга хизмат қиласи;

¹ Ўша жой.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил, 23 февраль.

– одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қила-дигаи маънавий муҳит яратиш ниҳоятда мухим.

Бунинг учун ҳар бир фуқаро қалбидаги ватанпарварлик түйғусининг шаклланишига шароит яратадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш лозим бўлади. Бу муҳит эса Ватан, юрт такдири учун қуонадиган инсонларни тарбиялайди. Бошқача айтганда, соғлом маънавий муҳит соғлом тафаккур ва соғлом маънавият замирида шаклланади. Бундай маънавият бўлмаган жойда ижтимоий муносабатлар носоғлом йўналишга бурилиб кетади. Халқимизнинг асл табиатида соғлом маънавият устуворлик қиласди. Шу сабабли халқнинг ўзлигини англаши соғлом маънавий муҳитнинг такомиллашувига имконият очади. Мамлакатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришга жиҳдий эътибор бергани бежиз эмас. Президентимиз «шу мўътабар заминда тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидағи, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидағи бурчини адo этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам – барчамизга бирдай тегишилдир. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак»¹ – дея таъкидлаган эди;

– ватандошлиларимиз тафаккурида ўзлигини англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни аср-авайлаш, ватанпарварлик түйгусини камол топтириши.

Миллий истиклол мағкураси бажарадиган бу муҳим вазифа ўзликни англаш түйгусининг ижтимоий даражага кутарилишини англатади. Бунга эса халқнинг ўчмас тарихий хотираси мустаҳкам замини бўлиб хизмат қиласди.

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг хукукий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантаналий йигилишда сузланган нутк. 1993 йил 7 декабрь. 2-жилд. 110-б.

Халқимизнинг асрлар мобайнида асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган қадриятлари эса ҳаёт синовларидан ўтгани, кишилар қалбидан чуқур жой олгани боис барчамизга бирдай азиз бўлиб қолган. Уларни саклаб қолиш, замона талаблари асосида ривожлантириш, янада такомиллаштириш, келгуси авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки, ўзликни англаш, тарихий хотирага садокат, миллий қадриятларга ҳурмат, уларни ҳимоя қилишга тайёр туриш – буларнинг барчаси кишида ватанпарварлик туйғусини тарбиялайди;

– халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш.

Бундай олижаноб инсоний фазилат аслида халқимизнинг қоница бор. Фақат тарихимизнинг муайян давларида, ёт ҳукмрон мағкуралар тазики остида улар тўла намоён бўла олмаган. Шунинг учун ҳам биз иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, хайр-саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби шарқона фазилатларни, улардаги инсон учун ибрат бўладиган жиҳатларни эъзозлашимиз, ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришимиз, уларни тарғиб этишимиз лозим. Бизнинг халқимизга хос меҳмондўстлик, уй-рўзгор юритиш маданияти, оиласидаги, кариндошлар, дўсту биродарлар ўртасидаги самимий муносабатлар шу каби одат-удумларнинг ибратли жиҳатлари кўп. Бу қадриятларни ардоклаб, авлодларга етказиш керак, албатта. Лекин бу барча урф-одатларимиз ҳам бирдек ибратли дегани эмас. Айниқса, баъзи фуқароларимиз миллий қадриятларимизга зид бўлган манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш, исрофгарчилик, ортиқча дабдабабозлик, юзаки хушомадгўйлик каби қусурлари билан яхши анъаналаримизга ҳам доғ туширадилар. Шунингдек, ортиқча уятачалик, журъатсизлик, ўз фикрида тура олмаслик ҳам инсон учун жиддий камчиликдир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳар нарса ўз меъёрида бўлгани яхши. Меъёридан ошмаган удумлар ҳамма учун фойдали бўлиб, ўзида миллатнинг қалбини, қиёфасини, ички дунёсини акс эттиради;

— мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбидан «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириши ва ривожлантириши.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Унда юздан зиёд миллат ва элат фарзандлари истиқомат қилади. Ватанимизнинг ютуғи ҳам, равнақи ҳам шу юртда яшовчи фуқароларнинг барчасига бирдек тааллуклидир. Шу боис, ҳар бир фуқаро қалбидан ўз юртига эгалик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Юртимизда яшайдиган ҳар бир одам қалбидаги мамлакатимиз ютуқларидан гуурланиш, миллати, динидан қатъи назар, биз учун «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган табиий тушунча пайдо бўлиши жуда муҳим. Шундагина барча фуқаролар қалбидан Ватан истиқболини бунёд этиш учун фаол ишлаш, ватанпарварлик, эл-юрт учун фидойилик, мардлик ва жасорат туйғулари янада кучайиб боради. «Юртимизнинг ютуғи, бойликлари менини, камчиликларни эса бошқалар туғриласин» — деб ўйловчи фуқаролар миллий истиқлол мафкураси тояларига, Ватан тақдирига бегона, эл-юрти корига ярамайдиган кимсалардир.

Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий илдизлари — халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимларидағи озодлик, эркинлик учун кураши руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик ўйлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишилари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён булади. У асрлар мобайнида ийллар синовига дош берив, сайқалланиб, тақомиллашиб келган. Бу тафаккурнинг марказида Яратганинг энг улуғ мўъжизаси бўлмиш инсоннинг улуғлиги ва мўътабарлиги тояси ётади. Бинобарин, у қадрланиши, эъзозланиши лозим. Чунки, мамлакатнинг ҳаёти, фарновонлиги, ани шу меҳнаткаш инсонларнинг меҳнатига, фаолиятига боғлиқ. Шу туфайли ҳам Шарқда комил инсон тояси қадимдан буюк орзу бўлиб, донишманларимиз ҳаёлини банд этиб келган. Бу тамойил халқимиз руҳини, дахосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узий боғлиқдир. Хусусан, буюк аждодимиз, соҳибқори Амир

Темурниң соғлом маънавият маҳсули бўлган «Куч – адолат-дадир» деган шиори миллий ғоянинг таркибий қисмига айланниб кетган, мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, айниқса уни одиллик билан бошқаришда маънавий-мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган. Шу боис Темур салтанатида илм-маърифат юксак қадрланган, инсоннинг шаъни, ор-номуси эъзозланган, инсон ва унинг мол-мулки давлат муҳофазасига олинган, қароқчилик, ўғриликка кескин барҳам берилган эди. Соҳибқирон бобомизнинг: «Менинг салтанатимнинг у четидан бу четига, бошида олтин тўлдирилган лаганини ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса дахл эта олмайди», деган сўзлари ҳаётий ҳақиқат эди.

Ёки аёлларнинг оғир жисмоний ишлардан озод қилинганига эътибор беринг. Айтайлик, ёрдамчиси йўқ бирон аёл сув оладиган чеҳакни дарвоза ташқарисига чиқариб қўйса, шу жойдан ўтган мўмин-мусулмонлар чеҳакни олиб, унга сув тўлдириб, шу жойга қўйиб кетишар эди. Дўконларга савдо гарлар умуман қулф осишмасди. Буларнинг ҳаммаси ўша замонда ҳаёт иймон ва эътиқод, инсоф ва диёнат талаблари билан бошқарилганини, одамлар ана шу юксак туйғулар билан яшаганини кўрсатади. Мўмин-мусулмонлар шундай турмуш тарзига одатланишган, ўрганишган эди. Улар ўзлари оч қолишиша ҳам ўзганинг мулкига қўл теккизмасди. Бу халқнинг менталитетига сингиб кетган эди.

Тоталитар тузум шароитида эса инсон сунъий равишида мулқдан бегоналаштирилди. Одамлар онгига, мулқ эгаларига нафрат туйғуси мажбуран сингдирилди. Бу ўзгалар мулкига кўз олайтириш, ҳатто тажовуз қилиш учун йўл очди. Одамлар бирорнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, ўғирлик ва талончиликдан жирканмайдиган ҳолатга келиб қолди. Жамиятда маънавий қашшоқлик муҳити пайдо бўлди. Шу сабабли ҳам тарихий хотирани уйғотиш асосида ўзликни англаш бугунги кундаги муҳим мафкуравий вазифадир. Демак, миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири – бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих – буюк мураббий. У инсонга ибрат-

ли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундаиди. Тарихга берилган холис баҳо мафкуранинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигига асос бўлади.

Халқимизнинг ўзига хос шарқона турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатини ифода этувчи халқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиш», «Шашмақом» каби дурдона асарлар, асрий идеалларни ўзида ифода этган миллий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти ҳам миллий мафкурамиз озиқланадиган манбалардандир. Халқимизнинг эртак ва масалларида, ривоят ва афсоналарида эзгулик, адолат, тенглик, инсоний меҳр-муҳаббат тараннум этилган. Уларда Ватанинг муқаддаслиги, инсоннинг азизлиги, илмнинг қадрлилиги тарғиб этилган, ҳамиша ёмонлик устидан яхшилик, ёвузлик устидан эзгулик ғолиб чикиши ва ёвуз кучларга қарши курашда ҳалоллик, ҳакгўйлик, одамгарчилик, тагтилик, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлар маънавий-рухий таянч булиши асослаб берилгаи. «Алпомиш»да инсон шаъни, йигитлик орияти ҳимоя қилинса, «Шашмақом»да халқнинг асрий орзу-умишлари юксак бадиий дид билан куйга солинган. Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимизнинг Ватан тақдири учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, она-Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ҳар биримизда чексиз фаҳр ва гуур ҳиссини уйғотади.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий мафкурамизнинг тарихий илдизлари деганда аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, мустаҳкам иймон-эътиқоди фуқароларимиз учун намуна бўлиши, хато, камчилик, нуқсонлардан эса тўғри хулоса ва сабоқлар чикариш учун асос бўлиши тушунилади.

Мафкурамизнинг фалсафий негизларини. аввало, ижтимоий тафаккурининг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, диний, афсонавий қарашлар, дунё фалсафаси дурдоналари белгилайди. Қадимги юнон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқда ўтган гоявий устозларини, «Авесто»дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафаккур бешиги» деб таъриф берган эди.

«Авесто»да ифодаланган фалсафий тамойиллар ва миллий тоялар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказади.

Буюк донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги тоялари, бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ўнлик саноқ системасини бутун инсоният учун энг қулай бўлган ҳисоблаш тизимига айлантирган, инсониятга «Алгебра» фанини ҳадя этган, алгоритмик кетма-кетлик услуби ҳақидаги илк тояни кашф қиласган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари, табиатшуносликка оид бир қатор фанларни кашф этиб, том маънода Шарқ натурфалсафасининг отаси бўлган Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантиқ, мусиқашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга оид илк фалсафий системани ишлаб чиқсан Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрии бор. Нафакат медицина фанининг асосчиларидан, балки мантиқ илмида ҳам мутафаккирлардан бири бўлган рационализм ва иррационализмни синтез қилиш асосида инсон рухиятини нигилистик инқиrozдан асрраб қолган, XX аср фарб файласуфлари, экзистенциалистлари томонидан фарбий Европани маънавий тушкунликдан кутқарилишида асос бўлган ана шу фоя асосчиси – Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти ҳам бунда ўз ўрнига эга. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Дониш ҳамда асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти ҳам миллий фоя ва истиқлол мафкурасининг теран томирларидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий фоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан белгилаб берган Президентимиз

Ислом Каримов асарларида чуқур ифода этилган. Бу асарларда мамлакатнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси умуминсониятнинг бой тарихий ўтмишига, шунингдек, қадимги Шарқ, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади. Хусусан Сүкрут, Платон, Аристотель сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва ҳозирги замон намояндадарининг қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳайтий рух багиашлашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Платоннинг «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган ғоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Миллий истиқлол ғоясининг асослари, тамойил ва йўналишларини яхши билиб олиш учун юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг асарлари, миллий ва умуминсоний маданий мерос намуналарини чуқур ўрганиш бу борадаги асосий вазифа бўлиб қолмокда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фоя deganda нимани тушунасиз?
2. Миллий ғоянинг моҳияти нимадан иборат?
3. Миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини қандай тушунтирасиз?
4. Миллий ғоянинг ўзликни англатувчи кучи нимада кўринади?
5. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари нималардан иборат?

Реферат мавзулари

1. Миллий истиқлол ғояси ва униг мазмун-моҳияти.
2. Миллий мафкуранинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари.
3. Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий-тарихий илдизлари.

9-Мавзу: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Миллий истиқлол гояси одамларни эзгу гояларга ишонтириши, уларни уюштириш, олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-рухий жиҳатдан улкан аҳамият касб этади. Чунки ҳалқнинг руҳи, кайфияти, хиссий кечинималари ва фолият кўрсатишга шайлиги унинг харакат дастури бўлган умум-миллий гояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларини ўзаро тотув, дўст ва инок бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғуналаштиришга чорлайди.

Бундай мустаҳкам эътиқодга эга бўлган ва комил ишонч асосида ўз хаёт йўлини аниқ белгилаб олган инсон ёт ва зарарли гоялар таъсирига асло берилмайди, ўткинчи қийинчиликларга бардош беради. Унда гоявий ирода мустаҳкам булади. Шу маънода, миллий истиқлол гояси ҳам ҳалқимизнинг янги жамият қуриш борасидаги харакат дастури десак, мубоблаға бўлмайди.

Миллий истиқлол гоясининг мақсад ва вазифалари умумисоний қадриятлар устуворлиги тамойилига тўла-тўкис мос келади. Улар мамлакатимизнинг жаҳондаги илфор давлатлар тажрибаси асосида мафкуравий жараёнларда фикрлар хилманилиги ва қарашлар раиг-баранглиги (плюрализм), демократик эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини сақлашга доир ҳалқаро андозаларга ҳамоҳанглиги билан ҳам катта аҳамиятга эга. Шу маънода миллий истиқлол гоясининг мақсад ва вазифалари умумбашарий тамойиллар, минтақавий жараёнлар ва миллий манфаатлар ўргасидаги ўзаро алоқадорликни ўзида акс эттиради, шу билан бирга, ҳалқимизнинг ирода-интилишларини намоён этувчи самарали тизимга айланади.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараси, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй берди. Ҳалқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини

ўзида ифодалайдиган миллий гоя ва мафкурани яратши ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, гоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт фояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тураладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»¹.

Мафкуранинг мақсадлари бўлиши табиий. Чунки, ҳар қандай мафкура ўз олдига муайян мақсадларни қўяди. Бу мақсадлар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усулларини белгилайди. *Мафкуранинг асосий мақсадлари қўйидалардан иборат:*

- одамларни муаяян гояга ишонтириш;
- шу гоя атрофида уюштириш;
- гояни амалга ошириш учун сафарбар этиши;
- кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рагбатлантириш;
- гоявий тарбиялаш;
- гоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури булиш.

Қўйида миллий истиқбол гояси нуқтаи назаридан мафкуранинг ана шу хусусиятларининг моҳияти ва мазмуни билан қисқача танишамиз.

1. Одамларни муаяян гояга ишонтириш. Мафкура гоялар системаси сифатида бирон бир гояни тарғиб этиш, кишиларни шу гоянинг тўғри, ҳаётий ва илфор эканлигига ишонтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Демократик жамиятда амал қиласидаган плюрализм (фикрлар, карашлар ранг-баранглиги) кишиларга ўз ҳаётий манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган илфор гояни ташлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш имконини беради.

¹ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й. З-бет.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланишини таҳлил қилиш жамиятда бирон бир ғоянинг тўғри, илмий ва ҳётийлигига ишонч ҳосил қилиш ўз-ўзидан рўй бермаслигини кўрсатади. Мафкурага ишонч уйғотиш, унда акс этган ғоялар таъсирида одамларни сафарбар этиш функцияси муайян шахсларпинг фаолияти орқали рўёбга чиқади. Чунки, ишонтироқ – кишиларнинг руҳи, кайфияти, хиссий кечинмалари, қалби ва шуурига таъсир қилмоқдир. Бу вазифани амалга оширувчи кишилардан юксак инсоний фазилатлар, шу ғоя йўлида фидойилик, билим, малака, путқ маҳорати ва бошқалар талаб этилади.

Кенг ҳалқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканлигига ишонтироқ учун, аввало, мазкур ғоя ҳалқ ҳётига яқин, бевосита даҳлдор бўлиши, иккинчидан, уни одамлар оғигига етказишининг энг қулай восита ва усулларини аниклаб олиш керак бўлади.

Инсоният тарихида чукур из қолдирган буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар кенг оммани ишонтириш, юксак маралар сари рағбатлантириш қобилиятига эга бўлган моҳир хотиқ бўлганлар. Улар ғоянинг ишончли ва ҳётий бўлиши учун у, аввало, илмий-назарий асосга эга бўлиши, ҳётий далилларга таяниши лозим эканлигини яхши билганлар. Мафкуравий кураш— жамиятнинг онгли ва фаол қатламишининг бирон бир ғояни химоя қилиш, қарор топтириш йўлидаги кураши эканини англаб етганлар. Ана шундай кишилар етакчилик қиласидан инсонпарвар ва демократик жамият ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашади. Бу кураш охир-оқибатда эзгуликнинг разолат устидан, яхшиликнинг ёмонлик устидан қозонажак ғалабаси билан интиҳо топади

Мустақиллик ғоясининг ўзаги бўлган – танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри, адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиласидан ҳар бир инсоннинг ҳётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш, кишиларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

Мафкуравий тарғибот ишларининг муваффакиятини белгилайдиган шундай ҳаётий қонуният бор: бошқаларни бирояга ишонтирмок учун, аввало, унга ўзинг юракдан ишонишинг, бошқаларни ёндириш мөркөн учун ўзинг ёнишинг, бошқаларни фафлат уйқусидан уйғотмок учун ўзинг уйғоқ ва бедор булишинг шарт! Миллий ғоянинг халқпарвар, тараққийпарвар эканлигига бўлган ишонч кундалик ҳаёт синовларидан ўтсагина, сўз ва иш бирлигига эришилсагина, бу ғоя мустахкам эътиқодга айланади. Эътиқод устувор ерда чинакам инсоний ҳаёт бўлади; эътиқод учун, илғор ғоя тантанаси учун кураш жараёнида инсон шахси шаклланади; у бунёдкор кучга айланади.

2. Ғоя асосида кишиларни уюштириш. Жамият факат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган одамлар йифиндисидан иборат эмас. Умумий манфаатларни теран англаш кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва нормаларни эътироф этиб, уларга амал килишларига сабаб бўлади. Бу, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмокда. Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштириш мафкуранинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзининг Ватан деб аталмиш улуғ бир оиласга мансублигини хис этиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муттасил ва изчили тарбия самараси ўларок, юзага келади. Оиладаги тотувлик, аҳиллик, меҳр-шафқат хислатлари узлуксиз равишда турли шаклларда олиб бориладиган ахлоқий тарбиянинг маҳсули бўлгани каби, жамиятнинг ғоят хилма-хил қатламларини умумий манфаатлар атрофида жипслаштириш, одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро ёрдам хислатларини шакллантириш ҳам изчили тарбия воситасида амалга оширилади. Шу маънода айтиш мумкинки, миллий истиқлол ғояси кишилар онгига теран сингиши билан улар умумий мақсад сари интилувчи маслакдошларга айланадилар.

3. Ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш. Мафкуранинг бунёдкорлик функцияларидан бири илғор ғояни амалга ошириш учун кишиларни сафарбар этишdir.

Мафкурада ифода этилган фоя ва мақсад жамиятдаги күплаб партиялар, ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларнинг фаолият дастурига асос бўлади, ижтимоий ривожланишга кучли туртки беради. У жамиятда рўй берадиган туб ўзгаришларга замин яратади, унга кенг ҳалқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлайди, сўнгра бунёдкорлик ишларига сафарбар этади.

Жаҳон тарихида бунга мисоллар жуда куп. Бунёдкор мафкуранинг сафарбар этувчи роли туб ижтимоий-иктисодий юксалишларда, жамият ҳаётидаги маънавий ўзгаришларда яққол кўзга ташланади. Буни ҳалқларнинг чет эл босқинчиларига қарши курашида, турли бунёдкорлик ишларida, чунончи ҳашар йўли билан сув иншоотлари, кўприклар, йўллар, шаҳар ва қишлоқлар куришдаги умумий сафарбарлик ишларida кўриш мумкин.

Жамиятдаги турли социал гурухлар, синфлар, қатламлар мафкура асосида сиёсий-ижтимоий жараёнларга ўз муносабатларини белгилайтилар. Бироқ, мафкуранинг сафарбар этувчилик хусусияти социал ўзгаришлар жараёнида доим ҳам кўзга аниқ ташланавермайди, балки, туб ижтимоий ўзгаришлар даврида яққолроқ намоён бўлади. Масалан, мамлакат мустақиллиги ва яхлитлигига таҳдид соладиган мафкуравий хавф-хатарлар кучайган пайтларда кишиларни Ватан истиқлоли, равнақи йўлида жипслаштириш ва сафарбар этишда миллий мафкура мухим рол ўйнайди.

Сиёсий курашлар даврида аҳолининг жуда оз қисмини ва тор доирадаги манфаатларни кўзловчи, бузгунчиликни мақсад қилиб олган мафкуралар ҳам дунёга келиши мумкин. Бундай мафкурага эга бўлган гурухлар билан аҳолининг асосий қисми ни ташкил этувчи гуруҳ ва синфлар ўртасида мафкуравий масалаларда турли ихтилофлар келиб чиқади. Зоро, Президентимиз таъкидлагани каби: «Ҳалқ – ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қурдатли куч. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо уйғоқ виҷдони тилга киради, ноҳақликка, қабиҳликка қарши курашга даъват этади»¹.

¹ Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

Мафкуранинг сафарбар этувчилик функцияси, айникса, мафкуравий курашлар жараёнида тўлароқ намоён бўлади. Зеро, мафкуравий зиддиятлар кескинлашган даврда мақсадга эришишнинг кўпол воситалари, хусусан босқинчилек, террор, кўпорувчилик, инқилобий усуслар ишга солиниши мумкин. Бу— мафкуравий курашнинг ўта кўпол ва ғайриинсоний усуллари бўлиб, уларга қарши туришда событқадамлик, бардош, сабот ва фаоллик талаб қилинади.

Бу жараёнида бунёдкорлик ғоялари билан қуролланган кенг халқ оммасининг идеаллари, манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи мафкурагина инсонпарварлик, тараққийпарварлик тамойиллари асосида мамлакат, халқ тақдирида ижобий аҳамиятга эга бўлади, кишиларни эзгу ишларга даъват этади.

4. Кишиларни маънавий-рухий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Мафкура тараққиётнинг энг оғир, мураккаб даврида, айникса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг халқ оммасини маънавий-рухий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларда келажакка ишонч туйғуларини уйғотишга хизмат қиласди. Ана шу сабабдан ҳам чинакам миллий мафкура бўлган истиқлол ғояси ўзининг жозибаси билан кишиларни ўз кучига ишонишига, истиқболга умид билан қарашга даъват этади. Унда халқ фантазияси, орзу-умидларининг қай даражада акс этиши ҳам мухим аҳамиятга эга. Чунки, тўк, фаровон ва баҳтли ҳаёт қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстлик ер юзидаги барча халқларнинг ҳаётйлиги, таъсирчанлиги халқ орзу-умидларини нечоғли тўла ва ёрқин акс эттириши, уларни рӯёбга чиқаришнинг йўллари ва воситаларини қай даражада тўғри белгилашига боғлиқдир.

Зеро, жамият аъзолари миллий истиқлол мафкурасида ўз ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари ифодасини кўрсагина одамларни руҳан бардам, уйғоқ ва фаол қила оладиган кучга айланади.

5. Гоявий тарбиялаш. Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни тарбиялаш мафкуранинг

яна бир муҳим мақсадидир. Фоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳукукий тарбиянинг асосини ташкил этади. Ҳар қандай ахлоқий, сиёсий, ҳукукий тарбия муайян ғояни химоя қилиш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади. Ҳусусан, ёвузлик, беҳаётлик, шафқатсизликни тарғиб этиш орқали ёшлиарни ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган бадиий фильмларда жамият барқарорлигига раҳна солишдан иборат мағкуравий мақсад яширингандир. «Онги шаклланиб ултурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбагирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишин истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди»¹.

Бинобарин, ғоялар ошкора ёки яширин, бевосита ёки билвосита, тўғридан-тўғри ёки рамзий шаклларда тарғиб этилиши мумкин. Инсон фаолияти аник бир фоявий мақсадга ўналтирилган бўлиб, бу ният кўпинча кўзга ташланмайди. Фоявий тарбиянинг асосий мақсади кишиларда ҳушёрлик, сезирлик ҳиссини шакллантириш, ёт ва зарарли ғояларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

6. Фоявий иммунитетни шакллантириш. Фоявий тарбия жараёнида кишиларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мағкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу узок давом этадиган жараёндир.

Мағкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларда оқ-корани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш ҳусусиятларини тарбиялаш демакдир.

¹ Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

Манфаатлар бор ерда муқаррар равишида ғарзли, нопок ғоявий ниятларни амалга ошириш учун интилишлар ҳам бўлади. Ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашда ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. Ғоявий иммунитетни шакллантириш – ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

7. Ҳаракат дастури эканлиги. Мафкура жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг ўзига хос дастуриламали бўлиб хизмат қиласди. Чунки у бугунги кун муаммоларини ҳал этиш учун одамларни жипслаштириш ва сафарбар этиш заруриятидан вужудга келса-да, айни вақтда узок истиқболни кўзлайди. Тарихий давр ўзгариши билан миллий мафкурани янада такомиллаштириш, янги мазмун билан бойитиш зарурияти вужудга келади.

Миллий мафкура жамиятдаги барча социал қатламлар ва гурӯҳларнинг умумий ҳаракат дастури, уларни фаолликка дაъват этувчи восита ҳисобланади. Мафкуравий мақсад – ғоявий фаолиятни амалга оширишдан кутиладиган идеал натижадир. Мақсадни аник-равшан идрок этиш инсон ва жамият фаолиятига изчиллик, событқадамлик ва фаоллик бағишлиайди. Миллий истиқлол мафкурасининг олий мақсади – Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этишдир.

Истиқлол ғоясининг халқимиз қалбига йўл топиши, мамлакатдаги мавжуд буюк интеллектуал салоҳиятни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришиш учун сафарбар этиш миллий мафкура олдига қўйиладиган асосий мақсаддир. Шуни ҳам инобатга олиш зарурки, халқни фақат олижаноб ва илғор ғояларгина эмас, балки Ватан мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини хавф остида қолдирадиган турли кўринишлардаги мафкуравий тазиикларга қаршилик кўрсатиш зарурияти ҳам жипслаштиради. Миллий истиқлол мафкураси, бир томондан, Ўзбекистон заминида келажаги буюк, фаровон жамият барпо этиш учун халқимиз куч-қувватини жипслаштиришини, халқ иродасини бунёдкорлик ишларига

сафарбар этишни, иккинчи томондан эса, миллий мустақил-лигимизга жиддий хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга зарба бера оладиган мард, жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялашни кўзда тутади.

Гап шундаки, мамлакатимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари куп жиҳатдан ҳалқимиз иродасини миллий мафкура атрофида нечоғли жипслаштиришга, ҳалқимизнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, тараққийпарварлик фазилатларини янада ривожлантиришга боғлиқ. Президент Ислом Каримов тъкидлаганидек, «эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал килади». Жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун тинимсиз ҳаракат қилинаётган ҳозирги шароитда факат кучли миллий мафкурагина жамиятни ана шундай тазийклардан муҳофаза қила олади.

Ҳозирги пайтда кимнинг гояси кучли, фикри тиниқ, мафкураси ҳаётий бўлса – ўша галаба қозонади. Бу – инсониятнинг XX аср тарихидан келиб чиқадиган муҳим холосалардан биридир. Миллий истиқлол мафкураси ҳалқнинг туб манфаатлари ва мақсадларини ўзида ифода этади, жамият аъзоларини шу мақсад атрофида жипслаштиради.

Ўзбекистон ҳалқининг туб манфаатлари: мамлакат мустақилиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, фуқаролар ўргасида ўзаро ҳамкорлик, мамлакат аҳолиси ва ҳар бир оила, маҳалла-кўйининг фаровоилигини таъминлашдан иборатdir.

Миллий мафкурада ҳалқимизнинг умумий манфаатлари, орзу-умидлари мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Президент Ислом Каримов миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадини шундай белгилайди: «Ҳалқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсоуларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин

учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир. Шу билан бирга мен миллий истиқлолғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон таракқиёти ютуқлари билан озиклантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан»¹.

Истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари. Истиқлол мафкурасининг вазифалари унинг ўз олдига қўйган бош мақсадидан келиб чиқади. Унда бош мақсадга эришишнинг восита ва усуллари, йўллари аниқланади.

Шу маънода, одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш – миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан биридир. Миллий мустақиллик – буюк неъмат, яъни ўз тақдирингни ўзинг белгилаш, ўз юртингга ўзинг эгалик қилиш, аждодлар анъанасини давом эттириш, жаҳон ҳамжамиятида ўзингга муносиб ўрин эгаллаш учун ноёб имкониятдир. Мустабид тузум халқларнинг миллий мустақилликка, эркин фикрлашга бўлган интилишини бўғар эди, уни мутелик, итоаткорликда ушлаб туришга зўр берар эди. У моҳиятан гайриинсоний ва инсон табиатига зид эди. Шу боисдан ҳам унинг мафкураси мукаррар равишда инқирозга юз тутди. Миллий мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқурроқ ўрганиш, ундан сабоқ олишга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас эди. Чунки мустақилликнинг қадр-қимматини теран ҳис этиш учун, аввало, тарихни билмоқ, халқимиз бошига тушган синовларни, мустамлакалик асоратларини, хўрликларини юракдан ҳис этмоқ, озодлик учун кураш йулидаги улуғ аждодларимиз жасоратидан воқиф бўлмоқ

¹ Миллий истиқлолғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т: «Ўзбекистон», 2000. 4-бет.

зарур. Зеро, «Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган»¹.

Миллий истиқлол мафкураси ўзининг туб моҳиятига кўра Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашни, Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашни кўзда тутади. Бундай улуғвор вазифани бажариш ҳар бир фуқародан эркин фикрлаш, Ватан тақдири, истиқболи учун масъулликни ҳис қилишни талаб этади. Эркинлик бўлмаган жойда масъулиятсизлик, локайдлик вужудга келади. Миллий мустақиллик халқимизга ана шундай эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккурсиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланishiни ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Истиқлол мафкураси эркин тафаккурга таянади, у демократик жамият ҳаётининг муҳим қонунияти, миллий мафкурани яратиш, химоя қилиш ва такомиллаштиришнинг зарур шартидир. Эркин тафаккур шахс фаоллигини оширади, уни бунёдкорлик ишларига илҳомлантиради.

Истиқлол мафкураси кишилар онгига сингдирилиши билан уларда Ватан тақдири учун масъуллик, ягона Ватан туйғуси шаклланади. Чунки шахсий ғоя ва манфаатлар шахс фаоллигини кучайтирувчи омил бўлса, истиқлол мафкураси ўзида бутун бир халқнинг ҳаётий манфаат ва интилишларини акс эттиради. «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбida табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англағани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чукур бўлса, туғилиб ўсган юрга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади»².

Истиқлол мафкураси жамиятимизда илғор ғоялар устуворлик қиласидаган соғлом ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам беради. Демократик қадриятларнинг кенг ривожланиши қарашлар хилма-хиллиги ва фикрлар ранг-баранглиги (плюрализм)

¹ Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

² Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

нинг қарор топишига олиб келади. Кишилар рұдан юксак-ликка, яна ҳам баҳтли ва фаровоңроқ ҳаёт кечиришга интиладилар. Бундай ҳаётта эришишнинг турли восита ва йүллари мавжуд бўлиб, у турли гояларда ўз ифодасини топади. Фоялар илмий-назарий ёки диний асосга эга бўлади. Демократик жамият ақл ва тафаккур пойдевори устида қад кўтаради, дунёвий илм-фап ва техника жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт тобора интеллектуаллашиб бораётган, илмий тафаккур инсоният маънавиятининг устувор йўналишига айланашган ҳозирги шароитда кўпроқ илмий-назарий асосга эга бўлган илғороялар устунилик қиласди.

Янгича фикрлайдиган, мутелик туйғусидан холи бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш истиклол мағкурасининг муҳим вазифасидир. Ижтимоий ҳаёт ўртага қўяётган муаммолар ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва юксак маънавиятили инсон шахсини шакллантиришни талаб этяпти. Миллий мағкура давр талаблари ва хусусиятларини яққол ифода этгани учун ҳам кишилар қалбига тез етиб боради ва ҳаёт дастури бўлиб хизмат қиласди.

Миллий истиклол мағкураси ўзида ҳалқимизнинг эзгу орзумидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу мақсадларга эришишнинг зарур шарти сифатида баркамол инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Чунки маънавий баркамол кишиларгина шахсий ва умуммиллий манфаатлар уйғулигини теран англайди, Ватан озод бўлмаса, шахс озод була олмаслигини тушунади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилётган туб ислоҳотлар баркамол инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, ҳалқимизнинг миллий манфаатларига, эзгу мақсадларига тўла мос келади.

Миллий истиклол мағкураси биринчи навбатда ҳаётга эндинга қадам қўяётган ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун баҳш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Чунки ёшлар факат миллий фоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тиинчлиги ва ҳалқ фаровоңлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар

табиатан турли ғояларга қизикувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар. Миллий истиклол мафкураси ҳали турмушнинг аччик-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий маидаат ва тараккиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қиласи, фукараларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Инсоният тараккиётга интилар экан, унча бунёдкорлик ҳисси мавжуд экан, илфор ғоялар дунёга келаверади. Босқинчилик, талончилик интилишлари бузғунчилик ғоялари таъсирида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам бундай заарли ғояларга карши курашга доимо тайёр туриш, ёт фоя ва мафкуралардан огоҳ бўлиш ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг кўпмиллатли ҳалки онгидаги «Ўзбекистон— ягона Ватан» деган тушунчани қарор топтириш истиклол мафкурасининг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда «Ягона Ватан» ғояси ўзининг туб моҳияти билан миллий мустақиллигимизга путур етказадиган маҳаллийчилик, ошнагайнигарчилик иллатларини таг-томири билан йўқотишида, юртимизда истиқомат қилаётган турли ҳалқ ва миллат вакилларида ягона ватан фарзанди эканлиги билан фаҳрланиш туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ватан равиақи, эл-юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги учун фидойилик иймон-эътиқодли аждодларимиздан бизгача етиб келган буюк меросдир. Чет эл босқинчиларига қарши саботматонат билан курашган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари улуғ саркарда ва ҳалқ қаҳрамонларининг жасорати бугунги кунида ҳам ватандошларимизда фаҳр ва ғуурланиш туйғусини кучайтиради. Мустабид тузум катагонларининг курбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларининг жасорати эл-юртимиз мустақиллиги, озодлиги йўлидаги фидойиликнинг ёрқин намунасидир. Ҳалқимиз онгига иймон-эътиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, саҳийлик фазилатларини сингидириш миллий истиқлол мафкурасининг муҳим вазифасидир.

Миллий истиқлол мафкураси асосида амалга ошириладиган барча вазифалар охир-окибатда ягона мақсадга – Ватанимиз

мустақилигини мустаҳкамлаш, юртимизни озод ва обод этиш, фаровон жамият қуриш учун хизмат қиласи. Бу мафкуранинг кўйидаги муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) **Ўзбекистон ҳалқининг туб манфаатларини ифода этиши.** Президент Ислом Каримов бу муҳим хусусият тўғрисида: «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшамайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини узининг миллий фояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади... Мафкуранинг ҳаётийлиги унинг ҳалқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос булиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан белгиланади»¹, – деб ёзади.

Миллий мафкура ҳалқнинг мақсад ва интилишларини ифода этади, ҳалқ рухини кўтаради, уни эзгулик ва бунёдкорлик ишларига даъват этади, жамият дуч келган муаммолар ечими ни топишга ёрдам беради.

2) **Ўтмишни келажак билан боғловчи маънавий кўприк эканлиги.** Миллий мафкура бир неча авлодларнинг ақл-заковати билан яратилади, у кейинги авлодлар томонидан янги мазмун билан бойитилиб борилади. Аждодлар билан авлодлар ўртасидаги ворислик миллий мафкурада ўз аксини топади. Чунки унда аждодларнинг асрий орзу-умидлари мужассам бўлади. Миллий мафкура ўзига хос эстафета сифатида бутунги авлодни аждодлар билан боғлайди, миллий қадрият сифатида эъзозланади. Миллий мафкуранинг ҳаётийлиги миллатнинг фаоллигидан далолат беради. Президентимиз сўзлари билан айтганда, миллий мафкура ҳалқнинг ҳалқ, миллатнинг миллат бўлишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Шу маънода «Жаҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва тако-милга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бутун ҳалқни бир-

¹ Каримов И. А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

лаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакллантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чекканини кўрамиз»¹.

3) Миллий мафкуранинг яна бир муҳим хусусияти **кишиларни буюк мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сафарбар этиувчи куч эканлигидадир**. Тарихининг музайян босқичларида чет эл босқинчиларига қарши қураш, Ватан мустақиллиги учун қураш, эл-юртни ободонлаштириш ғояси аждодларимизни эзгу мақсадлар атрофида бир тан-бир жон бўлиб бирлашишга даявват этган. Бунга, 20-йилларда ўлкамизда кенг қулоч ёйган миллий озодлик ҳаракати мисол бўлиши мумкин.

4) **Миллий истиқлол мафкураси жамият аъзолари бунёдкорлик фаолиятининг ўзига хос мезонидир**. Халқнинг интеллектуал— маънавий салоҳияти миллий истиқлол ғоялари ни қай даражада ҳаётга татбиқ эта олининда, аждодлар орзу умидини қай даражада рӯёбга чиқара билишида яққол намоён бўлади.

5) Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир муҳим хусусияти **кишиларни яратувчан фаолиятга сафарбар этиши, ғоявий химоя воситаси эканлиги билан белгиланади**.

6) **Миллий истиқлол мафкураси ёш авлодни тарбиялашнинг бекиёс омилидир**. Чунки, у «халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир». (И.Каримов.)

Миллий истиқлол ғояси ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди, миллат, Ватан равнақи, буюк келажакни барнио этиш учун яашаш ва қурашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон порлоқ келажакка дадил интилиш билан яшайди. У жамиядаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва ҳаёт ҳақиқатига суюнган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

¹ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам прорасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь

иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарбиявий ишларни юқори босқичга кўтариш борасида эришилган мувффакиятлар Ватан равнақини таъмиилайди. Равнақ топаётган мамлакат фуқароларининг ҳаётигина фаровон булиши мумкин. Фаровон ҳаёт эса ҳар бир шахснинг ва умуман, бутун жамият аъзоларининг жисмоний ва интеллектуал камолини таъмиилайди.

1. ВАТАН РАВНАҚИ

Миллий истиқолимизнинг асосий фоялари халқимиз танлаган ўзига хос мустақил тараққиёт йўлининг бош фоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош фояси – мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқолол мағкурасининг асосий фоялари ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош фояни халқимизнинг қалби ва онгига янада чукурроқ сингдиришга хизмат қиласи.

«Ватан – инсоннинг киндик қони тўқилган муқаддас тупроқ, уни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун баҳиш этувчи табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. Ватан – ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-согани етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин».

Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонодан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайгандан сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кентгая боради. Остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилади. Ватанпарварлик эса тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар тъясирнида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватани бор одамнинг гуурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тогдек таянчи – Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига бардош бера олади. Ер сайёраси бутун аҳли жаҳон учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдирлан ва тарихан ато этилган ҳудуд она-Ватаңдир.

Хеч кимга Ватанни, ота-онани танлаш имкони берилмаган. Улар фақат Яратганинг ўзи ато этадиган улуғ ва мұқадас неъматдир. Ана шу улуғ неъматни асраб-авайлаш, унинг сарҳадларини гуллатиб-яшинаши ўз қўлимиизда. Бундай имкониятни эса бизга улуғ истиқлол берди. Барчамизнинг киндик қонимиз Ўзбекистон тупроғига тўкилган, барчамиз учун у бамисоли она. Энди ана шу мұқадас юрт фарзанди эканлигимизни унутмаслигимиз даркор. Ана шу туйғу боис киши қалбидаги Ватанга меҳр туғилади, у фарзандларини буюкликка, жасоратга етаклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда: «Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади», у ўз тақдирини Ватан равиаки билан боғлик, деб билади.

Одамларда ғайрат, эрта тонгдан қаро тунгача ишлайвериш қобилияти бўлиши мумкин. Мустамлака даврида собиқ марказ топшириғини бажаришининг ўзи етарли эди. Мустақил Ўзбекистонга эса мутеликдан холи, мустақил фикрлайдиган, ишбилармон, тадбиркор, ватанпарвар шахслар даркор.

Ватаннинг равнаки, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлик. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади. Ватанпарварлик – кишининг ўзи туғилиб ўсан, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатлариdir. Фидойилик ватанпарварликнинг бош белгиси ҳисобланади, унинг олий қўриниши эса жасоратdir. Бугунги кунда эса бозор иқтисодиёти шароитида ватанпарварликнинг муҳим қўринишларидан бири тадбиркорлик сифатида намоён бўлмоқда.

Тарих ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги энг буюк қуроллардан бири. Ўтмишда Она-Ватан ҳимояси, юрт

тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр турган Широк, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби шахслар бўлганлиги фактининг ўзигина кишиларда келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлайди.

Умуман ватанпарварлик:

– ўз ҳалқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш;

– буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачифидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;

– аждодлар урф-одат, расм-русум ва удумларини, меросини ўрганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;

– давлатимиз келажаги, истиқлолнинг баркарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни барпо этишга астойдил кўмаклашиш юзлаб фазилатлар каби хусусиятларни англатади.

Ватан равнақи, аввало унинг фарзандлари камоли билан чамбарчас боғлиқ. Буни чуқур англаган давлатимиз раҳбари эса бор кучи, файрати, имкониятларини комил инсон тарбиясига сафарбар этган. Буни ҳар бир ватандошимиз, жумлаи-жаҳон кўриб, билиб турибди.

Мозий, бугунги кун шундан далолат бермоқдаки, миллий гоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларни ўзида акс эттирасигина куч-қудрат манбаига айланади. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ёт ва бегона foялар эса ҳеч қачон бизнинг миллий foяга айланолмайди. Бундай foялар қандай либосга ўралиб олмасин, қандай никоб киймасин, донишманд халқимиз уларнинг найрангига учмайди.

Ватан ва унинг равнақи тушунчаси истиқлол йилларида алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Истибодод давридаги ҳукмрон коммунистик мафқура бор кучини кишилар онгидаги Ватан тушунчасини бузиб, сохта, мавҳум Совет ватани foясини сингдиришга сарфлаган. «Ўзбекистон – Ватаним маним» дейиш миллатчилик сифатида баҳоланиб, минглаб ватандошларимизни қатағон домига тортиб кетган.

Бугун у кунлар ўтмишга айланди. Энди, биз Ватанимиз мустақил бўлган даврда яшамоқдамиз. Бу мустақилликни асрар, авайлаш ҳам ватанпарварликнинг намунасига айланмоқда. Ватанпарварлик миллатчилик эмас, балки умуминсоний туйғудир. Француз адаби Вольтер шундай деган эди: «Ватанга бўлган муҳаббат мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги бошқа халқларнинг ютуқлари билан шунчалик кўп бойитгим келади». Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркии иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қурдати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади.

Бу ўзаришлар жараёнининг устувор хусусияти халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятидир. Бунда ана шу бунёдкорлик салоҳиятини тўла юзага чиқариш, иқтисодиётни илфор технологиялар асосида модернизация килиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жаҳонда Форд, Рокфеллер, Дюпон, Крупп сингари уддабурон, файратли кашфиётчи тадбиркорлар ўз номларини миллатлари ва ватанлари тарихига абадий ёзиб қўйдилар. Мустақил Ўзбекистон равнақи ҳам ана шундай ўз тадбиркорларимизга боғлиқ. Ватан жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир мутахассислар тарбияси учун бор кучини сарфламоқда ва бунга жавобан Ватан фарзандларидан бунёдкорлик фаолиятини талаб қилмоқда. Ватан равнақи учун бор билими, кучи, салоҳиятини сарфлаш Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларининг муқаддас бурчига айланмоғи даркор. Зоро ҳар биримизнинг баҳтимиз, келажимиз Ватан равнақи билан чамбарчас боғлиқ.

2. ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Ҳар бир инсон учун юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз таракқиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги –

баркарор таракқиёт гарови. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният таракқиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги – баркарор таракқиёт гаровидир. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал килиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган.

Босқинчилик ҳаракатлари, миллий, диний ва бошқа низолар оқибатида урушлар олиб борилиши минг йиллар мобайнида жамият таракқиётига тўсқинлик қилиб келди. Ўтган беш минг йилда инсоният 15 мингдан ортиқ урушни бошидан кечирди. XX асрдаги иккита жаҳон урушида 60 млн. киши ҳалок бўлди. Афсуски, бу иллатдан инсоният ҳанузгача тўла қутулиш имконига эга бўлмаяпти. Уруш ва низо, бекарорлик ва бузғунчилик ғоялари, ҳар қандай ғоя сингари аввало, баъзи инсонлар миясида пайдо бўлиб, сўнгра маълум бир гурухлар онгига сингач, амалиётга ўтади. Худди шундай фашизм ҳам, аввало, Муссолини ва Гитлер кабилар онгида пайдо бўлган, сўнгра ўз ортидан одамларни эргаштириб не-не балоларга сабаб бўлган эди.

Ўзбек ҳалқи тинчликни юксак қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари рӯёбга чиқишининг кафолати, деб билади. Шу боисдан ҳам бобо-момолар дуога қўл очганларида даставвал яратгандан тинчлик-омонлик тилайдилар. Ҳалқимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган тушунча кенг тарқалган.

Кўхна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч, эл омонликда яшаган даврлардагина ҳалқимиз моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Ҳусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улугбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик-баркарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият тараққиий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўхна заминимиз гуллаб-яшнаган. Шунинг учун ўзбек шеърияти-

нинг қўёши Алишер Навоий Улуғбекни дунёдаги барча подшолардан устун қўяди:

*Темурбек наслидин султон Улугбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.*

Низолар, маҳаллийчилик, ург-аймоқчилик авж олган Улуғбек замонидан кейинги даврларда эса юртимиздан файз-бара-ка кетди, кўхна Туркистон жаҳон цивилизациясидан анча орқада қолди. Инсонлар қалбини маърифат ўрнига жаҳолат забт этиб, одамлар нафсу хавога берилди, амалдорлар Ватан тақдирини эмас, ўзининг тор ва майда манфаатларини ўйлайдиган кимсаларга айланди. Оқибатда муқаддас она тупроғимиз босқинчи ғанимлар оёғи остида аёвсиз топталди, халқимиз босқинчилар қўлига қарам бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган дастлабки кундан бошлаб тинчлик-тотувликни, ўз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини жумлаи жаҳонга эълон қилди. Ўзбекистон Республикасининг тинчлик борасидаги сиёсати, мингтақамиз ва жаҳондаги хавф-хатарлар ҳақидаги қарашлари Президент Ислом Каримовнинг асарларида, айниқса, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, юртбошимизнинг БМТнинг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жуда аниқ ва батафсил баён қилиб берилган.

Ислом Каримов тинчликнинг буғунги келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини қўйидагича таърифлайди: «Биз – Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, «Ассалому алайкум!» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатишини яхши биласизлар. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Куръони Каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобининг оятларида бирида шундай дейилади: «Мехрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиши маъносида «тинчлик» сўзи айтилур».

Буғунги мураккаб даврда турли хил молиявий ва мағкуравий манбалардан куч олиб турган, Афғонистон ва Тожикис-

тои каби бекарор мамлакатларда ин қуриб олган ҳалқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч ахолига, бутун-бутун давлатларга, жумладан, бизнинг юртимизга ҳам ҳарбий-мафкуравий тажовузлар қилишга уринмокда. Уларнинг қилган барча ёвуз ҳаракатлари чиппакка чиқди. Чунки бугунги Ўзбекистон ўзини ҳимоя қилиш қурдатига эга. У энди ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди.

Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва истиқололи билан чамбарчас боғлиқ. Бирорга қарам ҳалқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Конституциясида Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани қайд этиб қўйилган. Ҳалқимизнинг тинч ва осойишта яшаши, ойдин келажаги Ватан, юрт тақдиди билан боғлиқ. Шунинг учун бугунги кунда ҳар бир фуқаро юртим тинч – мен тинч, элим тўқ бўлса, мен ҳам тўқман. Элимнинг бошига кулғағ келса, менинг бошимга ҳам тегирмон тоши тушади, демак, юртим мен учун, мен эса юртим учун жавобгарман, ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамогим даркор, деган ҳақиқатни шиор қилиб олиши лозим.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг foявий ва мафкуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилидир. Ҳалқимиз учун муқаддас бу гоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

3. ҲАЛҚ ФАРОВОНИЛИГИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади – ҳалқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги дунёдаги кўп мамлакатлар айнан шу йўл билан тараққий этиб, ўз ҳалқининг фаровонлигини таъминлашда ўрнак бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам худди шундай оқилона йўлни танлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шунчаки ислоҳот

учун эмас, айнан инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай янги-ланиш, ўзгаришнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга ғайрат-шижоат баҳш этади.

Собик шўро тузуми одамлар онгига барча фалокатлар-нинг сабаби – хусусий мулкдадир, деган ғояни сингдириб, сохта тенгликийи қарор топтирмоқчи эди. Оқибатда ишламаган одам ишлаган одамдан яхшироқ яшай бошлаган эди. Ҳатто совет кишисининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Мехнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик бокимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни қучайтирди. Афсуски, ўша даврдан мерос бўлиб келаётган «Давлат бор, ҳаммани боқади» деган кайфият айрим кишилар онгига ҳанузгача яшаб келмоқда. Бугун ҳам маълум кишилар иш ахтариш, ўз аравасини ўзи тортиш, янги касб эгаллаш ўрнига турли идоралардан моддий ёрдам сўраш билан овора, ҳолбуки, давлат ҳаммага текин мол улашадиган корхона эмас. Буни англаб етмаганлар «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» қабилида лоқайдлик билан ҳануз ҳаракат қилиш ўрнига бир четда томошабин бўлиб турибди. Одатда мустабид тузумлар ҳалқ фаровонлигидан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Совет тузуми ҳам оммани сунъий равишда турмуш ташвишларига ботирган эди. Ҳақиқатан ҳам, кун кўриш машаққатидан боши чиқмаган ҳалқ объектив нарсалар хусусида ўйлашга, фикрлашга имкон тополмай қолади. Шуролар ҳам шу тариқа ўзлари юритган сиёсатни танқид қилишга қодир ижтимоий-сиёсий оқимлар пайдо бўлишининг олдини олишга уринган. Лекин эски тузумнинг барча уринишлари бекор кетди, у охир оқибатда ўз ўзини еб тутатди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ якка давлат мулки ҳукмронлигини рад этиб, мулк шакллари хилма-хиллигига, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очди. Бунги кунда мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмомда. Мулксиз одам ўзига ҳам, ўзгага ҳам, жамиятга ҳам кўп фойда келтира олмайди. Энди қашшоқлик билан мақтаниш,

унн пеш қилиб, имтиёз сўраш замони ўтиб кетди. Аксинча, тадбиркорлар, мулкдорлар замони бошланмокда. Биз эиди рақобатсиз ўсиш, юксалиш, тараққиёт бўлмаслигини англаб етдик. Лекин, тўрт мучаси бут, онгли, ақлли ва фаол одамнинг камбағал яшаши уят саналадиган давр келганини ҳали ҳамма ҳам англаб олгани йўқ.

Бугунги кунда фаровон турмуш асоси – эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорликдир. Бу ҳақиқатни одамлар онгига сингдириш, кенг аҳоли қатламларининг ислоҳотлар моҳиятини англаб етишига ва унинг фаол иштирокчисига айланишига Эришмоғимиз даркор. Бунинг учун эса уларнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини тубдан ўзгартириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиёт ўтган тузумда айрим мутахассисларнинг иши бўлса, бугун умумхалк, умумжамиятнинг манфаатига даҳлдор масала бўлиб қолди. Бутун халқ янги иқтисодий тафаккур билан қуролланимокда. Бизнинг мулкка, меҳнатга муносабатимиз тубдан ўзгара бошлади. Миямизга сингиб қолган «давлат мулки» деган тушунча ёнига бугун хусусий мулк, пайчилик жамиятлари, ширкат, фермер, оила пудрати деган янги тушунчалар кўшилди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ўта марказлашган ва яккаҳокимлик асосига қурилган, ўзини окламаган тизимга барҳам берилиди. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатлар яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг хуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва кафолатлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рафбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровошлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда халқимизда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, унинг хўжалик юритишининг замонавий усулларини ўзлаштиришига эришиш, унда ўз кучига ишонч туйғуларини камол топтириш миллний ислоҳотларнинг энг устувор вазифаларидан биридир.

Табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакат иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рӯёбга чиқаришнинг асосий омиллариdir. Дунёдаги кўпгина атоқли кишилар қозоқ оқини Абай эътироф этиб айтган қуйидаги сўзларга тўла-тўқис қўшиладилар: «Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар улдалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятdir». Мехнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган Ўзбекистон халки ўз турмушини ўз кўли билан фаровон қилишга кодир. Ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган ҳақиқатга асосланган бутунги иқтисодий ислоҳотларимиз яқин келажакда, албатта, ўз мевасини беради.

4. КОМИЛ ИНСОН

Истиқдолояға ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундаидиган олижаноб ғоядир.

Ўзбекистон ўз истиқлонига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам мозийнинг кўп асрлик сабокларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётida рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, ҳалкнинг маънавий камолоти билан боғлик. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлакати тараққиёти истиқболини чукур, холисона англаган инсон ва ҳалқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоклари ҳар доим исботлаб келган.

Комил инсон гояси нафакат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиши ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Миллий гоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу— озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак макали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса ёш авлодга тегишли».

Комиллик меҳр-мурувват, адолат, тұғрилик, виждон, орномус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби күплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуудир.

Комил инсон гояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзузи, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардустийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон гояси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги гояларини илгари сурар экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти мөхир ташкилотчилик, теран билим билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуклиги-

да, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-
кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга
кўринади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай ол-
майди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга
яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – қуллик, мутелик,
боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон
бировга қуллек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нар-
сага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани,
халқи маифаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган ким-
салар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол
бўлади.

Халқимизнинг қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари
бор. юртга муҳаббат, Она ва Ватанини саждагоҳ каби муқаддас
билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмас-
лик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласи-
даидир. Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавия-
ти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай ўйлаб қаралса,
аждодларимизнинг ана шу талабларида жамият, инсон учун
энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. Оқкан дарё
оқаверади, деганларидек, эътиқоди мустаҳкам улуғ аждодлар-
нинг авлодлари бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган
муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар. Шунинг учун биз-
нинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашга бор куч-имко-
ниятини сарфламоқда.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алпомиш – халқи-
мизнинг идеал қаҳрамони, у – акл, фаҳм-фаросат, жисмоний
камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли.
Ҳазрат Навоий учун идеал – Фарҳод образи. У аклий ва жис-
моний камолот эгаси. Фарҳод Нақшбандийнинг «Дил ба ёру,
даст ба кор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбек-
нинг «Навоий» романида эса Навоий – идеал образ. Айни
пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир.

Бугунги кунда Ватан ижодкорлар зиммасига ёшларга иб-
рат бўладиган янги баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамон-
лар тимсолини яратиш вазифасини юкламоқда. Мустақил
Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эр-

кин ва фаровои ҳаётни баркамол, эзгу ғояларин ҳаётий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади.

Шунинг учун янгилашгаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда. Ватанимизда соғлом авлод харакатининг кенг тус олгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимиning тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор максадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

5. ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

Инсоният XX асрда бошлаб, XXI асрда давом эттираётган энг муҳим ғоялардан бири – жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий қучлар ва партиялар ўртасидағи ижтимоий ҳамкорликцир.

Ижтимоий ҳамкорлик – муроса фалсафаси булиб, хилмачил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Турли ғояларни байроқ қилиб олган қучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул. Лекин Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги шунга эришишин такозо этади.

Қарашлар ранг-бараанглиги, фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги жамиятни соғломлаштирувчи, уни мустаҳкамловчи ўта муҳим омилдир. Бироқ – бу, хаёлга келган гапни айтиш, кўнгил тусаган ишни қилиш, ўз манфаати учун ҳамма нарсага тайёр туриш, дегани эмас. Бундан ташқари, эркин фикр дегани, албатта, тўғри фикр дегани ҳам эмас. Эркинликнинг ўзи эса англаб олинган заруратдир. Демак, фикр эркинлиги умумманфаат, умумжамият тараққиёти йўлидаги соғлом ҳаракат, соғлом фикр юритиш, иймон-эътиқод юзасидан иш тутиш, демакдир.

Шуролар даврида якка хукмронлик қылган коммунистик мафкура синфиийлик ва партиявийлик шиори остида оламни факат оқ-кора бўёкларда тасвирлашга, миллатни иккига бўлиб ташлашга сабаб бўлди. «Ёт синфлар», уларнинг «думлари», уларга «хайриҳоҳлар» жисмонан йўқ қилиниди. Бунинг сабаби шуролар мафкурасида синфий манфаатлар, ягона партия таблари умуминсоний гоялардан устун кўйилганида эди.

Жамият тараккиётида омма фикрини бир нуқтага жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, уни умумий тараккиёт йулига бошлиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда истиқлолга эришилгач, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида яқин ўтмишда кенг тарқалган иплатларга барҳам берилди. Яъни, жамиятниң ижтимоий-сиёсий муҳитини пароканда қиласидиган, одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга чек қўйилди. Бунда энг аввало, мулоҳазакорлик, событқадамлик, андиша, узокни кўзлаб иштутиш доимий ҳаракат тамойилига айланди.

Бугун мустақил Ўзбекистон ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мулкинг турли шакллари тенг-хукуклигини қонуний кафолатлаш йўлидан бормоқда. Бундай жамиятда эса турли ижтимоий гуруҳлар, табакалар, синфлар бўлиши муқаррар. Уларнинг ўз иктисодий ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин бу ҳолат миллатни бўлиб юбормаслиги лозим. Ватанимизда олиб борилаётган сиёsat уни турли инқилобий кескиниларсиз, ижтимоий адватни авж олдирмасдан қарор ғонтириш имконини бериб, ҳамкорлик ва тинч-тотувлик учун шароит туғдирмоқда. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсан, дегани эмас. Аслида ҳар бир ижтимоий кучининг дунёқараши, манфаатлари турлича бўлади ва бинобарин, улар бир-биридан фарқ қиласиди. Лекин булар учун умумий йўналиш ягона Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги бўлиб қолаверишинга эришиш инҳоятда муҳим.

Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлаган, ўз дастурини эълон қилган партия ва жамоат таш-

килотлари ўз фаолият доирасидагина аъзолари манфаатини химоя қилиши мумкин, холос. Бироқ умумий манфаат – халқ, жамият, Ватан манфаати сингари энг олий қадриятлар борки, барча сиёсий партиялар, фоялар ва мафкуралар ана шу умумий асосларда бирлашади. Жамият кимнииг қандай партия ёки ҳаракатга мансуб бўлганига қараб эмас, эл-юрт, тинчлиги, Ватан равиаки, халқ фаровонлиги йўлида килаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

Шундай қилиб, жамиятии сунъий равишда булиб, турли қарама-қаршиликларни мутлаклаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, миллий истиқболимизнинг ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин қатламига мансуб хилма-хил жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-бараангликни уйғулаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга хизмат қиласди.

Бу қандай шаклларда амалга оширилади?

Биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илгор фоялар миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади.

Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гурӯҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор миллий фоялар билан уйғулаштириши миллий тараққиётнинг заруратига айланади.

Учинчидан, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёкараши ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий фояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамоӣили хисобланади.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви бу барқарорликнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий бекарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради, Бундай ҳол тилида «кош қўяман дея, кўз чиқариш» деб аталади. Яъни, бекарорлик ўчигига

мой қуйғанлар «ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнади» деганилари каби иш тутадилар. Улар ўзгаларни ёндириб бўлсада, ўзлари ҳам кулга айланадилар. Бу оддий ҳақиқатни барчамиз теран англаб етмоғимиз, бундайларга қарши огоҳ бўлмоғимиз лозим.

6. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК

Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил ҳалқлар биргаликда истиқомат қиласидиган минтақа ва давлатлар миллй тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва баркарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди.

Бугунги кунда Ер юзида 6 миллиардан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда.

Ҳар бир миллат яратганинг мұъжизасидир. Жаҳон динларининг муқаддас китобларида қайд этилишича, Оллоҳ асли инсонни бир ота, бир онадан яратган, лекин улар бир-бири билан мулоқот қилиши, танишиши учун миллатларга бўлиб қўйган. Давлатлар бу борада кўпмиллатли (полиэтник) ва бир-миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қиласиди. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллй сиёсат мухим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зоро, миллатнинг истиқболи бошқа ҳалклар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Ҳалқимизнинг «қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда,

биринчи павбатда, қўшии мамлакатларда ёнима-ён яшаётган этнослар орасида тинчлик, осойишталиқ, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳукуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлок истиқболини таъминлай олмайди.

Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мурракаб масала эканини ҳам англамогимиз даркор. Миллатларо тутувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. *Бу гоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.* *Бу гоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқарши учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.*

Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, куйидагича таъкидлаган: «Республика ахолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиласидан ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихии тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли ҳалқларининг тақдир учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий ҳусусиятларини саклаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир». Бундай мухит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон ҳалқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон ҳалқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли

миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро хурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Байналминал маданият» маркази ташкил этилгани бунга мисол булади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 100 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшлитиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Қаердаки миллатлараро тотувлик гоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади – улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

7. ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК

Диний багрикенглик гояси – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларидан бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини

ҳам акс эттирган. Дин дүнё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмунни, инсоннинг яшашидан кўзлаган мақсади каби масалаларга илохий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқарааш шаклидир. У бу гуиги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқараашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятиниг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳукук, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларниг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам динининг шарофатидандир. Президент Ислом Каримов сўзлари билан ифодалагаңда, «дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар тераң сингиб кетгандек, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди».

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамасдан, динларнинг кўриниши хилма-хилдир. Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда, умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб, жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруратга қараб, турли даврларда вужудга келган.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка датъват этади. Жаҳондаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди. Улар инсоннинг яшашидан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар килиб, бокий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаиннат саодатига сазовор бўлиш, деган гояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмунни, кишилар ўтасидаги сиёсий-ҳукукий, ахлокий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи озми, кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватаандошимиз, айниқса ёшлар, аввало, динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чукур билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар йўлдан чалғитолмайди.

Ватанимиз худудида ислом дини қарор топганига қадар зардыштийлик, буддавийлик, монийлик, христианлик, маздакийлик, шомонийлик каби динлар ҳам мавжуд бўлган. Улар негизида ўша даврда барчасининг синтези итижасида бетакрор маданият вужудга келган. Зардыштийлик таълимоти бўйича эзгулик ва ёвузлик уртасидаги доимий курашда оралиқ йўл йўқ, шунинг учун ҳар бир одам бу курашнинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур. Бу диннинг уч таянчи бўлиб, улар фикрлар соғлиги, сўз сабитлиги, амалларининг инсонийлигидан иборат. Бу жиҳатлар зардыштийликда «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш» тарзида ифодаланган.

Конфуцийлик таълимотига кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик, самимият каби юксак фазилатлар воситасида юксак камолотга эришиши мумкин. Ҳиндуийлик фалсафасига кўра, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қиласа, оқибатсиз қолмайди, бунинг учун, албатта, жазо олади. «Беш кўл баробар эмас» мақолида ифодаланган ҳақиқат ҳам бу динда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик гояси нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Азал-азалдан она юртимизда ислом, насронийлик, иуда-вийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида иирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга маисуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани ҳалқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмокда. Курилётган жамиятнинг тамойиллари, ҳукукий асослари ишлаб чиқилган ва ҳалқимиз томонидан қўллаб-куватланади. Давлат қонуний асосда барча динларга, барча

Эътиқод әгалариға тенг имкониятлар яратиб берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларининг қонун асосида, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминлатамоқда. Айни вактда диний ташкилотлардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу – халқимизниң хоҳиш-иродаси билан танлаб олииган тұғри йүлдір.

Ватанимизда түрли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Тошкентда ўтказилған «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» халқаро анжумани бунинг амалий исботидир.

Хозирги кунда мамлакатимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият курсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратылған. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топған. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мағкурасининг бошғояси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барто этиш орзусини амалга ошириш учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қиласи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ватан равиаки ва Юрт тинчлиги қандай намоён бўлади?
2. Фаровонлик тушунчасини қандай тушунасиз?
3. Мустақиллик шароитида халқ фаровонлигига эришиш учун нималар қилинмоқда?
4. Комил инсон қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?
5. Ўзбекистонда баркамол авлод тарбияси кайси дастурда қўзда тутилмоқда? Мазкур дастурларнинг мазмунин ҳакида кисқача гапириб беринг.
6. Ижтимоий ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
7. Миллатлараро totuvlik тұғрисида гапириб беринг.
8. Диний бағрикенглик деганда нимани тушунасиз?
9. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тушунчалариниңг ўзаро алокаси ҳакида сўзлаб беринг.

Реферат мавзулари

1. Ватан равиаки ва Юрт тинчлиги.
2. Халқ фаровонлиги ғояси
3. Комил инсон тушунчаси.
4. Халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояларининг долзарбилиги.
5. Ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси.
6. Миллатларо ҳамжиҳатлик ғояси.
7. Диний бағрикенглик ғояси

11-мавзу: МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ҒОЯСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилаётган фаолият, ислоҳот ва ўзгаришларнинг самараси ушбу тамойилларнинг одамлар ҳаётига қай тарзда таъсир кўрсатишига боғлиқ. Улар миллий истиқлол ғоясининг жамият ҳаётининг турли соҳала-рида қай тариқа намоён бўлишини, бу соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ғоявий жиҳатларини белгилайди. Бу тамойиллар ушбу соҳалардаги амалий фаолият, жамиятимиз аъзоларининг хатти-ҳаракати, меҳнати, яшаш тарзини ташкил этишда маънавий мезон сифатида катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг асосий йуналишларини ҳам белгилаб беради. Бу борадаги амалий фаолият ана шу тамойилларга таянган ҳолда олиб борилганида кутилган натижаларга эришиш мумкин. Ушбу натижалар ўз навбатида ҳаётда умуминсоний ва миллий қацриятларга содиклик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, қонунинг устуворлиги, демократия ва кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш тамойилларининг намоён бўлиш даражасини ҳам кўрсатади.

Миллий истиқлол ғоясининг тамойиллари бир-бири билан узвий алокадордир. Улар ўз навбатида умуминсоний қадриятлар устуворлиги талабларига тутла-туқис мос келади. Ўзбе-

қистон Республикаси Конституциясида жамият ҳәётининг, хусусан мафкуравий жараёшларининг ҳам ҳукукий меъёрлари аниқ белгилаб қўйилган. Конституциянинг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларининг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч кайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» дейилган.¹

Албатта, давлат-жамият сиёсий тизимининг ўзаги, мамлакат барқарорлиги ва изчил тараққиёти учун масъул бўлган сиёсий институтдир. Шу маънода, у жамиятнинг ўз миллий ғоялари атрофида мустаҳкам жисплашуви, фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги асосида ҳаётда мафкуравий жараёшларининг мувоғиқлашувидан манфаатдор. Бош ислоҳотчи сифатида давлат ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий хавфсизлик, келажак ҳаёт манфаатларидан келиб чиқиб, жамиятда миллий истиқлол ғояларини кенг ёйиш борасида фаолият олиб боради.

Буни хориж тажрибасида ҳам куришимиз мумкин. Бу мамлакатларда юзаки қарагандагина, ғояга, мафкурага у қадар катта эътибор берилмайдигандек туюлади, холос.

Масалан, Америка Кўшма Штатларини олайлик. Бу ерда ҳар бир инсон оғигига «Сен – америкаликсан, озод инсонсан, сенинг эркинлигининг дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ», деган тушунча болаликдан сингдириб борилади. Шунинг учун ҳам бу мамлакат фуқароси, дунёнинг қай бурчидা бўлмасин, «Мен— америкаликман» деб ғурулланиб юради.

Миллий истиқлол ғояси **инсонпарварлик тамойилига** амал қилишни тақазо этади. Мамлакатимизда инсонпарвар ва демократик жамият барпо этилмоқда. Биз ҳалқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Бугунга келиб мустабид тузум асоратларидан, унинг ғайринсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафку-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2000 й., 7-бет.

рачилик амалидан ҳалос бўлдик. Ҳозирги мураккаб ривожланиш босқичида Ўзбекистоннинг демократик истиқболини жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқалигина таъминлаш мумкин. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғуналигини белгилаб берувчи таяпч нукта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи қарашлар хилма-хиллигини асло инкор этмайди. Ҳалқимизнинг «Кенгашли тўй тарқамас» деган мақоли ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умумбашарий демократик тамойилларнинг ҳётимиздан мустаҳкам ўрин олиши маънавий куч-кудратимиз тимсоли бўлган миллий ғояда акс этган инсонпарвар тузум, барқарор тараққиёт, хавфсизлик, миллий давлатчиликнинг маънавий таянчлари нечоғлик мустаҳкам бўлишига боғлик.

Виждон эркинлиги. Одамзот азал-азалдан интилиб келган, хилма-хил даража ва кўринишларда амалга оширган умуминсоний тамойиллардан биридир. «Виждон эркинлиги» «эътиқод эркинлиги» тушунчасидан кўра кенг мазмунга эга. «Эътиқод эркинлиги» инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қўйишда ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. «Виждон эркинлиги» эса муайян кишиининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қиласлигини ҳам англатади. Инсон диндор, динсиз дахрий ёки художўй бўлиши, бут ва санамларга сифишиши, бутунлай худосиз бўлиши ҳам мумкин. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори сифатида намоён бўлиши мумкин. Аммо бу – ана шу кишини айблаш учун асос бўлмайди, балки кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиши ёки бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади, демакдир. Аммо бу тамойил виждон ва бурч, жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли ақидаларни мутлоклаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимаслик дегани эмас. Балки, кишииниг ишончи, эътиқоди соҳасидаги аяглаб олинган эркинлиги, жамият қонунларига мос ҳаёт кечириши демакдир.

Фикрлар ранг-бараңглигиниң қарор топтириш – демократик жамият барно этишининг асосий шартидир. Демократия давлат ва жамият қурилиши, уни идора этишининг энг мақбул шакли сифатида ҳар бир фуқарога ўз қарашларини, фикрини эркин ифода этиш учун шароит яратади. Бу эса инсоннинг мамлакат сиёсий – ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳаётидаги иштирокини, қонууларни ишлаб чиқища, уни ҳаётга жорий этишдаги фаоллигини таъминлайди. Миллий истиқлолғо ясасынинг ушбу тамойили оламдаги турлитуманлык билан инсоният дүйёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, фоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-бараңглигининг уйғулигини ифодалайди. Фикрлар ранг-бараңглиги миллий истиқлол мағкурасига жон бағишилайди, униңг такомиллашишига ёрдам беради. Ана шу асосда бу мағкура хилма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига доимий сингдириш имконига эга бўлади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги – миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан биридир. Фуқаролар онгида истиқлол дунёқарашини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этиш, замон тараққиётидан ортда қолмаслигига эришиш, жаҳон тажрибасини, умуминсоний демократик қадриятлар мөхиятини ўрганишни талаб этади. Бу, одамларнинг буюк келажак яратиш жараёнига ишончини мустаҳкамлашида, фуқароларнинг сиёсий маданиятини ўстиришда, барқарор тараққиёт муаммоларини тўғри англашида ғоявий йўналиш бўлиб хизмат қиласди.

Миллий истиқлол ғояси эркин фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнинда ҳалқ тасаввурини ўзgartириш ва янгича маънозамзун билан тўлдириш, ҳуқуқий давлатчиликка хос тамойилларни турмуш тарзига айлантиришда умуминсоний қадриятларга таянади. У ҳалқнинг орзу-умидларини умуммиллий дарражада юксалтириб, одамларни умумбашарий интилишларга томон етаклади.

Миллий қадриятларга содиқлик – миллий ғоянинг таянидир. Мустақилликка садоқат ҳиссиин барчада баробар шакл-

лантириш, фуқаролик түйгусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу түйғуга шарқ, айниқса узбек оиласидаги, болалар тарбияси жараёнида энг катта аҳамият берилади. Ўзбек оиласида азал-азалдан унинг аъзолари оила манфаати учун ота бошчилигига фидокорона меҳнат қиласи. Меҳнат оила аъзоларининг ёши ва малакасига яраша тақсимлаб чиқиласи. Бунда оила аъзоларининг бирортаси, ҳатто 4-5 яшар бола ҳам вазифасиз қолмайди. Болаларниң кучи, ёши, малакасига қараб вазифа юқлатилиган, ёши катталашган сари уларниң вазифаси ҳам катталашив боради. Бундан энг муҳими бола меҳнатидан фойдаланиб қолиш эмас, балки бола дикқати, аклини меҳнатга жалб қилиш, унинг қалби, фикри-ўйини кераксиз икир-чикирлар, нореал ҳаёллар, нотуғри тасаввур, тушунчалар билан эмас, балки жоғли юмуш, амалиёт билан банд қилиш, истиқболидаги яшаш дастурини такомиллаштириш бўлган. Боланинг ўзи ҳам кучи етганча, қўлидан келганча катталар қатори турли бойликлар, қадриятлар яратишда иштирок этиб, унинг самарасини кўрганда катталар билан баробар меҳнат ютукларидан қувонади, меҳнат муваффақиятсизлигидан эса хафа бўлади, унда ҳаёт ҳақида ҳаққоний тасаввур, билим шаклланиб боради. Бунда болани зўрлаб меҳнат қилдиришга мутлақо йўл куйилмайди: болада меҳнатга ихтиёрий ҳавас, меҳр уйғотилади. «Ҳаётнинг мазмуни, яшашинг мақсади – меҳнатда, меҳнатга лаёқатли бўлишда» дегани тушунчани жуда ёшликтан унга сингдириш тарбиянинг асоси, пойдевори бўлади. Лекин, ҳаётда бунинг аксинча ҳолатлар ҳам учрайди, бола ёшликтан меҳнатга жалб қилинмайди. Унда меҳнатга қизиқиши, ҳавас уйғотилмайди, уз вақтида меҳнатга қўникма, малака ҳосил қилинмайди. «Болам ҳали ёш, уни меҳнат эзиб ташлайди, эси кирса ҳали меҳнат қилишга улгуради» дегувчи бокибегам ота-оналар қаторида уз болалари тарбиясига шу гаплари билан чек қўйганлари ҳам топилади. Бола ёшликтан меҳнат қилишдан, малакасини оширишдан, амалиётдан узоклаштирилдими, унинг келажаги, истиқболи бой берилди, деб

ҳисоблайвериг. Унда на одамгарчилигу инсонпарварлик, на виждану инсоф, на мустақил фикрлаш қобилияти бўлади. Халқимиз бундай кишиларни текинхўр, боқиманда деб атаб ўз болаларни ана шундайларга ухшаб қолишидан эҳтиёт қилганлар. Мехнат қилишга одатланиб қолган кишида орномус, виждон, сабр-тоқат, одамгарчилик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳмондустлик, тежамкорлик, бирорлар меҳнатининг қадрига етиш ҳиссиёти тез шаклланади. Бундай ахлоқий сифатларга эга бўлиш ўз навбатида миллий ғоянинг амал қилиш тамойилларининг шаклланиши учун асос бўлади.

Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асрраб-авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Үтмишдаги боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ўрганиш, улар замиридаги бу тамойилнинг асосий жиҳатларидир. Ҳар бир миллатнинг тили, қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлаш миллий истиқлол мафкурасининг амал қилишида умуминсоний андозалар намоён бўлиши учун асослар яратади.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши шахс қадриятлари, инсон маънавий олами билан боғлик. Шубҳа йўқки, миллий истиқлол ғояларини амалга ошириш аввало ҳар томонлама билимли, маънавий, жисмоний ва аклий етук инсонларга боғлик. Бу эса ҳар бир юртдошимизни истиқлол ғоялари билан қуроллантиришни тақозо этади. Соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантариш, баркамол инсонни вояга етказиш ҳам ана шу вазифалар сирасига киради. Зоро, ҳар бир шахс ижтимоий жараёнларни ўзида мужассам этувчи куч сифатида жамиятдаги барча жараёнларнинг, жумладан миллий истиқлол ғояси амал қилишида асосий омил ҳисобланади. Аввало, шахс миллий истиқлол ғоясининг, унинг ҳаётбахш тушунчаларининг ўзлаштирувчиси, ўзига сингдирувчисидир. Таълим ва тарбия жараённида, ижтимоий-маънавий тизим, малакани ошириш ва қайта тайёрлаш,

қолаверса, жамиятдаги тұлақонли ахборот макони орқали у аник ва оқилона йұналтирилган мафкуравий қадриятлар, мөңгіліктер ва талабларни үзлаштириши зарур.

Шахсииңг миллий истиқлол ғояларини кенг ёйишдегі үрни, аввало, унинг мафкуравий жараёнларда қанчалик фаол иштирок этишида күринади. Фаол, интилевчан шахс мафкуравий таъсир, тарғибот ва ташвиқотнинг объектидан мафкуравий жараёнларнинг субъектига, мафкурачига, мафкуравий тарбия тизимининг муҳим бүғинига айлапиб боради.

Ана шу сабабларга күра, миллий истиқлол ғоясини амалга оширишда шахс таянч омил деб қаралади, унинг имкониятларини юксак баҳолаган ҳолда, асосий эътибор муайян шахснинг мафкуравий тайёргарлик даражасига қаратиласы. Бунда муайян шахсга үзбек миллий характерининг афзаллукларини ташвиқ қилиш, халқымыз маданиятининг бебаҳо ва бетакрор эканини англатиш, үзбекларга хос жамоавийлик жамиятимизнинг муҳим хусусияти экани, ижтимоий бирдамлик тараққиётимизнинг маңбаи бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, бу жараёнда тараққиётга ўз хиссасини кўша оладиган етук шахс тимсолини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиши тамойилларидан бири оила билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлади. Оила – жамиятнинг муқаддас уйи, энг асосий тарбия маконидир. Миллий истиқлол ғоясини одамлар қалби ва онгига сингдириш ҳам аввало оиладан бошланади. Айнаи боболар ўғити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали миллий ғоя авлоддан авлодга, инсондан инсонга ўтади, онг ва шуурда муҳрланиб боради. Иқтисодий фаровон, ахлоқий, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оила негизидаги жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилаларда комил инсон вояга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунёқарашида миллий истиқлол ғоялари кенг томир отади.

Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари шахс ва оиладан ташқари жамоа, маҳалла билан узвий боғ-

ликдир. Ҳар бир ўзбекистонликинг ҳаётида «шахс – оила – маҳалла» учлиги катта аҳамият касб этади. Бу – шарқона турмуш тарзимизниң ўзига хос тизимиdir. Бу – инсоннинг жамият ҳаётига узвий сингиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчисига айланнишида муҳим воситадир. Инсоннинг оиласида шаклланган иймон-эътиқоди, одоби, орияти ва виждони, ғурур-ифтихори, акл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитидан янада юксалиб, ҳалқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланнишига, миллий истиқлол ғояларининг мустаҳкамланишига олиб келади. Маҳалла шахс ва жамият муносабатларидағи муҳим боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Ҳалқимизниң азалий удумлари, урф-одатлари ва анъанарапини ифода этган ҳолда, маҳалла улкан ғоявий-мафқуравий тарбия ўчоги вазифасини бажаради. Кексаларнинг фойдали панд-насиҳатлари, ёши катталарининг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида миллий истиқлол ғояларининг амалий қиммати ортиб боради. Маҳалла тизими орқали мафқуравий ишларни самарали йўлга қўйиш имкониятлари жуда кўп.

Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини татбиқ этиш жамиятимизниң асосий мақсадлари – Ватан равнақи, юрг тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш каби олижаноб ғояларга бўйсундирилиши зарур.

Жамият ҳаётини демократиялаштириш жараёнини яна-да чуқурлаштириш миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойилларидан биридир. Мамлакатимизда демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш узоқ муддатли жараёндир. Демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириб жорий этиш билан одамлар онгидаги ўзгариш қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда қўйидаги таъкидлаган эди: «Демократия жамиятининг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Ҳалқнинг маданийтидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг тар-

кибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамоилиларини ўзлаштиришдан иборат анча узок муддатли жараёндири».

Аммо бу йўлни имкон қадар қисқа муддатда босиб ўтиш, демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омилга айлантириш, бир томондан жаҳон халқлари демократик анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришни, иккинчи томондан, аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги қарашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий қадриятларимиз заминида жорий этишни тақозо қиласди.

Бошқача айтганда, ҳар бир жамият, давлат ўзи учун мос демократик тараққиёт йўлни ўзи танлайди. Ўзбекистон ҳам ўзи учун мақбул демократик тараққиёт йўлни танлаб олди.

Маълумки, собиқ шуролар даврида шарқ халқларига, жумладан бизга нисбатан Маркснинг «Осиёча ишлаб чиқариш услуби» деб аталган назариясига таяниб иш кўрилади, деган қараш хукмрон эди. Бу назариянинг моҳияти Шаркда ҳокимиятни бошқариш азалдан деспотизмга, яъни зўравонликка асосланади, деган фикрдан иборат эди. Европацентристик қарашлар (Гегел), Европани жўғрофий жихатдан устун кўйиш (Монтескье), капитализмнинг тариханайнан Европада пайдо бўлиши тўғрисидаги тасаввурларнинг (Макс Вебер) барчаси осиёча турмуш тарзи учун демократия мутлақо ёт бир нарса, деган беписанд фикрга асосланиш оқибати эди. Бугунги кунда Шаркнинг ҳам ўзига хос давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими, идора усуслари, ҳокимият тармоқлари бўлгани, бу борада у ғарбдан сира кам эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Хусусан, шарқона демократиянинг бир қатор устувор жиҳатлари мавжуд. Бу – ғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварликдир. Масалан, бизнинг Форобий, Амир Темур, Низомулмулк, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг сиёсий қарашлари негизида турли даврларда ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Шарқ сиёсий фалсафасининг

мухим жиҳатларидан бири – «меъёр» тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида демократия – меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Бу меъёр ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тенглик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англашади.

Шарқда одамларнинг ҳокимиятга ва сиёсий муносабатларга бўлган муносабати азалдан ўзига хос хусусият касб этган. Бу Шарқдаги сиёсий муносабатларнинг нозик жиҳатлари билан изоҳланади. Сайлов тизими, давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари – буларнинг барчаси Шарқда ўз хусусиятларига эга. Аввало, бу хусусиятлар ҳокимиятга бўлган анъанавий ишонч ва баъзан эса патернализм (ҳокимиятнинг меҳнаткашлар манфаатига кисман ён бериши) қонунияти билан ифодаланади. Тарихан Шарқ мамлакатларида сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда мастьул кишилар орқали, лекин бунда халқнинг манфаатлари албатта ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширилган. Улар халқнинг «иштирокида», яъни турли митинг, инқилоблар орқали эришилган, аммо унинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинган қарорлардан кўра кўпроқ самара берган. Шу туфайли Шарқ мамлакатларида аксарият ҳукмдорлар мудом «Халқ нима дер экан?», «Мендан қандай ном қолар экан?» деган масъулият билан сиёсат олиб борган.

Шарқда сиёсий жараён иштирокчилари, айниқса, сиёсий етакчиларнинг ўзига хос мақоми бор. Сиёсий раҳбар нафақат ўзига тегишли алоҳида имтиёзларга, балки алоҳида масъулиятга ҳам эга. У нафақат ўз ҳуқуклари, балки мажбуриятлари бўйича ҳам асосий оғирликни ўз зиммасига олган. Шу маънида, Шарқ халқлари ҳаётида адолат бош мезонга айлангани, одил ва доно шоҳ, ҳукмдор foяси «Авесто»дан ҳозирги кунларгача орзу бўлиб келган. Шунинг учун Амир Темур фаолиятида «Куч – адолатда» деган қоида устувор бўлган. Шу тариқа, Шарқ мутафаккирлари давлатни, аввало жамият тарақкиётидаги икки муҳим омил – ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларини амалга ошириш қуро-

ли деб тушунган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Шарқда қонунчилик ва меъёрий тизимлар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилган. Бундай анъана Соҳибқирон Амир Темур давридаёт бутун дунё меъёрий тизимиға ва конституциячилигига кучли таъсир кўрсатган. Амир Темур «Тузуклар»и бунинг яққол далили.

Яна бир масалага алоҳида эътибор бериш зарур. Шарқ халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақом ва мартабага эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимоий институтлар, хусусан, маҳалла ва бошқа ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари асосан жамоатчилик фикрига таянган. Шундан келиб чикқан ҳолда, ижтимоий салмокли фикрларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ҳам анъанавий йиғилиш жойларида – маҳалла гузарларида, чойхоналарда, карvonсаройларда, тўй-маъракаларда, тантаналарда, ҳашарларда, ҳатто, меҳмондорчиликда ҳам амалга ошган. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри ҳар доим давлат қарорлари қабул қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган. Хукмдорлар ўз фаолиятларининг жамоат фикри томонидан қўллаб-қувватланишига эришишга уринган, қарор қабул қилишдан олдин уни жамоатчилик ризосидан ўтказишга эътибор берилган.

Хуллас, шуларнинг барчасидан келиб чиқадиган бўлсак, Шарқ халқларига, хусусан, бизнинг мамлакатимиз аҳолисида азалдан ўзига хос демократик анъаналар мавжуд бўлган. Ўз менталитети, моҳиятига кўра, умуминсоний қадриятларга нисбатан ўта хайриҳоҳлиги туфайли, халқимиз замонавий демократик қадриятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз. Бу, албатта, халқимизнинг тарихий-ижтимоий анаъналаридағи демократик ғоялар, тажрибалар, хусусан, жамоа демократияси намуналари билан ҳам боғлик.

Умуман, демократия қадимдан дунёning турли мінтақаларида турлича йўналишида ривожланиб борган. Унинг муҳим бир шакли эса айнан шарқона демократиядир. Демократия ғояларининг давлат ташиган кўриниши ҳам қадимий тарихга эга. Масалан, XIII асрда Самарқандда ҳукмронлик қилган сар-

бадорлар давлатида демократиянинг кўпгина унсурларини учратиш мумкин.

Тарихий демократиянинг иккинчи йўналиши жараёнли – сиёсий демократиядир. Унинг жамият сиёсий тизимини ҳалққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш борасидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ижтимоий демократия эса учинчи бир тарихий йўналишdir. Бугунги давр демократияни ислоҳотлар жараёнига айлантириди. Шу даврдан бошлаб демократия кенг ижтимоий ҳодиса тусини олди.

Демак, демократия асли тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, у инсон фаолиятининг турли жиҳатларига нисбатан татбиқ этилади. Шу маънода, турлича моделларда намоён бўлади. Буни ўз даврининг илфор мутафаккирлари ҳам теран англаганлар, улар демократия учун зарур бўлган шарт-шароит, яъни мустақил миллий тараққиёт заруратини алоҳида таъкидлаганлар. Хусусан, Заки Валидий Тўғон бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Демократиянинг бирдан-бир, ягона рецепти йўқ. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкониятини беришдадир. Демократия турли миллатда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий бир шарти бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишда иш қонунларига бўйсуниш керак бўлади. Инглизларда, Америкада, Швецияда, Норвегияда иш шу тарзда тузилган. Россияда эса бу йўқ. 1919йилда яхшигина демократик партиялар вужудга келди, аммо большевиклар партияси тепага чиқдию, бутун бошли партияларни йўқ қилди ва тарихда мисли кўрилмаган мустабидлик тузумини ўрнатди. Давлат ишида масъулият ҳиссининг умумийлиги ҳалқнинг маданий камолотига боғлиқ тарбия ва одат масаласи ҳамдир».

Бугунги шарқона демократияда қадр, оқибат, андиша, катталарга хурмат, она заминни ардоқлаш борасида ўзига хослик яққол намоён бўлади. Булар эса миллий истиқлол фояси амал қилишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Хаётни эркинлаштириш миллий истиқлол гоясини халқимиз қалби ва онгига сингдиришнинг мұхим шартидир. Миллий истиқлол гояси сиёсий вөкөликни уйғунлаштириб, турли шахслар, ижтимоий турухлар әхтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бири билан яқинлаштиради ва шу маңнода демократик қадриятларнинг нұфузини оширади. Кишилар онгини маҳаллийчик, уруғ-аймоқчилик, маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт гояларга нисбатан мағкуравий иммунитетни шакллантириш, мағкуравий курашда түғри йўл танлаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш миллий гояни халқимизнинг қалби ва онгига теран сингдирилиши билан боғлиқ. Миллий истиқлол гоясини амалга ошириш кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясига асосланади ва ундан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда манфаатлар уйғунылигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Миллий истиқлол мағкураси шахс эркинлиги гоясига таянади. Ўз ҳақ-хуқукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган вөкеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айни пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган инсонгина миллий гоя тамойилларини түғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-хуқукини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётнинг асосий мезонига айланиб бормокда. Жамиятда лоқайдлик, бепарволик, бокимандалик, порахўрлик каби иллатларнинг пайини қирқиши, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялаш миллий гоя таъсирчанлитини оширибгина қолмай, демократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз самардорлигини ҳам оширади. Шу ўринда эркинлик категорияси-

нинг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини ҳам таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатлари га мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодалайди. Буцида шахс бирор-бир моддий ва маънавий неъматга интилиб, шу йўлда зарур ҳаракатлар қилиши мумкинки, бу хатти-ҳаракатлар ўз навбатида бошқаларнинг интилиш ва манфаатларига зид келмаслиги керак. Чунки адолат чегараси, эркинликлар меъёри айнан шу асосда шаклланади. Аксинча, шахснинг хатти-ҳаракати ташқаридан бўладиган таъсиirlардан бутунлай холи бўлган, у ўз мақсадларига эришиш жараёнида ҳеч бир акс таъсиiri тан олмаган тақдирда эркинликнинг салбий жиҳати намоён бўлади. Чунки бу жараёнда «кимнингдир ва ниманингдир ҳисобига эркинликка эришиш» ҳолати содир бўлади. Шахс бу муносабатларни тўғри баҳоламаган тақдирда, у ўз хатти-ҳаракатлари билан адолатнинг бузилишига сабаб бўлади.

Албатта, эркинликнинг ҳар икки жиҳати ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Лекин шу билан бирга, улар ўртасида мураккаб, зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши муносабатлар ҳам мавжуд. Шахс эркинлигини эркинликнинг айнан ана шу ижобий ва салбий хусусиятларидаги мувозанат белгилайди.

Шахс эркинлигини таъминлашда сиёсий ва ҳуқукий институтларнинг демократик асосдаги тизимини шакллантириш мухимдир. Шу билан бирга бунда хусусий тадбиркорлик фаолияти, бозор муносабатлари жараёнида шахснинг ижтимоий фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, Ўзбекистон Конституциясида инсон эркинлигига ўзининг тўғри, мақбул талқинини топган, яъни унда эркинлик бошқаларга зарар келтирмайдиган фаолият сифатида баҳоланганди. Зоро, жамият ва давлат, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги муносабат индивид, ижтимоий бирликлар ва гурӯҳлар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси миллий ғоя тамойиллари асосида уйғунлаштиришни талаб этади.

Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари, аввало келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ.

Бунда ана шу яратилажак янги жамият, демократия, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, бозор муносабатларига боскичма-боскич ўтишнинг зарурати кабилар ниҳоятда мухим ўрин тутади. Ана шу нұктай назардан олганда, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши, ислоҳотларнинг одамлар манфаатларига мувофиқлиги, комил инсонни вояга етказиш-вазифалари бу борадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмими ташкил этади.

Миллий истиқбол ғоясинаң амал қилиш тамойиллари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган фаол меҳнат билан мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ҳозирги даврда хилма-хил мулкчилик шакллари ва мулк әгасининг қарор топиши, Ватан ва мустақиллик, жамият ва миллат муносабатларининг яхлитлиги, мамлакатимизнинг ҳалқаро нуфузи ва тинчликсевар алоқаларнинг ўсиб бориши, осойишталиқ, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғоялар ҳам ана шу тамойилларнинг ўзлигини тұла намоён қилишга хизмат қилади. Уларнинг ҳаётийлиги ҳалқ иродасига, рухиятига, миллий түйғулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади. Шунингдек, барпо этилажак янги жамият ва унга боришининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маърифий йүл-йўриклари миллий истиқбол ғоясинаң тамойилларига таяниш орқали самараали амалга ошиш имконига эга бўлади.

Айни пайтда, миллий истиқбол ғоясинаң амалий тамойиллари жамиятдаги барча қатлам ва ижтимоий кучларнинг фаолияти, мақсад ва интилишларига маънавий йўналиш беради. Шу тарзда миллий ғоя жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилади, уларни амалга ошириш имконини яратади.

Миллий истиқбол ғоясинаң амал қилиш тамойиллари шахснинг эркинлиги, сиёсий ва ҳуқуқий имтиёзларини қўллаб-қувватлаши, савоб ва жамият учун фойдалари ишларда инсоннинг фаоллигини ошириши, умуминсоний меъёрларнинг бойитилиши, кишиларда янгича муносабатлар қарор топиши

учун кураш олиб боришни ҳам англатади. Бундан кузатилган асосий мақсад демократик ўзгаришлар ҳаётимизнинг муҳим йўналишига айланган ҳозирги даврда миллий истиклол руҳида фикрловчи, ўз фаолиятида бунга амал қилувчи комил инсонларни вояга етказишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиклол маънавияти соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақидаги орзуларнинг рӯёбга чиқиши учун шарт-шароит яратди. Зеро, ҳақиқий фаровон жамиятнинг аъзолари ҳам етук маънавият соҳиби бўлиши шарт. Чунки ўзлигини англаган инсон, ўзгалилар, миллат, жамият, Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини ҳам англайди. Унинг қалби, тафаккури ва руҳиятида бундай улуғвор фазилатлар осон ва самарали камол топади. Маънавий етук, руҳи соғлом инсоннинг жисмоний меҳнати, турмуш тарзи, орзу-интилишлари эзгуликка томон йўналган бўлади.

Мустақиллик йилларида одамларни ғоявий тарбиялаш ва жамият маънавиятини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларимизнинг ўзлигини англаш, қадркиммат, иймон-эътиқод, она-Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат-эътибор туйгуларини ўстириб бориш йўлидаги ҳаракатлар ўзининг самарасини бера бошлади. Одамларнинг руҳияти, дунёқарashi, ижтимоий ҳаётга муносабати, амалий фаолиятида туб ўзгаришлар юз бермокда, уларнинг тафаккури уйғонмокда.

Миллий истиклол ғоясининг амал қилиш тамойиллари мамлакатимизда яшайдиган кишиларнинг тинч-тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиши, жамиятимиз ҳаёт тарзига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши сиёсий, ҳуқуқий ҳушёрлиги билан узвий боғлиқ. Чунки ҳозирги даврда тарбияланётган ва келажакда мамлакатимиз учун масъул бўлган кишилар ана шундай жараёнларнинг меваси эканлигига асло шубҳа йўқ.

Бугунги таҳликали дунёда ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётини тӯғри ташкил этиши, шахсий манфаат ва интилишларини ҳалқ ва Ватанининг пировард мақсадлари билан уйғуналаштира олиши мил-

лий истиқлол фояси тамойиллари амалиётининг энг муҳим кўрсат-
кичидир. Ана шундай кишиларни тарбиялаш ва вояга етказиш
ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умуминсонийликнинг устуворлиги нима?
2. Миллий қадриятларга пималар киради?
3. Ҳаётни эркинлаштиришни қандай тасаввур киласиз?
4. Конун устуворлигини тушунтириб беринг.
5. Виждон эркинлиги, фикрлар ранг-бараглиги деганда нимани ту-
шунасиз?

Реферат мавзулари

1. Истиқлол фояси амал қилиши тамойилларининг моҳияти ва мазмуни.
2. Инсонпарварлик, виждон эркинлиги ва фикрлар раиг-бараглиги.
3. Миллий қадриятларга содиклик, умуминсонийлик ва конуннинг
устуворлиги.
4. Эркин ва демократик жамият барпо этиш тамойиллари.

Олтинчи қисм

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИНИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИ ВА ОНГИГА СИНГДИРИШ

12-мавзу: ФОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ

Инсон жамият аъзоси экан, доимо турли гурух ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл-авторида, хатти-харакатларида у мансуб бўлган миллат, ҳалқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади. Тарихий шартшароит, давр, давлат тузуми ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар унинг дунёқарashi, фикрлаштарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд:

- макро босқичдаги ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари;
- микро босқичдаги ёки бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Бир қарашда инсон феъл-авторини иккинчи босқич таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки, «Куш уясида кўрганини қилади», деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда одамнинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оклади ҳам. Лекин макро босқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўғри бўлмайди. Масалан, шўролар тузуми жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, бальзи бир жиҳатдан иймонсиз бўлиб камол топишига замин яратганки, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини ерга урувчи иқтисодий сиёсат, коммунистик идеология сабаб бўлган. Умуман, тарихдан ҳам маълумки, қайси давлат ва мам-

лакатни олмайлик, босқинчилік сиёсати юргизилған жамият одамларининг психологияси мустақил юрт фуқаролари психологиясидан кескин фарқ қиласы.

Мустақиллик психологияси шундайки, унда ҳар бир фуқаро ўзининг эркин мәхнати билан ўзи ва ўзгалар манфаати ҳакида бирдей кайғуради, чунки фидокорона мәхнат ёки ти-нимсиз изланишсиз на бир шахенинг, на жамоанинг бири икки бўлмайди. Ўз истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам айнан шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, мәхнат қилаётганлар манфаатини кўзлашини ҳар бир эркин фуқаро тўла англайди.

Ҳар бир алоҳида шахс онги ва шуурида шаклланган туйфулар, фикрлар ва муносабат яхлит жамият, ҳалқнинг фикри ва гурурига айланганда шундай қудрат қасб этадики, оқибатда эркин ва ҳур яшаш, Ватан тинчлиги ва ҳар бир оиланинг хотиржамлигини таъминлаш ҳалқнинг эътиқоди булиб қолиши лозим. Демак, кўпчиликнинг маслак ва тилаклари, фикрлаши ва муносабатига айланган ғоя, тасаввур ва билимлар тизими халқ эътиқоди деб аталади.

Халқ эътиқоди ва унинг руҳи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ижодий фаолиятга, қасб-корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек ҳалқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, ўз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Буни биз буюк инсонлар, мутафаккирлар тимсолида кўрсак бўлади. Чунки ҳалқ руҳи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илфор вакиллари, мутафаккирлар ифода этади. Масалан, Амир Темурнинг давлат қурилиши ва саркардалик бобидаги юксак иқтидори, ҳалқимиз руҳиятидаги салоҳият ва имконият ифодаси бўлган Алишер Навоийнинг ижоди ҳам ҳалқ эътиқодининг ўлмас намунасидир. Ҳалқ эътиқоди, юқорида эътироф этилганидек, ҳар бир шахс эътиқодининг йўналишини белгилайди. Атрофдагилар ва яқинлари тақдирига бефарқ бўлмаган, кўпчилик манфаатини ўз мағфаатидан устун билган инсон бундай эътиқодга берилган ва ундан таъсирланган ҳисобланади.

Агар инсон боласининг туғилиш оиласидан бошлаб унинг илк ривожланиш даврлари хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб у табиатан факат ўз ички ҳиссиётлари, туйфулари доирасида ривожланади. Яъни, унинг учун ўз хошиш истаклари, эҳтиёжлари ва уларни қондиришдан ортиқ ташвиш йўқдай. Лекин ўша эҳтиёжлар орасида ота-онасига, энг яқинларига писбатан ҳиссий интилиш, улар билан эмоционал мулокотга кириш истаги кучли бўлгани сабаб у ипсонлар жамияти ва ундаги муносабатлар меъёрларини секин-аста ўзлаштириб боради. З ёшдан сўнг оиласидаги мулокотга тенг-курлар жамиятидаги мулокот қўшилиши муносабати билан бола худбинлик кайфиятидан янада тезроқ воз кечада бошлайди. Акс ҳолда жамият, кўпчилик унинг инжикликларини кўтармайди. Шу тарзда соғлом мулокот мухити болали кўпчиликнинг фикрига эргашиб, кўпчилик ҳақ деб эътироф этган ахлоқ меъёрлариш эгаллаш, инсонгарчлик тамойилларига амал қилишга ўргатади.

Шундай қилиб, бола учун кеңг ижтимоий мухитдаги соғлом тоялардан, ҳалқ руҳининг қадриятларидан тўла баҳраманд бўлиш имконияти туғилади.

Эзгу фикрнинг таъсирчанлиги. «Яхши сўз – қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Дарҳақиқат, ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган шутқ, бамаъни фикр ҳар доим одамларининг хулқ-авторига ижобий таъсир кўрсатади. Ана шуцдай фазилатлар соҳибини одатда «Бамаъни одам» деб таърифлашади. Бундай шахслар соғлом мулокот мухитида фазилатларини ўзгаларга намойиш қила олади, ўзини эркин тутади ва ўзига ишонади.

Мулокот жараёнида фикрга, соғлом тояга эга бўлиш – масаланинг бир жиҳати. Унинг бошқа бир мухим жиҳати ана шу фикрларни баён эта олиш қобилннатидир. Инсоний муносабатлар соҳасида буюк мутахассис деб эътироф этилган Дейл Карнегининг кучи ва машҳурлиги аввало унинг гапириш ва ўзгаларни тинглаш қобилиятида намоён бўлган. У бир вактнинг ўзида минглаб одамларга мурожаат қила олар ва тингловчилар вактнинг қандай ўтганини ҳам сезмас экан. Демак,

нима ҳакида гапириш эмас, у тұғрида қандай гапириш ҳам үтә мұхим. Ана шундай таъсирчан гапириш маҳорати ва саньати – риторика фани бўлиб, у одамдаги нотиқлик ва ўзгаларни ўз қарашларига эргаштира олиш маҳоратини назарда тутади. Мафкуравий тарбия ва таъсир жараёнида ҳам гапга чечаник, сўз бойлиги ва уни аудиторияга етказа олиш мұхим аҳамиятта эга.

Сўз ғоявий таъсир воситаси. Миллий ғояларни халқ онгига етказишида сўз асосий таъсир воситаси бўлган ва бўлиб қолади. Шу сабабли қадимги Грецияда риторика мактаблари ташкил этилган ва воизлар махсус қоидалар ва қонунлар асосида омма олдига чиқиб сўзлашга ўргатилган. Одамлар онгига муайян ғоя асосан шу йўл билан сингдирилган.

XX асрга келиб, риторикага оид классик ёндошув ҳам қайта кўриб чиқилди. Американинг Йел шаҳридаги риториканинг тажриба мактаби 60-йилларда кўплаб тадқиқотлар ўткашиб, мафкуравий ва сиёсий тарғибот ҳамда таъсир учун сўз ва нутқни мутлақ самарали деб бўлмаслигини исбот қилди. Чунки омманинг сиёсий қарашлари ва онгига таъсир кўрсатишнинг бошқа механизмлари борлиги тажрибаларда асосланди. Олимларнинг эътироф этишларича, мафкуравий фикрлар маълум бир қарашлар тизими бўлиб, унда мантиқ етакчи ўрин тутади. Лекин инсон онги ҳар доим ҳам мантиққа бўйсунавермайди. Бу йўл ёки восита аник фанлар соҳасига, умуман илм-фанга тааллукли деб ҳисобланади. Маълум бўлишича, одамнинг ўзи ишонишни хоҳламаган нарсага ишонтириш үтә мушкул иш экан. Чунки у ўзининг шахсий қарашлари, манфаатларига мос келадиган нарсаларгагина ишонади. Яъни, оммага чиройли илмий иборалардан кўра, табиий, одатий, кундалик ҳаётда ишлатиладиган иборалар, сўзлар тизими тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Тажриба ўткир сиёсатдонларнинг ҳеч қачон ўз нутқларида файритабиий, илмий иборалардан фойдаланмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тингловчига таъсир этувчи ва унинг ишончини үйғотовувчи нутқ шундай бўлиши лозимки, уни тинглаганлар ҳар бир ифода этилган сўз устида камрок ўйланиши, ак-

синча, таниш, ўзига ёқимли нарсалар хусусида гап бораётганини қалбан ҳис қилиб туриши керак. Демак, нотик ёки воиз нутқида ишлатиладиган, жамият ва халқ манфаатини ифодаловчи ижтимоий рамзлар – сўзлар, иборалар, шиорлар, нарса ёки ҳодисалар ўша тингловчи талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига бевосита алоқадор бўлгандағина таъсирчан ва ишончли бўлади.

Мафкуравий таъсирнинг яна бир муҳим ҳусусияти борки, у ҳам бўлса, муайян қарашлар тизимини бирдан, бир вақтнинг ўзида ифода этишга интилмаслик. Чунки оддий тингловчи айрим-алоҳида фикрлар орқали ўша мафкуравий тизимнинг туб моҳиятини англаб олиши мумкин. Масалан, миллий қадриятларимизнинг аҳамиятини уқтириш учун уларнинг барчасини бир бошдан санаб ўтиш шарт эмас. Яъни, она меҳрмуҳаббатининг нақадар улкан куч экани, бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она атласининг таъсирчанлигини англаш ҳам кучли кечинмаларни уйғотиши мумкин.

Эзгу фоя ва эътиқодни шакллантирувчи омиллар. Инсон эътиқодсиз, фоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Шахс ва унинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, унинг шаклланиши моҳиятан ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масалага эътиборнинг ортиб бораётганининг боиси шундаки, шахсдаги мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги эзгу фоя ва иймон эътиқод муҳим аҳамиятга эгадир. Агар биз ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқараашни шакллантира олсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода, шахс эътиқоди ундаги шундай барқарор ва тे-ран фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуики, мафкуравий дунёқарааш ҳамда миллий гоялар аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади.

Шахснинг маънавиятини белгиловчи бошқа кўплаб психологияк бирликлардан фарқли ўлароқ, эътиқод ва дунёқарааш нисбатан барқарор ва уйғун бўлиб, уни осонликча, тез фурсатда ўзgartириб бўлмайди. Шунинг учун унинг табиатини

үрганиш, унииг ўзгаришига таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаш масаласи билан бевосита боғлиқдир.

Шахс камолоти жараёнида унииг турли зиддиятларга ва заарли эътиқодларга берилиш ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, психологлар этник зиддиятлар ҳамда диний эътиқодлар шаклланиши ва ўзгаришига катта эътибор бериб, ушбу жараёнга хос умумий қонуниятларни ўрганганлар. Масалан, машхур американлик психолог Гордон Оллпортининг фикрича, эътиқод ва этник зиддиятлар ўзига хос умумлашган установкалар бўлиб, агар шахсда муайян бирор миллат вакилларига нисбатан салбий муносабат ёки зиддият мавжуд бўлса, демак, унда бошқа бир миллат вакилларига нисбатан ҳам худди шундай муносабатни кутиш мумкин.

Шахс эътиқодига алоқадор бўлган шундай зиддиятлардан бири диний бўлиб, уни ҳақиқий тақвадорлик ёки ҳақиқий эътиқоддан фарқлаш зарур. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда шахсдаги ташки ва ички диний эътиқодни ёки динга мойилликни фарқлайдилар. Америка олимлари ўтказилган кўплаб тадқиқотларда сифиниш жойларига бориш билан эътиқодлилик кўрсатгичлари ўртасидаги боғланишни ўргандилар. Бу боғланиш **бевосита** бўлиб, мунтазам черковга қатнайдиганлардаги толерантлилик ўртача қийматли бўлиб чиқди. Черковларга мунтазам қатнайдиган шахсларда инсонийлик даражаси юқори бўлади. Ўша тадқиқотлардан маълум бўлишича, диний манбаларни тўла мутолаа қилиб чиқсан одам одатда – анча зиддиятлардан ҳоли, толерантлиги эса юқорироқ булар экан. Бу тадқиқотлардан қандай хуласалар чиқариш мумкин?

Биринчидан, шахс эътиқоди унииг жамиятдаги хулқини белгиловчи омил бўлгани учун ҳам уни шакллантиришга энг аввало жамият ва жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади.

Иккинчидан, биз эътиқодни шакллантирувчи ҳар бир омилнинг таъсир кучи нималарга боғлиқлигини билишимиз керак. Булар куйидагилардир:

а) таъсир курсатувчи манба-шахс ёки гурух, бошқача қилиб айтганда, коммуникатор;

- б) таъсир мазмуни ёки маълумот;
- в) таъсир воситаси ёки маълумот етказувчи тармок;
- г) таъсирни қабул қилувчи ёки аудитория.

Таъсир кўрсатувчи шахс – таълим берувчи. Таъсир кўрсатувчи шахсдан нималар талаб қилинади? Аввало, тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишончи ва бошқалар. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби, методларига ўзида мавжуд билим, тушунча, фояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, қолаверса, кенг ҳалқ оммаси онгида мустаҳкам эътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатиш ва тақлид этишга чорлашдир. Бунда у мулоқотининг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан – монолог, диалог, баҳс-мунозара, брейншторминг кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгалланиши талаб қиласди. Сўзловчи ўз нутқида нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрида мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Агар воиз ёки потик ўзига берилган минбарда факат сўз ва иборалар тизимидан фойдаланиш билан чекланса ёки қоғозга туширилган матндан четга чиқолмаса, уни аудитория тингламайди, унга ишонмайди. Шунинг учун ҳиссий таъсир усуllibари— ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика ва патомимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир муҳим хислат – гапираётган кишиининг ёқимтойлигицир. Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида, воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар аудиториясида, мантиқий, илмий таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

Ахборотнинг мазмуни. Нотиқнинг нима ҳақида гапираётгани ҳам мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган – (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссиеёт уйғотовувчи) маълумотлар тез таъсир қиласди. Бунда аудитория хусусияти на-

зарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган одамлар аудиторияси фактларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастрок шахслар кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга уч булади. Бундайлар ҳаттоқи улардаги айрим негатив хис-туйғуларни кўзғатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фолрок бўлади. Шунинг учун ҳам касалликка қарши ёки зарарли одатларга қарши қаратилган рекламада кўпинча даҳшат уйғотувчи расмлар берилади. Ёки фикрни ўзғартириш учун берилаётган маълумот тингловчидаги мавжуд бўлган билимлардан кескин фарқ қилса ҳам, унда янги маълумотга нисбатан ишонч ва уни қабул қилишга мойиллик кучли бўлади.

Мафкуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарслеклар, ёзма манбаларда мужассамлашган маълумотлар кирса, иккинчисига маъруза ўқиш, дарсни баён этиш, мунозара ва сұхбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий тоялар турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Мұхими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

Маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини уларнинг оммабоплиги, билдирилган ёки ифода этилган тояларнинг содда, ихчам ва равон баён қилинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда теран муносабат шаклланади.

Бундан ташқари, бирламчилик ва иккиламчилик самараси конунияти ҳам бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, дастлаб қабул қилинган маълумотнинг мазмуни одамга кучлироқ таъсир қиласи. Лекин, иккинчи томондан, тингловчи томонидан охирида эслаб қолинган маълумот ҳам хотирада мустаҳкам ўрнашади. Буни ҳам мафкуравий тарбия жараёнида албатта инобатга олиш зарур.

Болалар билан миллий тояларимиз хусусида олиб борила-диган сұхбатларда тарбиячи ёки мураббий аввалдан тайёр са-

воллар тартибини ишлаб чиқиши, ишлатиладиган таянч иборалар катта аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир жумла ёки иборапинг конкретлиги, ҳаётийлиги ва образлилиги мухим аҳамиятга эга бўлади.

Таъсир воситаси (алоқа тармоғи). Тарбияда яна бир омил – маълумотнинг нима воситасида узатилиши масаласи дол зарбдир. Албатта, одамларга юзма-юз туриб ўз фикр ва эътиқодини баён этиш энг таъсирчан усулдир.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тингловчи билан алоқа бевосита ёки бавосита бўлади. Юзма-юз учрашувлардаги мулокот ёки таълим-тарбия жараёнидаги таълим берувчи билан ўкувчи ўртасидаги алоқа ёки ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар бевосита алоқага мисол бўлса, оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, телевидение, радио, газета ва журналлар, китоб ёки рисолалар воситасида мулокот бавосита алоқани билдиради.

Ижтимоий реклама ҳам, инсон онги ва идрокига таъсир кўрсатувчи кучли восита ўлароқ, foявий тарбияда катта ўрин тутади. Масалан, таникли ва баобру шахсларнинг маданий ва маънавий меросимиз, обидаларимиз олдида туриб интервью беришлари жуда самарали бўлади. Мисол учун, Самарқанддаги Регистон майдонида интервью берадиган шахс шаҳардаги ободончилик ишлари ҳақида гапираётган бўлса ҳам, асрий обидалар томошабинда миллий маданиятимизга ҳурмат, ундан фуурланиш туйғуларини ўша муқаддас қадамжоларни бориб зиёрат қилиш истагини уйғотади.

Аудитория, яъни тингловчилар хусусида гап кетганда, қандай инсонлар ишонувчан бўлади, қандай одамлар соғлом foяларни ёт, бузғунчи foялардан фарқлай олади, деган савол ўта мухимдир. Чунки одамлар ҳар хил. Масалан, улар биргина сифатлари – ўз-ўзларига бўлган баҳолари нуқтаи назаридан фарқ қиласди. Масалан, ўзи, ўз қобилият ва фазилатлари хусусида камтарона фикр юритадиган одамларнинг янги маълумотларга, нотаниш манбаларга ишониши, эътиқод ҳосил қилиши жуда секин содир бўлади, улар ўзларига қанчалик ишонмаса, бошқаларга ҳам шунчалик ишонмайди. Ўзи ҳақида анча

юқори фикрлар билан юрадиганлар эса маълумотларни тез қабул қиласди, лекин ўзларидаги мавжуд фикрларга нисбатан ҳам кибор, ғуур бўлгани сабабли, бошқаларнинг фикрига тезгина эргашмайди. Демак, хулоса шундайки, инсоннинг ўзига бўлган баҳоси меъёрида, ўртacha ҳамда холис бўлиши керак.

Психологик нуқтаи назардан аудиториянинг асосан тўрт хил тури фарқланади:

1. *Пассив ўзлаштирувчи аудитория*. Бу юқорида таъкидланган ўзини ҳали холис баҳолай олмайдиган содда инсонлар бўлиб, уларга ўз навбатида содда, тушунарли, машғул қилувчи маълумотлар ёқади. Мафкуравий мавзудаги ахборотлар ҳам ҳаётий, лўнда фикрларда баён этилса, уларда ижобий муносабат шаклланади.

2. *Фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол аудитория*. Булар маълумотли, зиёли, янгиликка ўч инсонлар бўлиб, уларга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ахборот муаммоли, долзарб, баҳсталаб бўлгани маъқул. Талабалар, магистрант ва аспирантлар, олимлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

3. *«Эътиқоди суст» аудитория*. Булар маълум сабабларга кўра тарбияси оғир кимсалар тоифасига кириб қолган, ҳаётда аниқ мақсади ва маслаги йўқ, ўз устида ишламайдиган инсонлар. Уларнинг орасида асосан ўсмирлар ва ўспиринлар кўп бўлади. Диний ақидапарастларнинг домига тушиб қолган ёшлилар ҳам шулар жумласидандир. Улар янгиликларга, уларнинг тафсилотларига бой бўлган ахборотга ўч бўлади. Шунинг учун бупдай тоифадаги кимсаларга баобру шахслар орқали таъсир кўрсатиш маъқул.

4. *«Муҳим уй» аудиторияси* – бу асосан уй бекалари, қарилар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вактини уйда ўтказадиганлар. Уларни ҳаётий видеофильмлар, кизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қиласди. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, уларнинг соддалиги, самимиятга учлиги ва инсоний эътиборга муҳтоҷлигини инобатга олиб иш кўрилса, самарали бўлади. Улар кўпроқ уй ишлари билан банд бўлгани учун мулоқот ва учрашувлар уларнинг дам олиш вактларига мўлжалл-

ланиши, миллий удумлар, расм-руссумларимизнинг ноёб жиҳатларидан фойдаланиш, таъсир вақти ва жойи масаласини маҳаллалар фаоллари ва хотин-кизлар қўмиталари билан ҳамкорликда ўйлаб кўриш керак бўлади.

Мафқуравий ишларни ташкил этишда аудиториянинг *каторта ёки кичиклиги* ҳам инобатга олиниши керак. 100-200 кишидан зиёд одам бўлса, бу катта, 15-100 тагача одам бўлса, ўртача, 15 тагача бўлса, кичик аудитория ҳисобланади.

Воиз билиши шарт бўлган коидалар:

- катта аудиторияда -воизлик маҳоратининг ўта юқори бўлиши;
- кўргазмали воситалардан фойдаланишда ўта аниқлик бўлиши;
- саволларнинг минимал даражада кам бўлиши;
- кичик аудиторияда -савол ва жавобларпинг максимал миқдорда бўлиши;
- расмиятчиликдан холи барқарор бўлиши;
- потиқнинг мавзуга оид билимларининг мукаммал бўлиши;
- воизлик маҳорати ўртача бўлиши ҳам мумкин;
- мазмунни ёритишда ижодий ёндашув.

Бундан ташқари, аудиториянинг ёш ҳусусиятларини, уларнинг билимлари даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Мафқуравий тарбия ишлари самараадорлигини баҳолаш мезонлари. Бу – ўта нозик ва масъулиятли иш. Агар бундай иш 15 кишигача бўлган кичик аудиторияларда амалга оширилган бўлса, унда тингловчи – ёшлар, тарбияланувчилар ёки талаба-уқувчиларнинг дунёқарашларини бевосита сухбатлар, ёзма ишлар ва уларнинг ишга, воқеа-ходисаларга бўлган муносабатлари орқали аниқлаб, машғулотларни қайта-қайта ўтказиш мумкин.

Агар аудитория 15 кишидан 100 кишигача бўлган ўртача катталикда бўлса, унда одатда тадбир ёки турли мавзулардаги йиғилишларда жам бўладиган одамлар гурухи назарда тутилади, унинг самарасини бир мартада аниқлаш мушкул бўлади. Чунки психологияда шундай қонуният борки, аудиторияни ташкил этувчи одамлар сони ортиб боргани сари уни ташкил

этувчилар бир-бирига жуда ўхшаб боради. Шунинг учун 100 ва ундан ортиқ, 200, 300 кишилик аудиторияни тўплаб ўтказилган маънавий ва мафкуравий тадбирлар самараадорлигини оширишда жуда кўп омиллар ҳисобга олиниши керак. Бундай шароитда бахс юритиш, фикр алмашиш ёки одамларнинг етказилаётган маълумотни кай даражада ўзлаштираётгани бўйича мониторинг олиб бориш анча мураккаб бўлади. Бундай пайтларда янгиликка ўта ўч тингловчи ҳам воизга нисбатан нейтрал мавқени эгаллаши, унинг фикрларига тўлиқ эргашаслиги мумкин. Чунки бу ерда foяларга айрим алоҳида *шахслар эмас, гуруҳлар эргашади*. Агар муайян гуруҳ ахборотни қабул қилишга умуман мойил бўлса, унда тинглаш қобилияти бўлади, аксинча, ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмагандай ўтираверади. Мабодо тингловчилар орасида савол берувчилар пайдо бўлса, бу савол кўпчиликка маъқул бўлмаслиги ёки айримларга ёкиши мумкин, бундай вазиятда топқирлик ва зукколик қилиб, барчага маъқул келадиган гапларни топа олиш лозим.

Шунинг учун Ватан ва юрт такдирига алоқадор муҳим мавзулардаги учрашув ва маърузалар имкон қадар торроқ давраларда, тўғарак столлар атрофида амалга оширилса самарали бўлиши психологияда ва ижтимоий таъсир амалиётида исбот қилинган.

Мафкуравий таъсир самараадорлигини ўлчаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг сиёсий бидимдонлиги, ижтимоий фаоллиги;
- жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамларнинг ўзипи руҳан тетик ва бардам тутиши;
- ватанпарварликнинг турли кўринишлари қундалик турмушда тобора кўпроқ намоён бўлиб бораётгани;
- аҳолида маълумотлиликдан манфаатдорлик кайфиятининг борлиги, барчада билим савиасини оширишга интилишнинг кучайиши, газета-журнал, вактли матбуот, нашрий ишларга талаб ва таклифнинг ортиб бориши;
- жиноятчилик ва хукукбузарлик ҳолатларининг йил сайин камайиб бориши, аёллар ва ўсмиirlар ўртасида содир этиладиган жиноятчиликнинг бартараф этилиши;

- гиёхвандлик ва турли заарли одатларнинг ёшлар ўртасида йил сайин камайиб бориши, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки;
- диний, дунёвий билимларга муқобил муносабат, шу соҳалардаги адабиётларга нисбатан эҳтиёжнинг бир маромда сақланиши;
- оиласларнинг мустаҳкамлиги, ажримларнинг камайиб бориши;
- фуқароларда қонуnlарга нисбатан итоаткорликнинг шаклланиши;
- бутун жамият миқёсида соғлом маънавий ва ижтимоий мухитнинг шаклланиши.

Ижтимоий фикрни ўрганиш. Бу – маънавий-мафкуравий табдирларнинг кенг халқ оммаси ва ёшлар онгига нечоғлик чукур сингиб бораётганини ўрганишнинг ишончли йўлларидаи биридир. Ижтимоий фикр – гуруҳ ёки жамият томонидан якдил тарзда изҳор қилинадиган умумий нуктаи назардир. Ижтимоий фикр кўпинча ижтимоий психология ҳамда социология фанлари томонидан ўрганилади. Лекин жамият тараққиётининг ҳозирги босқичига хос бўлган жараёнлар ижтимоий фикрни фақат маълум гуруҳ мутахассисларигина эмас, балки барча фаол шахслар ўрганишини тақозо этади.

Кундалик ҳаётимизда, айниқса, Ўзбекистон шароитида ижтимоий фикрнинг асосий барометри, ўлчови – бу маҳалладир. Маҳалла ахли ҳар бир оиласда рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалбидағи ҳис-кечинмалар ўрганилади. Шу маънода, Ўзбекистон шароитида маҳалланинг ҳақиқий деморатия дарсхонаси эканлиги унинг ижтимоий фикрни бошқариш имкониятларида ҳам ўз тасдифини топган.

Шунга қарамай, мафкуравий ишлар амалиётида, жамиядаги маънавий баркарорликни таъминлаш учун, ижтимоий фикрни муттасил ўрганиб бориш, бунга жамоатчиликнинг энг илфор вакилларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий

фикрни ўрганиш қўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

1. Социология ва психологиянинг маҳсус усусларини кўллаган тарзда, мутахассислар иштирокида амалга ошириладиган тадбирлар. Бунда асосан сўров усуслари – анкета ёки интервью йўли билан жамоатчилик фикри ўрганилади. Анкета ёзма сўров шакли бўлиб, унга киритилган саволлар ёрдамида миллий ғоянинг мазмунига алоқадор масалаларнинг ёшлар томонидан қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мумкин. Анкета саволлари тингловчилар онгидаги билимлар қай даражада мустаҳкам экани ҳақида маълумот олиш имконини беради. Умуман, миллий ғояларнинг инсон онгидаги мониторингини аниқлашда, маълумотлилик даражасига қўра, очиқ саволлар билан ёзма фикрларни тўплаш, интервью йўли билан хилма-хил фикрларни ўрганиш самаралироқ ҳисобланади.

2. Жойларда, маҳалла қўмиталари, ўкув масканларида «Ишонч почталари» ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда ахолининг ҳат, хабарлари орқали рўй берадиган жараёнларга, мафкуравий ўзгаришларга, маҳалла-қўй, туарар-жойлар ва меҳнат жамоаларидаги айrim салбий ҳодисаларга муносабати аниқланади, халқнинг ислоҳотлардан манфаатдорлиги ўрганилади.

3. Ҳужжатлар, ёзма манбалар ва хатларнинг мазмуни, телевидение, радио ва вактли матбуот сахифаларида меҳнаткашларнинг фикр-уйларининг баёнини ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатдан таҳлил қилиш орқали уларнинг миллий ғоялар моҳиятини қай даражада тушунаётгани, уларга муносабати, бу жараёндаги иштирокини ўрганиш мумкин. Бу ҳам жаҳон тажрибасида синалган ишончли усуслардан бири.

Шундай қилиб, миллий истиқлол ғоясининг халқимиз қалби ва онгига сингдириш жараёни мураккаб, кўпбосқичли ва ўта масъулиятли бўлиб, улар самарадорлигини муттасил ўрганиб бориш, янада маҳсулдор ва таъсирчан тарбиявий усусларни амалиётда қўллаш, такомиллаштириб бориш ушбу йўналишдаги ишларнинг таркибий қисмидир.

Мустақил ўзлаштириши учун топшириқлар

1. Халқ ижодиёти намуналари асосида миллий қадриятларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрланг.
2. Маҳаллангиз ёки сиз таълим олаётган ўкув ютидаги маънавий тадбирлар самарадорлигини ўрганиш дастурини эркин равишда ишлаб чикинг.
3. Маънавий меросимизда тарғиб этилган ватанпарварлик ва халқчиллик foяларини тенгдошларнинг билан бирга ўрганиб чикинг.
4. Эркин фуқаролик жамиятини куришда ёшларнинг ўрнига бағишлиган давра сұхбати ўтказинг.

Реферат мавзулари

1. Инсон маънавиятига таъсир киладиган мағкуравий омиллар.
2. Соғлом мулокот маданиятини шакллантириш йўллари.
3. Эътиқодни тарбияловчи ва мустаҳкамловчи омиллар.
4. Мағкуравий ишларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари

13-мавзу: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИНИ ЁШЛАРНИНГ ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ ШАКЛ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ

Фоявий тарбия тушунчаси. Миллий истиқлол foяси Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу ниятлари, буюк максадларини ифода этиб, халқнинг ўз максад-муддаоларига эришиш учун маънавий-рухий куч-қувват бўладиган пойdevордир. Бу жараён жамият аъзоларининг туб манфаатларини кўзда тутади, бинобарин, ҳар бир фуқарони миллий истиқлол foяси руҳида тарбиялаш шу юртнинг фарзандлари учун муқаддас бурчдир.

Тарбия нима? Агар «тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари бўлади. Қадим замонлардан тарбия ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириши шаклларидан бири сифатида қараб келинган. Тарбия асосан меҳнат фаолияти (овчилик, чорвачи-

лик, дәхқончилик ва шу қаби) жараёнида, турли урф-одатлар, маросимлар ўтказиш вақтида амалга оширилган. У асосан жисмонан бақувват бўлишга қаратилган. Психолог Д.Эльконин болалар ўйини тарихини таҳлил қилиб, тараққиётнинг маълум даврига қадар умуман болалар ўйини категориясининг ўзи бўлмаганини исбот килган. Лекин ўша пайтларда қатталарнинг болаларга таъсири бевосита бўлиб, тарбия жараёни ҳозиргидан фарқли шароитларда кечган. Мехнат фаолиятининг кўпқиррали бўлгани ва мураккаблашиб бориши боис катталар билан болалар ўртасидаги муносабатларда рўй берган ўзгаришлар туфайли ўзига хос болалар жамияти пайдо бўлган ва бу жамият аъзолари катталар тажрибасини ўзлаштиришнинг турли-туман йўлларини топиб, ўз ҳаёти ва фаолиятини такомиллаштириб борган. Бу биринчи навбатда касбхунар турларининг кўпайиши ва такомиллашиб бориши билан ҳам боғлиқ бўлган.

Бола истаган соҳа бўйича таълим-тарбия олиб, ўзи хоҳлаган ихтисосликни эгаллашга ҳакли. Лекин унинг хоҳиши билан жисмоний имконияти ҳар доим ҳам бир-бирига мос кела-вермайди. Одатда, ота касбини, тўғрироғи, бобо мерос касбни тутган ёшлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонади. Чунки болада отанинг қони, унинг лаёқати бўлади. Демак, касб тарбияси, болани ёшлиқдан эл-юргатга фойдаси тегадиган меҳнат фаолиятига йўналтириш ҳам мафқуравий аҳамиятга эгадир.

Фоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши – бу foявий тарбиядир. Бу – инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, хуқукий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра foявий тарбиядир. Чунки оилтани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оламизми – ҳаммасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол

топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу – том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гурух, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Нима учун бир жамият, ижтимоий гуруҳ (масалан, сиёсий партия, ижтимоий ҳаракат) мафкурасини бошқа бир ижтимоий гурухга мажбуран сингдириш нотўғри. Чунки мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос ўзларидағи мавжуд эҳтиёжлар, тилак, орзу, умидлар ҳамда манфаатлар асосида ўша гурухнинг қарашлари, тасаввурлари дунёси ҳамда ғояларининг маҳсули сифатида яратилади. Унда бошқалар манфаатлари ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Бас, шундай экан, ўзгалилар манфаатини кўзловчи мафкурани халқ онгига зўрлаб сингдириб бўлмайди. Масалан, америкаликларнинг ўз мафкуравий қарашлари бор, бу қарашлар тизими ҳар бир америкаликни юрти билан фахрланиш, унинг келажаги учун қайғуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундаши табиий. Лекин бу қарашларга суюнган ва уларни чукур таҳлил қилиб ўргангандан ҳолда биз ҳам факат шундай қилсанк бўлар экан, биз ҳам факат шу йўлдан борайлик, деб бўлмайди. Чунки ҳар бир жамият ривожининг ўзига хос қонуниятлари мавжудки, ўша жамият аъзолари уларни ўзларининг туб мақсад ва манфаатлари асосида шакллантиради.

Фоявий тарбиянинг мақсади. Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гурухнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илфор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод килаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини

ифодаловчи энг соғлом гоялар ва фикрлар тарзида – халқ тафкури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

Мафкуравий тарбиявийлик энг аввало юксак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидағи масъулият, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Ёшларни гоявий тарбиялаш. Соғлом гоялар тарбияси юксак дунёқарашиб ва эътиқод тарбиясини англатади. Дунёқарашиб – тартибга солингган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва гоялар мажмуйи бўлиб, у шахсни жамиятда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқарашиб ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни, танлаган йўли – касби, маслаги ва эътиқодига содикликни назарда тутади. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқарашиб ва эътиқод маҳсулидир.

Ёшлиқ, ўспиринлик даври дунёқарашининг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки, агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзgartириш учун ҳам қулайдир. Шу боис мафкуравий таъсирлар бевосита ёшлар аудиториясига, уларнинг қалби ва онгига қаратилган бўлади.

Масъулият. Гоявий тарбия мезонларидан бири бу масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришидир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни хис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Шахсий масъулиятни *фуқаролик масъулияти*дан фарқлаш лозим. Биринчиси – шахснинг кундалик фаолиятидан

келадиган шахсий манфаатни назарда тутса, иккинчиси жамият манфаатларини назарда тутади. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон энг аввало ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўкув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнациини ўйладиди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун ягона мақсад Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, демак, ҳар бир инсон фуқаролик масъулиятиning маъно-мазмунини ана шу foяларни амалга оширишда деб билиши даркор.

Охирги йилларда гарбда кеңг таркалган назарияга кўра, одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки тоифага бўлинади. Биринчи гурӯҳ ўз ҳаётида рўй берәётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули деб фақат ўзларини тасаввур қиласди. («Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлик, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман»). Иккинчи гурӯҳ барча воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташки омиллар, бошқа одамлар – ота-она, ўқитувчилар, ҳамкаслар, бошлиқлар, танишлар, кўни-қўшни ва бошқалар деб ҳисоблайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи шаклдаги масъулият кўпроқ ўсмиrlарга хос экан, уларнинг деярли 84 фоизини масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил экан. Америкалик олим Дж. Роттер ана шу асосда «назорат локуси» тушунчасини илмий асослаб берган. Унинг киритган фикрича, масъулиятни ўз зиммасига олишга ўргангандар болаларда хавотирлик, нейротизм, асабийлашув, жаҳолат каби салбий сифатлар кам учрар экан. Улар ҳар кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан кўп нарсани ўз қарашлари асосида ҳал этар экан.

Демак, масъулиятни ҳис қилган болалар ҳаётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлади. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий фурур туйғулари ҳам юксак бўлади. Шунинг учун ҳам мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда она Ватан олдидаги бурч, ўз тақдирни учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Эътиқод – психологияк ҳамда ижтимоий-психологияк түшүнчә бўлиб, одамнинг муайян қараш, таълимот, назария, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойилларини эмоционал-хиссий қабул қилиш жараёнида шаклланган событ фикр ва тасаввурлар мажмуидир. Ёки бошқача айтганда, эътиқод маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий маслаклар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул килинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби тургун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаймиз. Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг эътиқоди билан белгилана-ди. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида факат битта нарсага эътиқод қиласи. Масалан, Франциялик машхур сайёҳ Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма қўрган. Бир қарашда у бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлигандек туюлади. Денгиздан жуда узокда яшайдиган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва ишлари кераксиз бир нарсадек туюлади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун хурмат қиласи. Демак, эътиқодсизликдан қўрқиш керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кипини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафакат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам аввало фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доим лафзига амал қиласи, яъни бир нарсани қиласман, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишни охирига етказади. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнаи шу ишни қилаётганигини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий

Эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюокликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳакиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод, шахсдаги журъат, мардлик, фидоийлик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватаппарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

«Иймон» арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси ишончdir. Ҳакиқий эътиқод эгаси бўлган одамда иймон ҳам бўлади. Буюк меросимиз ҳисобланмиш «Авесто»да иймон ва эътиқоднинг ўзаро алоқаси ва унинг инсон тафаккур тарзи билан боғлиқлиги хусусида шундай дейилган:

*Ақлли ва иймонли кимсаларга
Багишлайман шодлик, бардам руҳ...
Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Иймон билан фикр айласин.
Иймон билан сўз сўзласин,
Ва иймонга амал қилсан.*

Иймон келтириш ёки ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган муайян нарса ва ҳодисалар таъсирида онга ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи ўрин тутади. Иймоннинг нима экани кўпинча шахс томонидан чукур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки унда инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалқ ватан хоинларини энг аввало «иймонсизлар» деб лаънатлади, зеро, туғилиб ўсан ери мұқаддас билиш, кин-дик қони тўкилган тупроқни соғиниш, Ватан равнақи йўлида баҳоли қудрат виждон билан меҳнат қилиш – иймонлилик белгисидир.

Иймон тушунчасига фақат диний тушунча сифатида қарашиб етарли эмас. Чунки ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солих ҳулқ соҳиби бўлиш, бутун инсоният мөхр-муҳаббати билан қарашиб, жамиятдаги ҳулқ меъёрларини қалбан

хис қилиб, уларни бузмаслика интилиш ҳам иймондандир. Агар бола ёшикдан гўзал хулқларни эгаллашга интилиб яшаса, мусулмончилик одатлари, хушхулқилик тамойилларини ўзлаштириб боришга руҳан тайёр бўлса, уни иймонли булиб тарбия топяпти, дейиш мумкин.

Соғлом дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар оңгиди шакллантиришининг қўйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашининг шаклланиши учун маълум муҳит ҳам зарур. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, бой илмий-адабий меросни ўрганиш, ҳалқ маънавиятини юксалтириш миллий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ижтимоий ва сиёсий институтлар – давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, иктидорли ёшларни қўллаб-куватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантириди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг буюк келажак булиёдкори булиб вояга етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

б) соғлом ғоялар. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, ҳалқ томонидан эътироф этилган илфор ғоялар бугунги кунда шундай фаол кучга айланганки, улар ёшларнинг психологик ва ижтимоий эҳтиёжларига тўла жавоб беради. Зоро, Ватанининг равнақи, юртнинг тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, комил инсон тарбияси учун яратилган шароитлар, айнан келажагимиз бўлган ёшларнинг манфаати учун хизмат қиласи.

в) сиёсий онг ва хуқукий маданиятнинг ўсишида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар ўз фаолияти билан фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига асосланган демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалга ошишига хизмат қиласи.

Ўзбекистондаги ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун хукуқий асос ва қонуний кафолатларга эга. Фуқаролар учун қайси сиёсий партияниң қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик ихтиёрий бўлиб, буидай эркинлик ёшларни фикрлашга, ўзича мустақил йўл таизлашга хизмат килади. Ҳар бир партияниң ўз дастурий фояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнда миллий истиклол мафкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши ҳаётниң бош мезонидир. Чунки ҳалқ манфаатлари, истиклол фоялари, қайси сиёсий ва мафкуравий кучга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир. Бу аслида том маънодаги сиёсий маданиятиниң белгисидир.

Фуқароларнинг хукуқий маданиятини юксалтириш чинакам демократик фуқаролик жамияти қуришининг муҳим омили. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг хукуқий онги юксак, билими етарли бўлиши, лекин уша хукуқий маданият этиш маслиги, у фуқаро сифатида ўз ҳалқи ва Ватани олдидаги бурч ва масъулиятини терапангламаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам фуқаролар, айникса, ёшларда хукуқий маданиятни юксалтириш мафкуравий тарбияниң муҳим шартидир.

Хукуқий маданиятни шакллантириш омиллари қўйидаги лардир:

- хукуқий маданиятга оид оммабон адабиётлар;
- таълим муассасаларида ҳукуқий маданиятга оид маҳсус ўқув курслари;
- ижтимоий мулокотининг хукуқий тамойиллари мавзуига оид тадбирлар;
- мустақилликниң инсон манфаатларига қаратилган ҳукуқий асосларини кенг ҳалқ оммаси орасида тарғиб этиш ва бошқалар.

г) ёшларнинг билим даражаси. Илгор фояларни амалга оширишининг яна бир муҳим шарти уларни ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий қатлам ёки гурӯҳнинг билим савиаси, маълумотлилик даражасидир. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Каэрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим түғри-

сида»ги қонун ёшларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган тарихий хужжатлардир, улар ҳар бир ёшнинг билим даражасини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшликтан китобга, билимга меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор бўлса, у соғломояни заарли тоядан, дунёвийликни даҳрийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Моявий соғломлик ҳар қандай гайритабиий фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва заарли тояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тӯғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади.

д) одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, илфор фикрлашга ўтиш мафкуравий янгиланишлар жараёнининг муҳим хусусиятидир. Таъкидлаш лозимки, инсон ўзи учун одатий бўлиб қолган фикрлаш тарзидан осонликча воз кечолмайди, чунки эскича фикрлаш бир қарашда кулай бўлиб кўринади. Буни арифметикадаги мантиқ билан алгебрадаги мантиқ қоидасига киёслаш мумкин. Арифметикани ўзлаштирган бола алгебрадаги айният, теоремаларни руҳан кийналиб қабул қилгани каби, инсон тафаккури ҳам ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини бирдан қабул қилолмайди. Лекин янги давр, янгича ислоҳотлар, демократия, бозор муносабатлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни тақозо этади ва бу ривожланишнинг, тараққиётнинг асосий шартидир. Шунинг учун миллий истиклол тояси асосий тушунча ва тамойилларининг кенг омма қалби ва онгига сингиши бирданига, тез ва бир текисда рўй бермайди. Бу— мураккаб, босқичма-босқич амалга ошадиган жараён бўлиб, бу жараёнда, бошқа ижтимоий қатлам вакилларидан фарқли ўларок, ёшлар ташаббускорлик кўрсатиши ва ўз дунёқараши ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир кўрсатиши керак.

Оилавий тарбия. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар маж-

муи асосан оиласа шаклланади. Шу маънода, оила – ҳақиқий маънавият ўчоги, тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оила, унинг асрлар мобайнида сакланиб келаётган муқаддас айъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўнижмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрии ва вазифасини, Ватанинг остоидан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан халқ ва юрт тақдири учун фидоийлик туйғусини шакллантириш мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий айъаналаримизга хос шаклларини қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган «жангари» ўйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланимаслик керак. Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу инициаларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китобчалар, миллий эртаклар асосида яратилган мультфильмлар болалардаги илк ёшлиқдан мафкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида қўл келади. Масалан, болалар ўртасида машҳур бўлган «Зумрад ва Киммат», «Ёрилтош», «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари» каби қатор эртаклар орқали болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч хиссини уйғотиш мумкин.

Ота-оналар саводхонлиги. Юқорида тилга олинган тарбия шаклларини амалга оширишининг энг қулай йули – аввало *ота-оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш*, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчиин тўғри англашини, инсоннинг дунёга келиши ва камол топиб ривожланишига оид қонуниятларни пухта билишини,

оиласи муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъналаримизни энг подирларини турмушга сингдириш орқали боловларда миллий қадриятларга меҳр-муҳаббатни уйғотишни, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашини такозо этади. Бинобарин, ота-оналик шундай масъулиятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга оширилиши учун инсон ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам психолоргик жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Касбни пухта эгаллаш ва фидокорона меҳнат қилиш учун илм қанчалик зарур бўлса, фозил фарзандлар тарбиялаш ва уларни инсонларга нафи тегадиган даражада етук қилиб тарбиялаш учун ҳам билим шунчалик муҳимdir. Шунинг учун ўрга асрнинг кўзга кўринган истеъдоли шоирларидан бири Абдикер Шерозий ота-онага, айниқса, аёл кишига илмнинг зарурати тўғрисида шундай ёзган эди: «Илм – аёл учун зийнат. Ақлини подонликдан халос этган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб этади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди».

Боболар ва момолар тарбияси. Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиласинг катталари – боболар, момолар, яқин қариндош-уруглар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аждодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуг бибилари-бувилари шуғулланган. Ҳусусан, Шоҳруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари темурий шахзодалар Сароймулхоним қўлида тарбия топган.

Хуллас, ота-она ўз боласини ахлоқи ва ҳуқукий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Ота-оналик бурчига эътиборсиз қараш, фуқаролик масъулиятини ҳис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан тенгдир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кура, уни жамиятга нафи тегадиган,

соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкул-роқдир.

Маҳалла – тарбиячи. Ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели бўлган маҳалла ҳалқимизнинг азалий удумлари, урфодатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг пайд-насиҳати, катталарининг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик фоялари сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом *ижтимоий муҳит*дир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ахлининг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларицек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.

Маҳаллада кент жамоатчилик уртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс. Агар бирор маҳаллада ўсган қиз ҳакида бошқа бир одам ноўринроқ гап айтганини, ўша қизнинг маҳалладоши эшитиб қолса, шу қизнинг шаъни учун курашади, уни оқлашга, бегона одамни эса тартибга чакириб қўйишга харакат қиласди. Шу маънода маҳалла ҳамжиҳатлик, ор-номус, биродарлик каби фазилатлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Аёл, она – эзгулик тимсоли. *Мафкуравий тарбияда она-нинг алоҳида ўрни ва нуғузини* ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг бола тарбияси ва оилавий рўзгор ишларини юритиш борасидаги билимдононликларини такомиллаштириб бориш; «оналар мактаблари» ташкил этиш ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Чунки Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан аёлларга билдирилган юксак ишончнинг замирида бу мұътабар зотларга хос буюк оналик меҳр-муҳаббати, уларнинг мафкуравий тарбияга қўшажак куч-ғайрати, иоёб истеъоддларининг эътирофи ётади. Жаҳон маданияти ва маънавиятига катта ҳисса қўшган Мусо Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий,

Бурхониддин Марғинонийларни дунёга келтириб, тарбия берган момоларимизнинг ворислари бўлган замонавий аёллар ҳам соғлом фикрловчи, Ўзбекистон тараққиёти учун бутун билим ва иқтидорини аямайдиган ёшларни тарбиялаб беришига шубха йўқ. Зеро, юргбошимизнинг «Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», деб уларнинг бугунги ҳаётимида ги ўрнига катта аҳамият бераётгани бежиз эмас.

Анъаналар, удумлар, расм-русумлар. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мағкуранинг асосий тояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврӯз, ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилюна фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда миллий анъаналаримизни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофчарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу урф-одат ва анъаналарининг асосий қисми оиласада ва оила аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилавий айъана ва удум мағкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масалан, инсонпарвар, юксак эътиқодли, бағрикенг, меҳр-оқибатли одамларни вояга етказишда кенг маънодаги толерантлик, оилавий муносабатлардаги инсонийлик тамойиллари муҳим ўрин тутади. Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида маҳсус анъаналарнинг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган ҳашарлар, чакалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ ҳамма-ҳаммаси эзгуликка, яъни соғлом мағкуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Мулоқот маданияти – инсонга хос маънавий эҳтиёж бўлиб, ундаги умумий маданий савиянинг муҳим кўрсатгичидир. Инсон ўзининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрлари-

ни бевосита мулокот жараёнида намоён қиласи. Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчали воситаларидан бири ҳам мулокот хисобланади. Чунки инсон қалбида, онгида шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждан, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўринини эътироф этган ҳолда, шунунайтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва хиссиятларнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиш лозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан фикрини уқтира бошлайди. Ва бундай мулокот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулокотга таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамият берилади.

Оилала ота-она, қайнона-келин, қариндош-уруглар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, муносабатлардаги самимият даражаси ҳам ёшларда соғлом фикрининг, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, иффат, ибо, назокат, лафз, масъулият каби ижобий фазилатлар ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Халқимизга хос устувор фазилатлар асосан оилавий мұхитда, яқин қариндошларнинг бевосита аралашувида юз беради. Бу ҳол меҳнатга тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни хурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, аяш, урф-одатларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади. Бундай сифатларни ўзлаштира олган ҳар бир ўғил ва қизда оилапарварлик ва юртпарварлик хусусиятлари ривожланиши муқаррар. Лекин оилавий низолар, ажралишларнинг сабаблари таҳлил қилинганда, шу нарса аён бўлмоқдаки, оила мұхитининг носоғломлиги, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро тил топа олмаслик каби ҳолатлар нафақат ўша оила, балки қариндош-уруглар ўртасидаги хотиржамликка ҳам раҳна солади. Энг ачинчалиси – бунинг оқибатида эътиқодсиз, диёнатсиз, мақсад-маслаксиз болалар, ҳаётда ўз ўринини топа олмаган инсонларнинг пайдо бўлишидир.

Таълим муассасалари. Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёт стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишлари-дандир.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият хаётининг барча соҳаларини камраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларида оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Таълим ва тарбия соҳалари миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишлари-дандир.

Бунда қуйидаги вазифалар кўзда тутилади:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурни яратиш;
- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-тала-балар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланималарда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;
- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда маф-куравий тарбияни бугунги күп талаблари даражасига кўта-риш;
- педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чукурлаштириш.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи ўз навбатида миллий ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзи-га хос омилларини назарда тутади.

Мактабгача таълим муассасалари. Бу ўринда ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси унинг кейинги тараққиёт даврида қаичалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб этишига эришиш зарур. Буңда оиласинг мактабгача таълим

муассасалари тизимиға изчил уйғунлашувига эришишни на-
зарда тутиш керак. Бу даврда барча мактабгача таълим-тар-
бия муассасалари болалардаги умумий саводхонлик ва мак-
табдаги таълим – тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва
зарурый босқичи сифатида қаралиши лозим.

Бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей,
касб-хунар колледжлари, олий ўқув юртлари) мафқуравий тар-
биянинг асосий ўчокларидир. Уларнинг барчасида амалга
ошириладиган мафқуравий таълим жараёнида, барча ўқув
кўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қўйида-
ги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим:

- Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳабbat уйғотиш;
- миллий қадриятларга хурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- оиласинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги роли-
ни кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқа-
риш мактаби эканини тушунтириш;
- умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик,
бағрикентглик, дунёвий илмларга интилиш ва илфор маданият-
ни шакллантириш воситаси эканини уқтириш;
- дин ва дунёвий билимларнинг ўзаро қарама-қарши эмас-
лигини англашиб;
- маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини ошириш-
даги имкониятлари кенглигини исботловчи далиллар келти-
риш;
- мафқуранинг фалсафий асосини яратишда тарихнинг
аҳамиятини очиб бериш;
- ҳукуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили
екани тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш.

Бу ишлар ижтимоий гуманитар фанларнинг маъно мазму-
ни ва уларни ўқитиши технологияларини такомиллаштириши-
ни, ёшларни мустақил фикрли бўлишга, ижобий ўзгаришлар-
га бефарқ бўлмаган, чуқур билимларга интилиб яшашга ўрга-
тишини тақозо этади.

Дунёвий илмларни мукаммал билиш даҳрийлик белгиси эмаслигини ҳар бир ёшнинг теран англаб етиши мұқаддас ислом динимизнинг иймон-эътиқодга, инсоф-диёнатга чорловчи кучини янада оширади. Энг мұхими – мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳар томонlama баркамол, билимли, малакали ёшларни вояга етказишнинг жамиятимиз томонидан қабул қилинган тарихий ҳужжат эканини тушунтириш ва уни амалга оширишга бутун кучни сафарбар этиш зарур.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий истиклол ғояси ва комил инсон тарбиясининг ўзаро алоқасини қандай тушунасиз?
2. Истиклол мағкурасини халқ онғига сингдиришнинг қандай йўллари ва воситалари мавжуд?
3. Миллий мағкурунни халқ оммасига етказишнинг механизми нимадан иборат?

Реферат мавзулари

1. Фоявий тарбия ва унинг асосий хусусиятлари.
2. Ёшларни миллий мағкура руҳида тарбиялашнинг шакл ва воситалари.
3. Халқ оммасининг турли қатламларини гоявий куроллантириш муаммолари.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

Кириш 3

1-мавзу: Миллий истиқлол ғояси фапининг предмети, аҳамияти ва асосий вазифалари 6

ИККИНЧИ ҚИСМ: Миллий ғоя ва мафкуралар тарихидан

2-мавзу: «Фоя» ва «мафкура» тушунчалари 23

3-мавзу: Тарихий тараққиёт: ғоявий ва мафкуравий жараёнлар 39

УЧИНЧИ ҚИСМ: Хозирги замонда инсон онги ва қалби учун кураш

4-мавзу: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари 55

5-мавзу: Геосиёсат ва Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар . 68

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ: Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар

6-мавзу: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели 79

7-мавзу: Мустакиллик ва мафкуравий муаммолар 100

БЕШИНЧИ ҚИСМ: Миллий истиқлол ғояси

8-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва мазмуни 116

9-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари 135

10-мавзу: Миллий истиқлол мағкурасининг асосий ғоялари	150
11-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари .	172
ОЛТИНЧИ ҚИСМ: Миллий истиқлол ғоясини ҳалқимиз қалби ва онгига сингдириш	
12-мавзу: Фоявий тарбиянинг услуг ва воситалари	189
13-мавзу: Миллий истиқлол ғоясини ёшларнинг онгига сингдиришнинг шакл ва йўналишлари	203

Ижтимоий-сиёсий нашр

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ:
асосин тушунча ва тамвийнлар**

*(Олий таълим мұассасалари учун
тажрибавий құлланма)*

Масъул мұхаррир: *К. Назаров*

Мусаввир: *И. Исмоилов*

Мусаххих: *У. Валиев*

Компьютер ишлари: *Н. Машрапова,
И. Намеджанова*

ИБ № 3573

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент, Мустакиллик майдони, 5

Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Босмахонаға топширилди 19.07.2001. Босишига рухсат берилди 6.08.2001.
Бичими 60×90/16. Оффсет босмахона қозози. Шартлы босма 17,4 б.т.
Нашр табоқ 14,0 б.т. Адади 12000. К-8883 рақамлы буюртма.

Ўзбекистон республикаси Давлат қўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа
комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

